

Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус  
таълим вазирлиги

М.Улуғбек номидаги  
Тошкент давлат университети

---

В.М.Каримова

# **ИЖТИМОЙ ПСИХОЛОГИЯ ВА ИЖТИМОЙ АМАЛИЁТ**

Университетлар ва педагогика институтлари  
талабалари учун ўқув қўлланма

МАЖБУРИЙ  
НУСХАЛАР


Тошкент  
“Университет”  
1999

Кўлланма амалдаги "Психология" ихтисослиги дастурларининг талаблари ва тамойиллари асосида ёзилган. Унда амалиётчи психологлар учун ижтимоий психологиянинг асосий татбиқий соҳалари, ёшларни янгича ўзаро муносабатларга ўргатиш йўллари ва усуллари юзасидан назарий ҳамда амалий тажрибаларнинг яқунлари умумлаштирилган. Кўлланма олти бобдан иборат бўлиб, уларнинг асосий қисми ижтимоий амалий психологияга ва ижтимоий психологик фаол мулоқотта ўргатиш техникасига бағишланган.

Кўлланма университетлар, педагогика институтлари талабаларига, ижтимоий-гуманитар йўналишда таҳсил олаётган талабаларга, малака ошириш институтларининг тингловчиларига ҳамда кенг жамоатчиликка мўлжалланган.

#### Тақризчилар:

психология фанлари доктори,  
профессор **М.Г.Давлетшин**,  
фалсафа фанлари доктори,  
профессор **М.А.Абдуллаев**



## МУҚАДДИМА

Шахс ва унинг камолоти муаммоси тараққий этаётган ва ўз тараққиётининг юксак чўққисига интилаётган жамият учун энг долзарб масалалардандир. Ўзининг мустақил тараққиёти йўлидан бораётган Ўзбекистон Республикасида ҳар бир фуқаронинг маънавияти, шахсий ривож ва камолоти, шахс ва жамият манфаатларининг уйғунлиги ҳар қачонгидан ҳам муҳим қадрият сифатида қаралмоқда. Баркамол авлод тарбияси ва унинг мукамал таълим олиши масалалари давлат сиёсати мақоми даражасида ҳал қилинаётганлиги - бу фикрнинг ёрқин исботидир. Шунинг учун ҳам шахс ва жамиятнинг ўзаро уйғунлигини узвий боғлиқ долзарб муаммо тариқасида ўрганувчи фан ва илмий-тадқиқот соҳаси, улар томонидан қўлга киритиладиган ютуқлар айнан мамлакатимизда кадрлар тайёрлашнинг миллий дастурини ҳамда Таълим Қонунини ижтимоий ҳаётга татбиқ этишда ўз ҳиссасини қўшмоғи лозим.

Ижтимоий психология жамиятимизда шахслараро муносабатларнинг табиати ва қонуниятларини ўрганувчи фан сифатида ўзининг назарий тамойилларини амалиётга татбиқ этмоғи ва шу орқали янгича мазмундаги демократик муносабатларнинг жамиятнинг ҳар бир жамоасида, оиласида ва фуқаросида қарор топишига, ёшларда янгича фикрлашни ва дунёқарашни шакллантириш жараёнига кўмаклашиши зарур.

Китобхонлар ҳукмига ҳавола этилаётган ушбу қўлланма айнан мустақил юртимизнинг бунёдкорлари ҳисобланмиш ёшларнинг психикасида шаклланиши зарур бўлган янгича қарашларга ва ўзаро муносабатларга ўргатиш йўллари ижтимоий психология масалалари доирасида ечишга ёрдам беради, юксак маданиятли ва маънавий етук халққа муносиб ворисларни тарбиялашга муайян ҳисса қўшади, деган умиддамиз.

# I БОБ. ИЖТИМОЙ ПСИХОЛОГИЯ ВА УНИНГ ДОЛЗАРЪ МУАММОЛАРИ

## 1.1. Ижтимоий психологиянинг предмети ва вазифалари

Жамият - бу инсонлар мажмуидир. Унинг тараққиёти ва маънавий салоҳияти кўп жиҳатдан ана шу инсонлар ўртасида юзага келадиган ўзаро муносабатларнинг табиатига, улар амалга оширадиган мураккаб ижтимоий ҳамкорлик фаолиятининг мазмунига боғлиқ. Ҳар бир инсон жамиятда яшар экан, у унда ўзига хос ўрин ва мустақил мавқе эгаллашга интилади, бинобарин, у ўзига хос интилиш, лаёқат ва фаоллик намуналарини намойиш қилади. Инсонлар ўртасидаги ўзаро муносабатларни ҳамда ҳар бир шахснинг жамиятдаги ўрни ва унинг турлича ижтимоий муносабатлари табиатини ўрганувчи қатор ижтимоий фанлар мавжуд бўлиб, уларнинг орасида ижтимоий психология алоҳида ўрин эгаллайди.

Ижтимоий психология жуда қадимий ва шунинг билан бирга у ўта навқирон фандир. Унинг қадимийлиги инсоният тарихи, маданияти ва маънавиятининг қадимий илдизлари билан белгиланади. Улар аслини олиб қараганда, у ёки бу жамиятда яшаган кишилар ўртасидаги ижтимоий муносабатларнинг ва тафаккурнинг ҳосиласи эканлиги билан эътироф этилса, у - ўз услубиёти, предмети ва фанлар тизимида тутган ўрнининг янгилиги инсоният тараққиётининг энг янги даврида шаклланганлиги ва ривожига туртки берганлиги билан тавсифланади. Дарҳақиқат, ижтимоий психологиянинг фан сифатида тан олиниши хусусида сўз борар экан, унинг расман эътироф этилиши 1908 йил дейилади. Чунки айнан шу йили инглиз олими В. Макдугалл ўзининг "Ижтимоий психологияга кириш" китобини, америкалик социолог Э.Росс эса "Ижтимоий психология", деб номланган китобини чоп эттирган эди. Бу асарларда биринчи марта алоҳида фан - ижтимоий психологиянинг мавжудлиги тан олинди ва унинг предмети таъриф берилди. Иккала муаллиф ҳам - бири психолог,

иккинчиси социолог бўлишига қарамай, бу фаннинг асосий предмети ижтимоий тараққиёт ҳамда психик тараққиёт қонуниятларини уйғунликда ўрганишдир, деган умумий хулосага келишган. Тўғри, мазкур муаллифларнинг ҳар хил фан соҳасининг вакили эканлиги, уларнинг ижтимоий психологик ҳодисалар табиатини ёритишга нисбатан ўзига хос қарашларининг мавжудлиги ва бундай ёндашув то ҳозиргача давом этаётганлигига асос бўлди. Рус олимаси Г.М.Андреева таъкидлаганидек, ижтимоий психология соҳасида ишлаётган мутахассиснинг аслида ким эканлиги - психологми, файласуфми ёки социологми, - унинг ушбу фан предметига ёндашувида ўз аксини топади, чунки агар у социолог бўлса, ижтимоий қонуниятларни аввал бошдан жамиятдаги анъаналар ва умумий қондалар тилида тушунтиришга интилса, психолог - конкрет олинган шахс психологиясининг қонуниятларини умумжамят қонунқондаларига татбиқ этишга ҳаракат қилади. Нима бўлганда ҳам, шуни асосли тарзда эътироф этиш зарурки, ижтимоий психологиянинг алоҳида фан бўлиб ажралиб чиқишига сабаб бўлган илмий манбалар икки фан - психология ва социология фанларининг эришган ютуқлари ва ҳар қайсисининг доирасида маълум муаммоларнинг ечилиши учун яна қўшимча алоҳида фаннинг бўлиши лозимлигини тан олиш тўғрисида юзага келди. Шунинг учун ҳам узоқ йиллар мобайнида ижтимоий психология соҳасида тадқиқотлар олиб бораётган шахснинг кимлигига қараб, изланишларнинг натижаларида у ёки бу ёндашув - психологик ёки социологик ёндашувнинг устуворлиги яққол кўзга ташланди. Демак, бу фаннинг туғилиши, ўз предмети соҳасини аниқлаб олишига сабаб бўлган социология ва психология фанлари аслида унинг "отаналаридир".

Умумий ҳолда, ҳозирги кунда унинг предметини қуйидагича таърифлаш мумкин: ижтимоий психология - одамларнинг жамиятда ҳамкорликдаги иш фаолиятлари жараёни давомида уларда ҳосил бўладиган тасаввурлар, фикрлар, эътиқодлар, ғоялар, ҳис-туйғулар, кечинмалар, турли хулқ-атвор шакллари тушунтириб берувчи фандир. Демак, ҳар бир шахснинг жамиятда яшаши, унинг

ижтимоий нормаларга риоя қилган ҳолда ўзига ўхшаш шахслар билан ўрнатадиган мураккаб ўзаро муносабатлари ва уларнинг таъсирида ҳосил бўладиган ҳодисаларнинг психологик табиатини ва қонуниятларини тушунтириб бериш - ижтимоий психологиянинг асосий вазифасидир. Бундан келиб чиқадиган умумий таърифларга бинан, ижтимоий психология ижтимоий мулоқотнинг мураккаб шакл ва механизмларини ўрганувчи фандир.

Ўзбекистон Республикаси Олий мажлисининг IX сессиясида Республика Президенти И.А.Каримов олий таълимни ислоҳ қилишда ва малакали кадрларни тайёрлашда ижтимоий психологиянинг фан сифатида алоҳида ўрни борлигига жамоатчилик диққатини қаратди. Дарҳақиқат, етук кадр бўлиш учун шахс нафақат ўз иқтидори, билими ва савиясини ошириши зарур, балки жамиятда турлича ижтимоий муносабатлар тизимига тайёр бўлмоғи, ижтимоий фаолиятни бошқаришнинг илмий қонуниятлари ва қоидаларини мукамал эгалламоғи зарур. Бошқарув, маркетинг ва менежмент соҳаларида, айниқса инсон омили ва уни бошқаришнинг психологик тизимини билиши - жамиятда соғлом инсоний муносабатларни шакллантириш орқали уни камол топтириш йўлидир. Шунинг учун бугунги кунда юртбошимиз таъкидлаганидек, ижтимоий психология ва умуман ижтимоий фаолият билан шуғулланувчи фанларнинг асосий вазифаси - баркамол авлод тарбиясини таъминловчи барча маънавий, руҳий ва инсоний муносабатлар моҳиятини таҳлил қилиш, уларни бошқаришнинг энг самарали усулларини ҳаётга татбиқ этишдир. Бу ўринда, айниқса ижтимоий тафаккурнинг, янгича дунёқараш ва муносабатларнинг шаклланишини, инсоннинг ўзига ва ўзгаларга таъсир этишнинг механизмларини ўрганиш энг долзарб масалалардандир.

Хўш, бугунги кунда ижтимоий психология фан сифатида ўз баҳс мавзусини ва предметини қайси объектларга қаратмоқда?

Биринчидан, унинг асосий йўналиши кичик гуруҳлар ва жамоалар психологиясини ўрганишдан иборатдир. ✓ Ҳар бир шахс ҳамиша маълум ижтимоий гуруҳлар доирасида фаолият кўрсатади. Бу унинг оиласи, меҳнат жамоа-

си, кўча-кўйдаги норасмий гуруҳдаги дўстлари давраси, ўқув жамоаси ва ҳоказо. Шахснинг якка ва турли гуруҳлар доирасида ўзини тутиши, хулқ-атвори, мавқеи, унга ўзига хос гуруҳий таъсирлар, гуруҳдаги шахслараро мослик, лидерлик, гуруҳий тазйиққа берилувчанлик каби қатор ҳодисалар аслида ўша гуруҳларни бошқариш, соғлом ўзаро муносабатлар шароитини яратиш - бу одамларни самарали ўзаро мулоқотга ўргатишнинг заруриятидир. Бошқарув психологияси, саноат ва ишлаб чиқариш психологияси ана шундай гуруҳий жараёнларнинг қонун ва қоидаларини тадқиқ этиш туфайли ажралиб чиққан татбиқий соҳалардир.

Иккинчидан, шахснинг ижтимоий психологик қиёфаси масаласи ҳам бугунги кундаги ўзгаришлар ва маънавий жиҳатдан покланиш даврида ўта муҳим соҳадир. Зеро, ҳар бир шахснинг жамиятда рўй бераётган туб ислохотларга муносабати, уларни идрок қилиш ва англаш даражаси, ўз-ўзига нисбатан муносабатининг табиати, хулқидаги ижтимоий мотивлар ва йўналишлар катта аҳамиятга эгадир. Айниқса, боланинг вояга етиши жараёнида унинг ижтимоийлашуви, яъни ижтимоий муносабатлар муҳитига кириб бориши, ижтимоий таъсирларни онгига сингдириши ва хулқини мустаҳкамланиши жараёнларининг психологик табиатини текшириш шахсни жамиятда шакллантириш дастурини яратиш учун зарур. Лекин ҳар бир шахсда бу жараён ўзига хос тарзда рўй бериши сабабли, ижтимоий психологияда унинг ижтимоий типлари фарқланади ва ҳар бир мураббий ёки тарбиячи уларни билиши амалий аҳамият касб этади<sup>1</sup>.

Учинчидан, жамият миқёсида рўй берадиган **оммавий ҳодисалар** ҳам ижтимоий психология учун татбиқий аҳамиятга эга. Чунки алоҳида шахс тарбиясида **оммавий ҳодисаларнинг**, катта гуруҳларнинг таъсирини инкор этиш - масалага бир ёқлама ёндашишга баробардир. Масалан, шахс учун у мансуб бўлган миллат, элат ёки халқнинг руҳияти, унинг онгидаги асрлар давомида сақланиб келатган анъаналар, расм-русумлар, ақидалар, удумлар, фаолият стереотиплари кабилар ўз муайян таъсир кучига

---

<sup>1</sup> Каримова В. Ижтимоий психология асослари. Тошкент, 1994.

эга. Миллатнинг руҳи илк болаликдаёқ шахс онгига у ўзлаштирган миллий тил орқали сингиши маълум. Шу каби ва бошқа оммавий психологик жараёнларнинг шахс ижтимоий хулқ-атвorigа таъсирини ўрганувчи ижтимоий психология ва хусусий тармоғи бўлган этнопсихология ижтимоий психологик қонуниятларни билишда ва уларни бошқаришда катта амалий аҳамиятга эга.

Ижтимоий психология ўрганадиган энг асосий ва юқорида таъкидлаб ўтилган муаммоларни ўз ичига олган масалалардан бири - бу муомаладир. Санкт-Петербурглик олимларнинг фикрича, бугунги кунда ижтимоий психологиянинг предмети ҳам ва унинг доирасида ўтказиладиган барча тадқиқотларнинг умумий объекти ҳам муомаладир. Унинг инсон ҳаётида тутган ўрнини аниқлаш, турли ижтимоий фаолиятлар шароитида самара берадиган муомала турлари ва услубларини ёритиш, унинг соф психологик механизмларини тадқиқ этиш, фаннинг энг муҳим татбиқий йўналишларидандир. Биз ҳам маълум даражада бу фикрга қўшиламыз, чунки ижтимоий фаолиятнинг қайси соҳаси ёки шахслараро муносабатларнинг қайси шаклини олмайлик (иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий, мафкуравий, маънавий ҳ.з.), унинг негизи ва туб моҳиятини ўша муносабатларнинг эгаси ёки субъекти бўлмиш инсонлар ўртасидаги ўзаро таъсир ва муносабатлар ташкил этишини инкор этиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам ҳар бир конкрет шароитда шахслараро мулоқот самарадорлигини ошириш омилларини ўрганиш ижтимоий психологиянинг муҳим вазифасидир.

## 1.2. Ижтимоий психологиянинг методлари

Ҳар бир алоҳида фанда бўлгани сингари ижтимоий психологиянинг ўз методлари ва уларни қўллаш воситалари мавжуд. Тўғри, уларнинг аксарияти психология ва социология фанларида қўлланиладиган усулларга яқин, лекин фаннинг предметидаги ўзига хосликни ҳисобга олган ҳолда уларни ишлатиш йўллари ва маълумотларни илмий жиҳатдан таҳлил қилишда фарқлар мавжуд.



Масалан, умумий психологияда бўлгани каби ижтимоий психологияда ҳам кузатиш методи қўлланилади, лекин кузатув объекти конкрет шахсдаги психик фаолият эмас, балки шахснинг ижтимоий муносабатлар тизимида бевосита кузатиш мумкин бўлган ижтимоий хулқидир. Яъни, кузатувчи аниқ олдиндан белгиланган режа асосида ўзи ўрганаётган гуруҳнинг фаолиятини, вербал ва невербал хатти-ҳаракатларни маълум вақт бирлигида мутасил кузатиб, олинган маълумотларни қайд этиб боради. Бунда замонавий аудио- ва видеотехникадан фойдаланиш, у ёки бу ҳаракатларни қайта-қайта кўриш орқали керакли хулосаларни чиқариш мумкин. Ижтимоий психологияда қўлланиладиган кузатиш методининг асосан уч шакли мавжуд:

а) “қўшилиб кузатиш” - бунда тадқиқотчи (ўша) кузатилувчилар фаолиятига бевосита аралашиб, улар билан керак бўлса, яшайди ва ишлайди. Бу усулдаги энг муҳим хусусият унинг табиийлиги бўлиб, кузатиш объектлари ўзларининг кузатилаётганликларини сезмайдилар ва кузатувчини гуруҳнинг аъзоси сифатида қабул қиладилар. Ушбу шартнинг бузилиши экспериментнинг самарасиз бўлишига олиб келиши мумкин;

б) “ташқи кузатиш” - кузатилувчилар фаолиятига аралашмаган ҳолда улар ташқи хулқ-атворини қайд қилишдир. Бу усул муайян вақт ва сабр-тоқат талаб қилиши билан бошқа методлардан фарқ қилади, баъзида қисқа муддат ичида тадқиқотчи ўзини қизиқтираётган предмет хусусида ҳеч нарса қайд қила олмаслиги ёки тасодифан қўлга киритилган маълумот асосида хулоса чиқаришга мажбур бўлиши мумкин. Шунинг учун ҳам бу усул бошқа усулларга қўшимча восита сифатида ишлатилади;

в) “муҳим вазиятларни қайд этиш” усулида кузатишнинг моҳияти шундаки, алоҳида шахс ёки гуруҳ кутилмаган, тасодифий вазиятга солинади, ва уларнинг вазиятга муносабати, ўзини тутиши, зиддиятли ва қийин ҳолатлардан чиқиш йўллари кузатилади. Масалан, гуруҳни атайлаб олдиндан тузилган сценарий ёрдамида мунозарали вазиятга солиш ва унда ҳар бир гуруҳ аъзосини ўзини қандай тутиши ва баён этган фикрларини зикр этиш бунга ёрқин мисолдир.

Агар кузатиш методи ижтимоий психологияга умумий психологиядан ўтган усул бўлса, ҳужжатларни таҳлил қилиш усули социологиядан кириб келгандир. Бу усул ижтимоий фаолиятнинг маҳсулини ўрганишга қаратилган бўлиб, тўпланган маълумотларнинг ишончлилиги, математика ва статистика услублари ёрдамида қайта ишлаш имкониятининг мавжудлиги сабабли маълум афзалликларга эга. Бу усулнинг яна бир номи контент-таҳлил бўлиб, таҳлил қилинадиган ҳужжатлар тоифасига асосан оғзаки (сўзланган нутқ матнлари, суҳбатларнинг ёзиб олинган қисмлари, бевосита мулоқот жараёнида қайд этилган манбалар) ёки ёзма (расмий ҳужжатлар, газета-журналлардаги мақолалар, хатлар, маънавий-маърифий адабиётлар матнлари ва шунга ўхшаш) ҳолда тавсия этилган маълумотлар киради.

Контент-таҳлилни қўллашда тадқиқотчи олдида турган асосий муаммо - бу текширув бирликлари бўлиши, категорияларни аниқлашдир. Қўллаб тадқиқотчилар фикрларини умумлаштирган ҳолда таҳлил қилиш учун унинг бирликлари қуйидагилар бўлиши мумкин, деб ҳисоблаймиз:

а) алоҳида иборалар ёки сўзларда билдирилган туншунчалар (масалан, демократия, фаоллик, ташаббус, ҳамкорлик ва ҳоказо);

б) яхлит абзацлар, матнлар, мақолалар ва шунга ўхшашларда кўтарилган мавзулар (масалан, миллатлараро муносабатлар мавзуси, инсонлардаги миллий қадриятлар, ёшлар маънавияти мавзуси ва ҳоказо);

в) тарихий алломалар, сиёсатшунослар, таниқли шахсларнинг номлари;

г) ижтимоий ҳодиса, расмий ҳужжат, бирор аниқ факт, асар (масалан, оилавий можаролар, Ўзбекистон Конституциясининг муҳокамаси, янги ёзилган асарга ўқувчиларнинг муносабати ва шунга ўхшаш).

Яхши ўтказилган контент таҳлил - аслида ижтимоий психологик тадқиқотларда жуда муҳим аҳамиятга эга. Лекин олинган маълумотларнинг ишончлилиги шу борада илгари ишлаган шахслар - экспертлар баҳоси, айти шу фактни текшириш учун бошқа методларни ҳам қўллаш ва маълумотларни солиштириш ҳамда айти объектни айти

вазиятда қайта таҳлил қилиш йўллари билан эришилади. Тўпланган миқдорий маълумотлар математик статистика методлари ёрдамида қайта ишловдан ўтказилмоғи лозим. Контент - таҳлил тадқиқотчидан каттагина уқувни талаб қилади, чунки бир томондан у ёки бу матнни тушунишнинг маҳорати бўлиши керак, иккинчидан, тадқиқот сўнгида қўлга киритилган миқдорий натижаларни яна қайта сифат шаклига келтириш ва тушунтириб бериш лозим.

**Сўров методлари.** Сўров методлари ижтимоий психологик тадқиқотларда кенг қўлланилади, айниқса, **анкета сўрови** ва интервью шулар жумласидандир. Бу методларни қўллашда қатор методологик қийинчиликлар вужудга келади, биринчидан, доим шахслараро муносабатлар, ўзаро таъсир шакллари мавжуд, иккинчидан, тадқиқотчининг субъектив муносабатларини ҳам инкор қилиб бўлмайди. Тадқиқот мобайнида шахслараро идрок қилиш ва субъектив бир-бирини тушунишга қаратилган барча қонуниятлар ишлайди. Шунга қарамай, жуда кўп ижтимоий психологик маълумотларни тўплашда сўров методлари энг қулай усуллар сифатида ишлатиб келинмоқда.

Интервью ўтказиш учун одам махсус равишда тайёргарлик кўриши керак, чунки у тадқиқотчидан қатор муҳим шахс сифатларининг бўлишини талаб қилади. Шунинг учун ҳам ижтимоий психологияда “ролли ўйинлар” методи ёрдамида психолог ёки социолог махсус тайёргарлик курсидан ўтади.

**Анкета** методи ҳаммага таниш бўлган усуллардан бири. Лекин кўпинча анкетани ўтказган одам унинг тузилиши қанчалик қийинлигини ёки олинган маълумотларни қайта ишлаш, уларни тўғри шарҳлаш нақадар қийин эканлигини тасаввур қилмайди. Анкетага киритилган саволлар маълумотига кўра анкета очиқ ва ёпиқ турларга бўлинади. Очиқ анкета респондентдан ўз фикрини эркин баён этишни талаб қилади, ёпиқ шаклдаги анкета саволларининг эса жавоблари олдиндан берилган бўлиб, текширилувчи ўзига маъқул бўлган, ўзининг қарашлари, фикрлари билан мос келган жавобни белгилаб беради. Очиқ савол-

ларнинг камчилиги - респондентларнинг ҳар доим ҳам қўйилган вазифага етарли даражада маъсулият билан қарамасликлари ҳамда берилган жавобларни статистик жиҳатдан ишлов беришдаги қийинчиликлар бўлса, ёпиқ анкетада респондентга текширилувчи (томонидан ўз) фикрига эргашишга ўхшаш ҳолатнинг мавжудлиги ёки ҳар доим ҳам ҳамма саволнинг барча жавоб вариантларини топиб билмасликдадир. Шундай ҳолатларда респондент ё умуман жавоб бермаслиги ёки “таваккал” қилиб бир вариантни белгилаб бериши мумкин.

Шунинг учун ҳам кейинги пайтларда ярим ёпиқ саволлардан иборат анкеталар тузилмоқдаки, уларда жавоб вариантларидан ташқари қўшимча тарзда фикр билдириш учун қўшимча қаторлар берилади.

Анкетага киритилган саволлар тўғридан - тўғри берилиши мумкин. Масалан, “... хусусида Сизнинг фикрингиз?”, “... эканлигини биласизми?”, “... Сизга маъқулми?” ва шунга ўхшаш. Лекин саволлар билвосита берилса ҳам у яхши қабул қилинади. Масалан, “Баъзи одамлар ... ,деб ҳисоблайдилар. Сизчи?” ёки оилавий даромад тадқиқотчини қизиқтирганда тўғридан - тўғри “Даромадингиз қанча?” демасдан, балки уй-рўзгор буюмлари рўйхати ва бошқа пул билан боғлиқ нарсаларнинг бор ёки йўқлигини сўраш йўли билан ҳам ўрганиш мумкин. Кўпгина тадқиқодларда текширилувчиларга “проектив” саволлар ҳам берилади. Бунда шахсга бир қанча ҳаётий вазифалар у ёки бу хулқ-атвор шакллари таклиф қилиниб, улар ичидан ўзига маъқул, у маъқуллаши мумкин бўлган жавобни танлаш топширилади.

**Ижтимоий психологик тестлар.** Тестлар психологиянинг махсус усулидир. Улар қисқа синов усули бўлиб, у ёки бу ижтимоий психологик ҳодиса қисқа муддат ичида бир техник восита сифатида унинг ёрдамида текширилади. Тестлар асримизнинг бошида кашф қилинган бўлиб, улар 20-30-йилларда ҳаётга, амалиётга шунчалик шиддат билан кириб келдики, натижада махсус соҳа - психометрика юзага келди. Тестларни қўллашнинг қулайлик томони шундаки, бир тест ёрдамида маълум объектнинг у ёки бу хусусиятини бир неча марта, такрор-такрор синаб

кўриш мумкин. Лекин уларни универсал деб бўлмайди, чунки у ёки бу тест муайян турдаги объектда синалган бўлса, уни шунга ўхшаш объектлардагина қўллаш мумкин, холос, қолаверса, ундан олинган маълумотлар нисбий хусусият касб этади.

**Ижтимоий психологик эксперимент.** Ижтимоий психологик эксперимент - бу ижтимоий ҳодисаларни ўрганиш мақсадида текширувчи билан текширилувчи ўртасидаги мақсадга йўналтирилган мулоқотдир. Бундай мулоқотнинг юзага келиши учун экспериментатор, яъни текширувчи махсус шароит яратади ва ана шу шароитда аниқ режа асосида фактлар тўплайди. Умумий психологияда бўлгани сингари, ижтимоий психологияда ҳам унинг табиий ва лаборатория турлари фарқланади.

Лаборатория эксперименти одатда махсус шароитларда, алоҳида хоналарда, зарур асбоб-ускуналар ёрдамида ўтказилади. Чет элларда биринчи марта лаборатория шароитида ижтимоий психологик ҳодисаларни, хусусан, якка тартибда ва гуруҳ шароитида шахсдаги билиш жараёнлари, тафаккур, сезгирлик ва бошқа қатор жараёнларнинг намоён бўлишини Г. Оллпорт, В. Меде, Майер, К. Левин ва бошқалар ўрганган бўлса, Россияда биринчи лаборатория шароитида ижтимоий психологик тадқиқотни рус олими В.М.Бехтерев ўтказган эди. У махсус асбоблар ёрдамида идрокнинг аниқлигини, хотиранинг сифатини, кузатувчанлик хусусиятларини якка ҳолда ва гуруҳий шароитида солиштириб ўрганди ҳамда гуруҳнинг борлиги ҳар бир унинг аъзоси психикасига бевосита таъсир этишини исбот қилди.

Лаборатория эксперименти кейинчалик Б.Г.Ананьев, Е.С.Кузьмин, В.С.Мерлин, В.Н.Мясищев, Л.И.Уманский кабилар томонидан янги қирралари ишлаб чиқилди ва ижтимоий психологияда аппаратура услуги кенг қўлланила бошланди. Масалан, инглиз олими Р.Эшби томонидан кашф қилинган, кейинчалик Ф.Д.Горбов ва бошқалар томонидан такомиллаштирилган гомеостат методи, Л.И.Уманский томонидан яратилган гуруҳ учун интеграторлар пайдо бўлди ва амалиётда бир гуруҳ доирасида рўй берадиган ҳодисаларни, хусусан, гуруҳдаги бир-

дамлик, ўзаро мослик, лидерлик каби ҳодисаларни текширишда кенг фойдаланила борилди.

**Проектив методлар.** Улар тэст усулларининг бир кўриниши ҳисобланиб, уларда текширилувчига аниқ тизимга ёки кўринишга эга бўлмаган ноаниқ нарсалар тавсия этилади ва уларни шарҳлаш топшириғи берилади. Бинобарин, текширилувчига турлича талқин қилиш мумкин бўлган расмлар, тугалланмаган ҳикоялар, бирор аниқ кўриниши мавжуд эмас буюмлар, ёғочлар берилиши, ёки уларга қараб текширилувчи ўзининг ҳиссий кечинмалари, қизиқишлари, дунёқараши нуқтаи назаридан баҳолаши кутилади.

Проектив усуллар қаторига машхур “Роршахнинг сиёҳ доғлари” тестини киритиш мумкин (1921 й.). Бу - икки томонлама симметрик шаклда берилган 10 хил доғлардан иборат бўлиб, ҳар бир доғ ҳар хил бўёқли фонда кўрсатилади. Текширилувчидан ҳар бир “доғ” ниманинг шаклини эслатиши сўралади. Унинг оғзидан чиққан сўзлар, ассоциацияларга қараб (уларни контент-таҳлил қилиб), шахс хусусиятлари юзасидан хулоса чиқарилади.

Яна бир проектив усул - бу С. Розенцвейгнинг расмли ассоциацияларидир. Бунда турмушда тез-тез учраб турадиган зиддиятли вазиятларни акс эттирган расмлар текширилувчига тавсия қилинади. Бу расмларда бир томонда турган персонажлар нималарнидир гапирётган ҳолда гадалантирилади, унга қарама-қарши томондаги шахс эса ҳали жавоб қайтариб улгурмаган, текширилувчидан текширувчи тез, қисқа муддат ичида бўш катакларга қайтарилиши кутилаётган жавобни ёзишни сўрайди. Берилган жавобларга қараб шахснинг йўналиши, унинг зиддиятларга муносабати, жаҳолат ҳиссининг хусусиятлари, бу ҳиснинг кимларга қаратилганлиги ва шунга ўхшаш муҳим фактлар тўпланади.

Шундай қилиб, биз ижтимоий психологияда анъанавий қўлланиб келинаётган асосий методларга тўхталиб ўтдик. Лекин ҳозирги даврда ҳаёт фандан татбиқий хусусиятга эга бўлишини талаб қилаётганлиги туфайли бу қаторга бир туркум методларни киритиш лозимки, улар ижтимоий психологиядаги фаол тайёргарлик методлари

деб аталади. Уларга ижтимоий психологик тренингнинг барча шакллари киритилади (ҳар бирининг батафсил тафсилоти ушбу китобнинг кейинги бобларида баён этилади). Улар ўз моҳиятига кўра, шахс ва гуруҳнинг маълум сифатларини шакллантирувчи экспериментни эслатади. Лекин уларнинг фаол методлар тоифасига киритилишига асосий сабаб - бу усуллар ёрдамида қисқа фурсатда бевосита мулоқот шароитида кутилаётган самарага эришишидир. Яъни таҳлил қилиб чиқилган методлардан фарқли ўлароқ, фаол ижтимоий психологик методлар шахсда ёки гуруҳда шаклланган хусусиятларни қайд қилиш эмас, балки таркиб топтириш лозим хислатларни амалиётчи психолог ёки ижтимоий ходимнинг фаол аралашуви орқали ҳосил қилишга қаратилгандир. Ижтимоий амалиёт соҳасига кириб келаётган ушбу методлар туркуми тафсилотига китобда кенг ўрин берилган.

### 1.3. Ижтимоий психологиянинг амалий - татбиқий соҳалари

“Фан - амалиётга!” деган тамойил бугунги кунда ҳар қачонгидан ҳам долзарб масалага айланган. Чунки ёшларни мустақил давлатимиз маънавий негизларини теран англашга ўргатиш ва уларни маърифатга чорлаш жараёни қатор татбиқий вазифаларни амалга оширишни такозо этади.

Маълумки, илму-фан тараққиётининг узоқ даври шу билан тавсифландики, олимлар ва тадқиқотчилар кўпроқ назарий масалаларни ҳал қилиш, умумий қонун-қоидаларни шарҳлаш, тушунтириш орқали жамият ва инсоният тараққиёти сабабларини ёритишга уринишлар кўп учрайди. Бу ҳолат педагогика ва психология фанларига ҳам тегишли бўлиб, айниқса, воқеа-ҳодисаларнинг ижтимоий психологик табиатини ўрганувчи ижтимоий психология бундан истисно эмас эди. Лекин бугун биз учун ижтимоий тараққиёт ва инсон тафаккури ривожланишини тезлаштирувчи, унинг давр ва кишилар руҳига ҳамоҳанг тарзда кечишини таъминлаб берувчи татбиқий хусусиятли ишлар ва илмий изланишлар зарур. Зеро, мамлакатимизда рўй бераётган туб ижтимоий-сиёсий ислохотлар айнан шуни

талаб қилмоқда. Бунда эътиборга лойиқ долзарб муаммолардан бири - ёшларда янгича дунёқарашни шакллантириш, уларни янгича демократик муносабатларга руҳий жиҳатдан тайёрлашдир. Бу вазифани адо этишда ижтимоий психологиянинг ўрни ва ролини аниқлаш, татбиқий изланишларни амалга ошириш ва ижтимоий психологик амалиёт доирасида ушбу вазифани амалга ошириш йўлларини топиш учун ҳозирги замон ижтимоий психологиясининг асосий татбиқий йўналишларини белгилаш мақсадга мувофиқ.

Ҳозирги даврда ижтимоий психологиянинг долзарблиги ва унинг жамиятдаги содир бўлаётган барча жараёнларга алоқадорлиги унинг татбиқий соҳаларини доирасини ҳам кенгайтирди. Унинг асосий татбиқий - амалий соҳаларига саноат социал психологияси, бошқарув психологияси, оила ва никоҳ борасидаги социал психологик ишлар, сиёсат ва иқтисодиётни такомиллаштириш муаммолари, қонунбузарликнинг олдини олиш эҳтиёжи ҳамда оммавий ахборот воситалари борасидаги амалий вазифалар киради. Барча амалий соҳаларга хос умумий хусусиятлар мавжудки, уларга:

а) уларнинг бевосита жамият талаб-эҳтиёжига кўра ташкил этилиши;

б) татбиқий ишларнинг "тили" муаммосининг борлиги, яъни, профессионал тил(жаргон) билан тадқиқот натижаларини баён этишдаги уйғунлик масаласи;

в) амалий эҳтиёжларга монанд илмий фаразларни ишлаб чиқиш;

г) шартномаларга мос тарзда буюртмаларларни ўз муддати ва босқичларда бажариш мажбурияти;

д) самарадорлик мезонларининг ўзига хослиги, яъни, бажарилган ишга қараб самарадорликни баҳолаш;

е) "назарийчи" билан "амалиётчи" ролларининг аниқ фарқланиши муаммолари киради.

Амалий социал психология тўғрисида гап кетганда, кўпинча, "социал психологик аралашув" тушунчаси ўртага тушади. Амалиётчининг аралашуви нималарда кўринади?

а) индивиднинг ўзгариши стратегиясида, яъни ўша ташкилотдаги ўзига хос шахсларнинг борлиги аниқланади ва уларга таъсир қилинади;



б) технологик тизим ўзгаради, яъни маълум ташкилот ёки муассасанинг тузилишида ўзгариш рўй беради;

в) маълум типли маълумотларга боғлиқлик, яъни маълумотларнинг ташкилот ичида ёки унинг атрофида тўпланганлигига боғлиқ ҳолда натижаларнинг турлича қийматга эга бўлиши мумкин;

г) атайлаб ўтказилган тадбирлар таъсирида корхона тараққиёти ўзгариши мумкин, масалан, режалаштириш, ходимлар билан ишлаш сифати, қарорлар қабул қилиш ва ҳоказо.

Амалиётда фаолият кўрсатаётган психолог жойларда уч асосий функцияни бажаради:

1. Эксперт, яъни, бу шундай шахси, у клиент ёки ми-жоз томонидан таклиф қилинади. Улар биргаликда би-рор ижтимоий психологик вазиятни таҳлил қилишади, ху-лосалар натижасида янгиликлар киритишади, зиддиятли ёки жанжалли вазиятларда мақсадга мувофиқ тўғри хулқ шаклини таклиф этишади. Демак, эксперт ишининг оқиба-ти - хулоса чиқариб, сўнг тавсиялар бериш.

2. Маслаҳатчи - экспертдан фарқли, миждоз томонидан бир марталик эмас, балки бир неча марта айни муаммо бўйича маслаҳат бериш ва хулосалар чиқариш учун таклиф этилади. Унинг аралашуви бевосита бўлиб, фао-лияти оқибаотида бирор шахс ёки яхлит жамоага ёрдам кўрсатилади, янги лойиҳалар қабул қилинади.

3. Ўргатувчи - одатда буюртма асосида жойларда ўқувлар, курслар ташкил қилади. Унинг асосий воситаси - социал психологик тренинг ва унинг турли кўринишлари бўлиб, оқибаоти - ижтимоий мулоқотнинг турли шакллари-га ўргатишдир.

Юртимизда маънавият соҳасидаги ислоҳотлар ва амалга оширилган ва оширилаётган ишларнинг аҳамияти шундаки, улар ёшларда ўз халқининг маданияти, Ватани-нинг ўтмиши ва бугуни, миллий қадриятларга тўғри муно-сабатларнинг шаклланишига сабаб бўлади ва бу - зиёли, билимдон кишилар учун энг зарур фазилатдир. Акс ҳол-да, олам сиру асрорларини чуқур билган, қизиқишлари доирасида жиддий изланишлар олиб боришга тайёр шахс, агар у, бу билимларни аввал ўз халқи, миллати,

яқинлари манфаатига йўналтира олмаса ва унинг жамият тараққиётига алоқасини тасаввур қилолмаса, маънавияти қашшоқ, иқтидори эса самарасиз, худбин шахс сифатида баҳоланади.

Табиий, ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида илмуфан ютуқларининг амалиётга татбиқ этиладиган соҳаларидан энг муҳими - бу ишлаб чиқариш ва саноат соҳасидир. Зеро, ҳар қандай ишлаб чиқариш муаммосининг ижтимоий психологик жабҳасини аниқлаш кун тартибидаги асосий масалалардан бири эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Чунки янгича бозор муносабатларини ҳаётда амалга оширувчилар алоҳида шахслар бўлиб, уларнинг индивидуал ҳамда гуруҳий установакалари, фаолликлари, меҳнатга муносабатлари, ҳиссиётлари етакчи роль ўйнайди. Корхоналарнинг мустақиллиги, хусусий мулкчиликнинг турли шакллари ҳаётга шиддат билан кириб келаётган бугунги кунда ҳам одамлар ўзаро гуруҳ бўлиб меҳнат фаолиятини амалга оширар эканлар, улар учун ўша гуруҳдаги ижтимоий психологик муҳитнинг қандайлиги, бевосита раҳбарнинг обрўси, норасмий лидерларнинг ишга ва шахслараро муносабатларга таъсири муҳим масала бўлиб қолаверади ва уларнинг хусусияти ишлаб чиқариш самарадорлигига бевосита таъсир кўрсатаверади. Янгича бозор иқтисодиёти муносабатлари шароитида раҳбарлар олдида турган яна бир муҳим масала шуки, улар аввалгидан ҳам билимдонроқ бўлиб, ўз билимларини кўпроқ ҳар бир шахснинг индивидуал психологик лаёқатлари ва қобилиятлари, ишга нисбатан муносабатларига биноан уларни тақдирлашлари, меҳнатга жалб этишнинг турли-туман шаклларини татбиқ этишлари зарур. Ходимни ёки ишчини шахсан ўрганиб, фаолиятини муносиб тақдирлаш эса (хоҳ моддий, хоҳ маънавий тақдирлашдан қатъи назар) унинг қисман тестолог бўлишини, психология фанининг оммабоп усулларини қўллаган ҳолда иш юритишини талаб қилади. Ишни ташкил этиш, гуруҳларни шакллантиришда ҳам уларнинг ўзига хос қонуниятларини билиши, одамлар сони ва салоҳияти масаласида ижтимоий-психологик билимга эга бўлиши шарт.

То ҳозиргача, саноат ижтимоий психологияси йўналишида қилинган аксарият ишлар шу соҳа бирлашмаларидаги алоҳида ишлаб чиқариш гуруҳларида ижтимоий-психологик муҳитни ўрганишга қаратилган бўлиб, тадқиқот мобайнида ишлаб чиқариш самарадорлиги, ишчиларнинг меҳнатга муносабатлари, гуруҳдаги қонунқоидаларга бўйсунушлари ва ҳоказолар билан боғлиқлиги текширилган. Айниқса, кўп тадқиқотларда ана шу психологик феноменнинг раҳбарликка таъсири, норасмий лидерларнинг хусусиятларига боғлиқлиги масалалари тўлиқ тадқиқ этилган. Лекин шу йўналишдаги тадқиқодлар ҳозирги иқтисодий муносабатлар шароитида ўтказилгани йўқ. Шунинг учун ҳам яқин келажакда ижтимоий психологлар томонидан саноат корхоналарида ўтказилиши мумкин бўлган тадқиқот таркибига қуйидагиларни кириштириш мумкин:

1) жамоа аъзолари ўртасидаги вертикал муносабатларни ўрганиш (раҳбарлик масалалари, раҳбарнинг жамоа аъзолари томонидан идрок қилиниши ва аксинча; ҳар бир аъзонинг раҳбарликда иштироки, ундан қониқиши ва бошқалар);

2) жамоа аъзолари ўртасидаги горизантал муносабатлар, яъни жамоанинг уюшганлиги, шахслараро муносабатларнинг ўзига хослиги, зиддиятлар ва уларнинг типлари, уларнинг олдини олиш чоралари;

3) меҳнатга муносабат, ундан жамоа аъзоларининг қанчалик қониқишлари ва унинг меҳнат унумдорлигига таъсири, фаолият мотивлари, амалга оширилаётган фаолиятнинг шахсий ва ижтимоий-фойдали жиҳатларини қай даражада тасаввур қилиши ва ҳоказо.

Тадқиқотчининг юқоридаги масалаларни ўрганиши учун табиий методик воситалар зарур. Амалий ижтимоий психолог оддий кишидан шу томонлари билан фарқ қиладики, у ҳар бир яққол шароитда ўзига керакли, маъқул услубларни қўллайди, баъзи бирларини синаб кўради, агарда улар мақсадга мувофиқ бўлмаса, бошқаси билан алмаштирилади. Олинган натижаларга асосланиб, у корхоналардаги руҳий муҳитни “яхши”, “ўртача”, “ёмон”, “қарама-қарши” тоифаларга бўлади ва уларнинг ҳар биридан ўзига хос илмий-амалий хулосалар чиқаради.

Бундан ташқари, бугун тадбиркорлик негизида ташкил этилаётган кўплаб ишлаб чиқариш корхоналари, фирмалар, қўшма корхоналар мавжудки, уларда меҳнатни илмий асосда ташкил этиш ва самарадорликнинг руҳий мезонларини топиш муҳим муаммодир. Чунки янги корхонанинг раҳбари ва масъул шахслар кўплаб инсонлар билан мулоқотга киришиш ва ишлаб чиқариш муносабатларининг мураккаб шаклларини ҳис этишга мажбурдирлар. Менежмент ва маркетинг соҳасидаги ҳар қандай изланишлар ва уларнинг татбиқий натижалари, сўзсиз жамиятда ишлаб чиқариш кўрсаткичларининг юқори бўлишини ва инсон манфаатига хизмат қилишини таъминлайди. Ғарб мамлакатларида бўлгани каби бу соҳада талаб ва таклифларнинг ўз вақтида ўрганилиши, раҳбарлик маҳоратининг кўплаб қирраларини эгаллаган ҳолда ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этиш, ҳар бир ходимнинг шахсий қобилиятларига дифференциал муносабатда бўлиш катта татбиқий аҳамиятга молик.

Саноат корхоналарида ташкил этиладиган психологик хизматнинг ижтимоий психологик йўналиши, аввало, турли тоифадаги ишчи-хизматчиларни ижтимоий ва шахсий зиддиятларини бартараф этишга ўргатиш, шахслараро муносабатларнинг демократик, соғлом шаклига ўтиш, раҳбарлик маҳорати сирларини ўзлаштириш ва улардан кундалик фаолиятда оқилона фойдаланиш малакаларини шакллантиришдир. Бунда, шубҳасиз, психолог томонидан ташкил этиладиган турли тренинг машғулотлари муҳим аҳамиятга эга.

Татбиқий ижтимоий психологик изланишларнинг иккинчи асосий йўналишларидан бири - бу **никоҳ ва оила соҳаларига олиб киришдир.**

Оила ва никоҳ ҳамма вақт ҳам гуманитар фанларни қизиқтириб келган, айниқса, бу соҳанинг ўзига хос ижтимоий психологик томонлари мавжуд бўлиб, у оилани яхлит бир ижтимоий гуруҳ сифатида талқин қилиб, унда содир бўладиган барча руҳий жараёнларни ўрганади. Республикада оила ва никоҳ масалаларига эътибор юксаклигини ҳисобга олиб, кўпчилик тадқиқотчилар ўз илмий изланишларини ана шу муаммоларга бағишлаганлар

(М.Мирҳосилов, Ғ.Б.Шоумаров, М.Расулева, Н.Соғинов, О.Мусурмонова, Ғ.Хомидова, А.Минавваров ва бошқалар). Оилага нисбатан илмий қизиқишнинг сабаблари, энг аввало, бу объектнинг “нақдлиги” бўлса, иккинчидан, кейинги йилларда ҳатто республикада ажралишларнинг кўпайиши, туғилишнинг шаҳар ва қишлоқларда нотекислиги, “муаммоли” оилаларнинг кўпайиши, оила институтига ёшлар муносабатлари ўзгараётганлиги ва ҳоказо.

Халқимизда оила муқаддас даргоҳ ҳисобланади. Бу ҳатто давлат даражасида кўрилиб, 1998 йил республикамизда “Оила йили”, деб эълон қилиниши ҳам бу йўналишларда ишлар самарадорлигини ошириш, оилага психологик ёрдам кўрсатиш, бу борада мавжуд муаммоларнинг аниқ ечимларини топиш ишини жадаллаштиради. Иккинчидан, бизнинг жамиятимизда оилага қаратилган бундай эътибор унинг маънавий негизларини мустаҳкамлашга шубҳасиз, хизмат қилади.

Умуман олганда, бизнинг ҳудудимизда ҳам оила - никоҳ муносабатлари йил сайин ўзгариб бормоқда. Бу борадаги ўзгаришларга:

1) оиланинг жамият олдидаги функцияларининг ўзгариб бориши;

2) оиланинг кичрайиши ва унда туғилишнинг камайиши, мураккаб кўп авлодли таркибдан кам авлодли оилаларга айланаётганлиги кабилар;

3) оилавий муносабатлар тизимида эр ва хотин функциялари ва оилавий роллар ҳақидаги ижтимоий тасаввурларнинг ўзгариб бораётганлиги;

4) иқтисодий инқирозларнинг оила аъзолари ўртасидаги муносабатларга таъсири;

5) аёллардаги репродуктив установакаларнинг ўзгариши ва бошқалар.

Бу айтиб ўтилган соҳалар Ўзбекистон шароитида шу яқин кунларда ишланиши зарур муаммолар бўлиб, уларнинг ечимига кўра оилани режалаштириш, оилада болалар тарбияси, аёл ва эркакнинг меҳнатга (ижтимоий фойдали меҳнатга) муносабати юзасидан олимлар ўз фикрларини айтишлари жоиз. Иккинчи томондан, демократия ва эркинлик шароитида йиллар давомида таъқиқланиб келинган кадриятларимиз, биринчи навбатда, диннинг

ҳаётга кириб келиши оилавий муносабатларга шундай таъсир кўрсатмоқдаки, кўпчиликда “энди аёл киши анъанавий ўз ўрнини эгаллармикин?” деган тасаввурлар пайдо бўлмоқда. Аммо ҳозирги ривожланган ижтимоий-иқтисодий муносабатлар шароитида моддий ишлаб чиқаришни хотин-қизларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам психологик илмий тадқиқотлар одамлар онгидаги ана шундай қарама-қаршиликларнинг олдини олишга ёрдам кўрсатиши мумкин. Шаҳарларда ва йирик аҳоли пунктларида “Оила хизмати”, “Оила Марказлари” шаҳобчаларини ташкил этиш зарурки, улар бир томондан, оила ва никоҳ борасидаги илмий муаммоларни тадқиқ қилиб, уларни ҳаётга татбиқ этса, иккинчи томондан, ёшларга, ҳали турмуш қурмаганларга, зиддиятли оилаларга бевоқиф психологик хизмат кўрсатади.

Оилавий муносабатлар соҳасидаги алоҳида татбиқий тармоқ - бу ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлашдир. Бу иш бизнинг ўлкамизда алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, янгилик билан эскилик ўртасидаги қарама-қаршиликлар шароитларида ўта муҳимдир. Ўсмирлик ва ўспиринлик йилларида шаклланадиган аттракция ҳодисаси, яъни шахсларнинг бир-бирларига эмоционал боғланишлари - дўстлик, севги ҳисларини тарбиялаш, ана шундай тарбияга шарт - шароитларни яратиш Ўрта Осиё ҳудудида янги ва келажаги порлоқ соҳадир. Шу ишларни амалга оширишда мактаб психологлари, педагоглар, ижтимоий психологлар ҳамкорликда фаолият кўрсатсалар хулосалар ва натижаларни ҳаётга татбиқ этса бўлади.

Амалий психологнинг бу борадаги асосий вазифаси шуки, ижтимоий психологиянинг фаол методларидан омилкорона фойдаланган ҳолда ёшларни оилавий муносабатларга тайёрлаш, оилаларда шахслараро мосликни шакллантириш, оилавий зиддиятлар ечимини топишда одамларга ёрдам бериш, турли тренинглар ўтказиш ва уларнинг самараси орқали инсонларда ишонч ҳиссини таркиб топтириш.

Жамиятимизда ёшлар тарбияси, маънавий-маърифий ишларнинг долзарблигидан келиб чиқадиган яна бир татбиқий ижтимоий психологик йўналиш - бу мактабда кўрсатиладиган ижтимоий психологик хизматдир.

Маълумки, шахснинг ижтимоийлашуви (ёки социализацияси) асосан мактаб йилларига тўғри келади. Шунинг учун мактаб олдига қўйилган асосий вазифалардан бири боланинг камолоти учун барча шароитларни яратиш, унинг индивидуал ва психологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда таълим ва тарбиянинг энг мақбул шакллари-ни жорий этишдир. Лекин ҳозирги шароитда мактаб олдига кўплаб муаммолар, ҳал қилинмаган масалалар мавжудки, уларнинг барчаси мактабга ҳар тарафлама ёрдамни тақозо этади. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг кўрсатмаларига асосан ёшларнинг лаёқатларини илк ёшдан аниқлаш, улар иқтидорини ҳар тарафлама ўстириш вазифалари ўқувчига индивидуал ёндашувнинг зарурлигини, ўқишнинг дифференциал бўлишини талаб қилмоқда, шунга кўра мактаб ва жамоатчилик олдига қатор муаммолар қўйилмоқда. Тестлар воситасида билимларни текшириш, олий ўқув юртларига ва таълимнинг барча тармоқларига тест синовлари орқали қабулнинг амалга оширилиши психологик хизмат заруриятини вужудга келтирмоқда. Ижтимоий психология давр талабларидан келиб чиққан ҳолда ўз олдига қуйидаги вазифаларни қўяди:

а) ёшлар тарбиясида ижтимоий психологик муаммоларни англаш;

б) уларни илмий жиҳатдан таҳлил қилиш ва татбиқий хулосалар чиқариш;

в) мавжуд зиддиятларнинг олдини олиш йўлларини кидириш, йўл-йўриқлар тавсия қилиш кабилар.

1. Мактабда ташкил этилган психологик хизматнинг самарали йўлларини кидириш, шарт-шароитлар ва муҳитни ҳар томонлама, тўлиқ ўрганиб чиқишни ҳар бир ўқувчининг ёш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда индивидуал ва гуруҳий ишлаш услубларини аниқлаш лозим.

2. Мактаб психологи ўқувчилар ўртасида учраб турадиган психик ривожланишдан кечикиш ҳолларини тўлиқ ўрганиши, уларни келтириб чиқарувчи омиллар ва ижтимоий-психологик шарт-шароитларни таҳлил қилиши лозим.

3. Мактаб психологи турли ёшдаги ўқувчиларнинг қобилиятлари, йўналиши, лаёқатлари ва касбий қизиқишларига доир аниқ илмий таҳлиллар, тест натижалари асосида тузилган маълумотлар банкига эга бўлиши керак. Бу маълумотларга асосланиб, психолог уларга алоҳида-алоҳида ёндашиш, айримларга қўшимча дарслар ташкил этиш, мактаб, оила ва жамоатчилик ҳамкорлигида қобилиятларини ўстириш билан боғлиқ аниқ кўрсатмалар ишлаб чиқиши лозим.

4. Мактаб психологи синфлардаги руҳий ҳолатларни, ўзаро муносабатлар билан боғлиқ бўлган психологик муҳитни аниқлаши, расмий ва норасмий лидерлар ўртасидаги муносабатларни чуқур ўрганиши, мактаб маъмурияти ва тарбиявий ишлар бўйича директор ўринбосарига зарур йўл-йўриқлар тавсия қилиши жоиз.

5. Бундан ташқари, мактаб психологи турли можаролар, зиддиятлар, тартиббузарликларнинг олдини олиш, уларнинг психологик илдизини ўрганиш чора-тадбирлари бўйича консультациялар ташкил этиши шарт. Бундай консультациялар ота-оналар ва педагоглар жамоаси учун алоҳида ташкил қилинади. Амалий психолог фаолиятининг яна бир томони турли масалалар бўйича ўқитувчилар жамоасига психологик ёрдам беришдир. Бунда у жамоадаги соғлом муҳитнинг асоси бўлмиш ўзаро муносабатларни яхшилашга қаратилган ижтимоий психологик тренинг машғулотларидан самарали ва ўз вақтида муттасил фойдаланиши, узлуксиз равишда диагностик синовлар ўтказиб туриши, педагогнинг касбий маҳоратини ва нутқ қобилиятини оширишда ижтимоий психологиянинг барча фаол тайёрлик усулларида фойдаланиши зарур.

Юқоридаги вазифалардан келиб чиққан ҳолда, мактаб психологи ўз фаолиятининг асосий йўналишларини белгилаши мумкин. Улар диагностик ва тузатиш ишлари, психопрофилактик ишлар, психологик консультациялар, ўқитувчилар, ота-оналар ва ўқувчиларнинг психологик саводхонлигини кўтариш; психология методларини аниқ шароитларга мослаштириш, улардан самарали фойдала-



ниш, тўпланган илмий маълумотларни изчил тарзда таҳлил қилиб бориш; тестлар тузиш, уларнинг сезгирлигини илмий асослаш ва ҳар бир ўқувчи қобилиятини, қолаверса, ўқитувчилар билимдонлигини тестлар ёрдамида мунтазам текшириш, илмий хулосалар ва кўрсатмалар тайёрлаш кабилардан иборат.

Республикада мактабда психологик хизмат кўрсатиш ишларини такомиллаштириш ўқувчиларни жамият олдида турган улкан ва улуғвор ишларга тайёрлашда ўзининг муносиб ҳиссасини қўшади ва Ўзбекистон Республикасининг “Таълим ҳақидаги қонуни” бандларини муваффақиятли амалга ошириш ҳамда “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”ни ҳаётга жорий этишда ўз ўрнини топади .

Психология фани олдида қўйилган талабларни қондириш учун жумҳуриятимизда кенг қўламда илмий-тадқиқот ишларини ривожлантириш, уларнинг натижаларини дадил амалиётга татбиқ қилиш, амалиёт билан назария ўртасидаги узвий боғлиқликни ҳаётда қарор топтириш муҳим аҳамият касб этади.

## II БОБ. ИЖТИМОЙ ПСИХОЛОГИК БИЛИМ- ДОНЛИК ВА САМАРАЛИ МУОМАЛАГА ЎРГАТИШ ТЕХНИКАСИ

### 2.1. Янгича ижтимоий психологик муносабатларга ўргатиш муаммоси

Инсоният тарихи қанчалик қадимий бўлса, инсоний муносабатлар, шахслараро ижтимоий муносабатлар масаласи ҳам шу даражада кўҳна ва ҳамisha долзарбдир. Инсон тафаккури ва унинг ақл-идрокига хос бўлган муҳим хусусиятлардан бири шуки, унинг тараққиёти, энг аввало, кишилик жамиятидаги ўзаро муносабатларнинг қай даражада мукамаллиги ҳамда инсонийлигига боғлиқ. Шунинг учун ҳам ҳар бир шахс ва жамият учун демократик, инсоний муносабатлар мезони муҳим ва ўта аҳамиятлидир. Зеро, демократик муносабатлар ижтимоий муносабатларнинг муҳим бир шакли сифатида ҳар бир мўтадил тараққий этаётган инсоннинг маънавий, иродавий, интеллектуал, ҳуқуқий ҳамда маърифий баркамоллиги негизини ташкил этади.

Халқимиз маънавияти ва маърифати тарихига назар ташлар эканмиз, қадимий Шарқ мамлакатларида давлатчилик анъаналари аввало инсон ҳақ-ҳуқуқлари, эрки, тафаккури ривожига муносиб ўзаро муносабатлар, бир сўз билан айтганда, инсонларварлик тамойиллари асосига қурилган эканлигини кўришимиз мумкин. Акс ҳолда, тарих улуғ боболаримиз Афросиёбу Маҳмуд Ғазнавийларни, Амир Темуру Ҳусайн Бойқароларни, Мирзо Улуғбегу Бобурларни, Ҳумоюн ва Акбаршоҳларни, Ибн Сино ёки ал-Хоразмийларни, Беруний ва Навоийларни билмаган, уларнинг буюк зеҳни ва иқтидори, жамият, фан ва маданият равнақиға қўшган ҳиссаларидан баҳраманд бўлмаган бўлар эди. Демак, демократик жараёнлар ва гуманистик муносабатларгина халқни тараққиётнинг энг юксак даражасига элтади. Лекин инсонлар ўртасидаги ижтимоий муносабатлар Шарқда ўзига хос ва ҳар бир миллат психологиясига мос ҳолда шаклландир.

Истиқлол туфайли ўз мустақил тараққиёти йўлидан бораётган республикамиз ёшларини янгича ижтимоий муносабатларга тайёрлаш, давр руҳида тарбиялаш - шу куннинг энг долзарб ва устувор вазифаларидан биридир.

Ижтимоий психологик муносабатларнинг психологик табиатини таҳлил қилар эканмиз, унинг шахс камолоти ва салоҳиятига таъсири масаласига алоҳида тўхтаб ўтиш жоиздир, чунки айнан жамиятда шахслараро муносабатларда шахсда ўзини ўзи англаш, ўзини ўзи камол топтириш жараёнлари тезлашади, самимий инсоний муносабатлар, инсон ҳақ-ҳуқуқини эъозлашга асосланган муносабатлар шахснинг ўзи ҳақидаги билимларини, ўз имкониятларини ва насл-насабини аниқроқ ҳамда тўғрироқ тасаввур қилишга имкон беради.

Иккинчидан, айнан тўғри ижтимоий муносабатлар ўзга шахслар ҳуқуқ ва эркинликларини ҳам англаш, уларни ҳурмат қилишга қаратилган тасаввурлар мажмуининг бўлишига имкон яратиб, инсоний муносабатларда маданият ва илтифот тамойилларига амал қилинишига шароитлар яратади.

Юқорида қайд этилган икки жиҳат оқибат натижасида инсон шахсини энг олий қадриятлар сифатида эътироф этилиши ва унга нисбатан жамиятдаги яхлит муносабатларининг ўзгариши туфайли ҳуқуқий маданият ва фуқароларнинг сиёсий фаолликларини тобора ошиб боришини таъминлайди. Шунинг учун ҳам туб ислоҳотлар жараёнларини бошидан кечираётган давлатимизда иқтисодий, сиёсий ислоҳотлар билан бир қаторда маънавий-маърифий ислоҳотларга катта эътибор қаратилмоқда. Бу ўринда шу нарсани алоҳида таъкидлаш зарурки, ҳозирги кунда республикамизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг тақдири ёшларимизнинг маънавий қиёфасига, шахсий баркамоллигига боғлиқ. Бу вазифаларни амалга ошириш инсоний ўзаро муносабатларда демократик тамойилларни онга тўла сингдиришни тақозо этади ва ижтимоий психология фани олдига қатор вазифаларни қўяди.

Бу ўринда кўплаб тадқиқотчиларни ўйлантираётган масала шуки, жамиятда ривожланадиган ва унинг таъсирида шаклланувчи шахс учун қандай ижтимоий муноса-

батлар муҳити зарур ёки бошқача қилиб айтганда, унинг баркамоллиги учун мақбул шарт-шароитларни яратиш мумкинми ёки унинг прогрессив тараққиёти учун муҳим бўлган шахслараро муносабатлар тизимини яратиш имконияти борми? Бу фикрнинг пайдо бўлишига сабаб - айрим тадқиқотчиларда жамият таъсиридан кўра, шахснинг бевосита ўз муҳити, ҳаттоки ёлғизлик ҳам ижобий омил бўлиши мумкин, деган фикрлари ҳам йўқ эмас. Олимларнинг таъкидлашларича, японлар тарбия мактабида “маритао” деб номланувчи тизим мавжуд эканки, унга кўра, ўсмир ёки ўспирин маълум тараққиёт босқичида ёлғизликка маҳкум этилар экан. Бунда уни гўрға ёки шунга ўхшаш жойга ёлғиз қамаб қўйишар, ҳатто, ўзи билан ўзи мулоқот қилиши ҳам таъқиқланаркан. Ғарб тадқиқотчилари (Л.Симеонова ва б.қ.) ушбу жараённинг психологик моҳиятини талқин қилар эканлар, унинг икки жиҳатига эътиборни қаратади: бир томондан, бу нарса ижобий самара бериши мумкин, чунки одам ўзини ўзи англаш, ўзига холис баҳо бериш, ижодий ривожини учун зарур имкониятни ўзидан қидиришга муяссар бўлади. Лекин иккинчи жиҳати ҳам борки, унда одам ўзгаларда худди ойнага қарагандай ўз аксини кўради, шу туфайли у кишилар жамияти талаби ва қоидаларига бўйсуниб, ўзини ўзи мукаммалаштириш имкониятидан маҳрум бўлади.

Маълумки, сўфийлар ҳам ислом оламида ўзига хос руҳий дунёга эга бўлишган, уларда ҳам дунё ғамларидан ва хурсандчиликларидан воз кечиш, ўз ҳиссий оламида ёлғиз Ҳақ йўлида ҳаракат қилиш фалсафасига асосланишган. Лекин уларнинг дунёқараши ва психологиясида бир муҳим жиҳат борки, унда “Ўзини таниган киши ўз Раббини танийди”, деган ҳадисий қоидага амал қилган. Яъни тасаввуфда ҳам инсон жамиятда яшар экан, аввало, у ўзини севишга ўрганган, ўз камолоти учун курашади, бу унинг Аллоҳга бўлган муҳаббатининг рамзи ва нишонаси ҳисобланади. Абуҳомид Ғаззолий фикрича, барча инсонларга хос бўлган сифатлар борки, уларнинг мазмуни қуйидаги омиллар орқали тушунтирилади: 1) инсон ўзини, ўз камолоти ва ҳаётига асос бўладиган нарсаларни севади; 2) ўзига яхшилик қилган, ёрдам берганларни севади;

3) умуман ҳаммага яхшилик қиладиган саҳоватли одамларни севади, жумладан, адолатли шоҳлар ҳам сеvimли; 4) шунингдек, барча гўзал нарсалар, нафосат олами, хушбўй, хушсурат нарсаларни ҳам севади; 5) маслак ва мазҳаб юзасидан ҳам одамлар бир-бирларини яхши кўрадилар, буларнинг барчаси, охир-оқибат инсонларнинг руҳий-маънавий қариндошлигига асос бўлади. Кўриб турганимиздек, тасаввуф илмида ҳам жамиятдаги мўътадил инсоний муносабатлар билан индивидуаллик ўртасида тафовут йўқ. Зеро, жамиятнинг туб моҳиятини англаб етиш, аввало ўзини ўзи англаш ва шу орқали ижтимоий муносабатлар мазмунини тўғрироқ тушунишга олиб келадиган мантикий йўлдир.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиққан ҳолда ёшлар тарбиясида уларни янгича ижтимоий муносабатларга ўргатишнинг айрим жиҳатлари ҳақида фикр юритамиз.

Биринчидан, ижтимоий муносабатлар ёшлар тарбиясининг барча босқичлари ва жабҳаларида эътиборга молик объект сифатида қаралмоғи лозим. Яъни оилавий муносабатлардан тортиб, то меҳнат жамоаларидаги муносабатларда инсон шахси, индивидуаллиги, бетакрорлигини ҳурмат қилиш, унинг ўз иқтидори, маслаги ва имкониятларини қандай бўлса, худди шундайлигича табиий тарзда қабул қилиш ва шу асосда унинг ривожини учун мақбул шарт-шароитлар яратиш мақсадга мувофиқдир. Олий ўқув юртларида бўлғуси мутахассислар тайёрлашда уларда касбий маҳоратнинг ўсишини таъминловчи маънавий омиллардан бири - талабанинг шахсий интилиши, қизиқиши, маслаги нуқтаи назаридан ўз билимига ва маънавиятига муайян талаблар қўя билишдир. Бошқача қилиб айтганда, биз таълим "стандарт"ларига тўла жавоб берадиган шахсни мутахассис сифатида бир қолипда тарбиялашимиз қийин, лекин мақсадли таълим-тарбия заминидан ҳар бир талабанинг ривожига туртки бериш, унинг муомала тафаккури ўсишига таъсир этиш усуллари қўллашда энг самарали муомала шакллари амалиётга татбиқ этиш зарур. Демократик, тенг ҳуқуқлилиқка асосланган ўзаро муносабатларгина талабага ўзини ўзи англаш, келажакда жамиятга нима бера олиши ҳақида

тасаввурларга эга бўлиш, ўз руҳиятида “ички тартиб-интизом”ни жорий этиш ва шу асосда ўзини ўзи руҳий-маънавий жиҳатдан тарбиялаш тизимини амалга оширишга имкон беради. Зеро, шахс маънавияти ривожини ҳам аввало ўзини ўзи англаш, кейинчалик ўз манфаатини англаш ва ниҳоят жамиятни таниш босқичларини тақозо этади.

Иккинчидан, айнан янги демократик муносабатлар ёшларни касбга тўғри йўналтириш, ўз иқтидори доирасида касб танлаш, унга тўғри муносабатда бўлиш, бошқача қилиб айтганда, бозор муносабатлари эҳтиёжлари ва талабларига хос ҳамда ҳар бир шахснинг лаёқатига ва маслағига мос касбни танлашга йўналтиради. Бу жараён кейинчалик мутахассис учун зарур бўлган касб маҳорати ва профессионализм учун муҳим замин ҳозирлайди.

Учинчидан, ҳар бир шахс учун ўз эркинлигини англаш, ўзига муносабатларнинг ижобийлигини ҳис қилиш муҳим аҳамият касб этишини ҳисобга олар эканмиз, биз айнан демократик тамойилларнинг ҳаётда барқарорлиги шароитидагина йигит-қизларда ўз яқинларига, оиласига, меҳнат ёки таълим муассасасига, эл-юртига садоқат ва меҳр-муҳаббат туйғуларини тарбиялаш мумкин. Зеро, бу нарса Ватанга бўлган муҳаббатнинг, юксак ахлоқ ва ватанпарварликнинг яққол асосидир. Шунини алоҳида таъкидлаш мумкинки, буюк алломалар, зеҳн ва қобилият соҳиблари бўлмиш инсонлар ўзини озод ва эркин ҳис қилган шароитдагина, уларга ҳам бетакрор шахс, ҳам сермаҳсул ижодкор сифатида қарагандагина ижодий юксалиш ва илҳомланиш ҳисларини бошларидан кечирганлар. Мир Алишер Навоийнинг энг нодир асарларида айнан ўз халқига, Ватанига ва Аллоҳга чексиз меҳр-муҳаббати ифодаланган, улар халққа муаллиф меҳр-муҳаббати жўш урган дамларда яратилганлигига ҳеч шак-шубҳа йўқ. Шунинг учун ёшларни Ватанга муҳаббат, унинг муқаддас тупроғига чексиз меҳр руҳида тарбиялаш мафкуравий ишларнинг бош мезонидир.

Маълумки, бугунги туб ислохотлар шароитида ёшлар тарбиясида ўзини ўзи бошқариш муаммоси катта аҳамиятга эга. Унинг самарадорлиги шахслараро соғлом, самимий муносабатлар мавжуд бўлишини тақозо этади. Ҳўш, бунинг учун нима қилиш керак?

Бугунги кунда олий ўқув юртларини ислоҳ қилиш зарур экан, ўқув режалари ва дастурларини замонавий талабларга мувофиқлаштириш билан бир қаторда, ҳар бир талаба билан профессор-ўқитувчилар ўртасидаги ўзаро муносабатлар тамойилларини тубдан ўзгартириш муаммоси борлигини ҳис этиши зарур. Ёшларимизни мустақил фикрловчи, фаол, шижоатли, ўзига ишонувчан, зукко, билимдон, демократик муносабатларнинг субъекти қилиб тарбиялашни амалга ошириш учун, сўзсиз, ижтимоий психология ва унинг методлари муҳим роль ўйнайди. У тарбия жараёнини соф ижтимоий муносабатларнинг маҳсули, деб қарайди, янгича фикрлаш ва тафаккурнинг муҳим шarti сифатида демократик муносабатларга асосланган муомала жараёнини таҳлил қилади. Демак, барча олий ўқув юртларида талабаларга махсус дастурлар асосида муомала техникаси ва этикет асослари ўргатилиши лозим. Иккинчидан, унинг асосида таълим берувчи билан таълим олувчи ўртасидаги янгича - "субъект-субъект" шаклдаги муомала устувор бўлиши керак. Бу муносабатларнинг асл моҳияти шундаки, эндиги асосий вазифа - профессор-ўқитувчининг ўқитиши эмас, балки уни "ўқишга" ўргатиш, орқали таълим-тарбия жараёнининг фаол субъектига айлантиришдир. Бошқача қилиб айтганда, янгича муносабатлар таълим ва тарбия жараёнида иштирок этувчи шахсларнинг муносабатлари ўзаро ҳурмат, ҳамкорлик ва бир-бирини тушуниш шартига бўйсунган бўлишини тақозо этади.

Бизнингча, Ўзбекистон шароитида "субъект-субъект" шаклдаги муносабатларнинг асл моҳияти, авторитар ва демократик лидерлик услубларини ўз фаолиятида уйғунлаштирган, педагогик нуфузга, инсоний муносабатларга чанқоқлик, касбий билимдонлик билан узвий боғланган тақдирдагина ҳақиқий демократик муносабатлар қарор топади, дейиш мумкин. Бу ўринда фанда мавжуд бўлган анъанавий бошқарувнинг демократик, авторитар ва либерал турлари ҳақидаги қарашларни яна бир таҳлил қилиш зарур. Шундай қилиб, агар биз профессор-ўқитувчини эскича стереотиплардан, яъни ўзининг мутлоқ билимдонлиги, талабанинг вазифаси эса фақат уни танқидсиз қабул

қилиш, тинглаш ва такрорлаш эканлиги билан боғлиқ тургун қарашлардан ҳоли қила олсак, илм олувчини эса эркин фикр юритиш ва ўз фикр-мулоҳазаларини баён этишга ва ўз эркини ҳис қилишга ўргата олсак, шахс психологияси ва муносабатларида янги ҳолат юзага келади, яъни шунда шахс ўзини :

а) эркин ҳис қилади;

б) ўз имконияти ва иқтидори ҳақида тўғри тасаввурга эга бўлади;

в) тафаккурнинг альтернатив-муқобил бўлишини тўлиқ англайди;

г) ҳар бир шахснинг ички “Мен” дастури мукаммаллашиб боради;

д) ўз фикр ва қарашларининг, хулқ-атворининг асл сабабларини англаш, индивидуал эҳтиёжлар табиатини тушуниш имконияти туғилади. Бунда ижтимоий-психологик тренинглар, яъни самарали мулоқот ва муомала усуллари ҳамда маромларини кенг қўллаш катта амалий аҳамият касб этади.

Демак, ижтимоий психологик билимдонликдан кўзланган асосий мақсад - талабаларни бўлғуси ижтимоий фаолиятга психологик жиҳатдан тайёрлаш, уларда юксак инсоний фазилатларни шакллантириш, коммуникатив билимдонлик ва шахслараро мулоқотнинг мураккаб шаклларида мослашиш жараёнларини тезлаштиришдан иборатдир.

## **2.2. Ижтимоий психологик билимдонлик - самарали муомаланинг муҳим омили сифатида**

Жамиятимизнинг бугунги ижтимоий ҳаётида рўй бераётган туб ислохотларнинг моҳияти ҳақида фикр юритилар экан, энг ноёб миллий кадриятларни ёш авлод руҳига ва маънавий дунёқарошига сингдириш ва ундан умуминсоний манфаатлар йўлида фойдаланишнинг ягона йўлларида бири - бу уларда *билимдонликни* етарли даражада шакллантиришдир. Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек, “дунёнинг демократик кадриятларидан баҳраманд бўлишда аҳолининг билимдонлиги муҳим аҳамият касб



этмоқда. Фақат билимли, маърифатли жамиятгина демократик тараққиётнинг барча афзалликларини қадрлай олишини, ва, аксинча, билими кам, оми одамлар авторитаризмни ва тоталитар тузумини маъқул кўришини ҳаётнинг ўзи ишонарли тарзда исботламоқда. (Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида..., 1997 ).

Давлатимизда мустақиллик қўлга киритилиб, ҳуқуқий ва демократик ислоҳотлар амалга оширилишида қилинаётган ижтимоий саъй-ҳаракатларнинг неъматини шундаки, “мустақиллик мамлакатимиз аҳолисининг билим доирасини кенгайтди”. Ўз тарихимиз, тилимиз, миллий қадриятларимиз, маданий меросимиз дурдоналарини ўрганишга очилган йўл халқ тафаккурининг ривожланиши, унинг ўтмиши, бугуни ва эртаси ҳақида аниқ тасаввурларга эга бўлишига имкон яратади, ёшларни мустақил фикр юритишга ўргатади.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқадиган асосий хулоса шундан иборатки, давлатимиз келажаги бўлмиш ёшларнинг билим доирасини оширишда ва дунёқарашини янада кенгайтиришда фаннинг самарали услубларидан кенг фойдаланиш зарур. Бу ўринда эътиборни биз таъкидлаган “билимдонлик” тушунчасининг ижтимоий-психологик моҳиятига қаратмоқчимиз.

Маълумки, илмий адабиётларда “билимдонлик” тушунчаси кўпинча “ақл”, “ақллилик”, “илмга чанқоқлик” тушунчалари билан бир хил маънода ишлатилади. Аслида психологик нуқтаи назардан ушбу тушунчалар, ўртасида моҳиятан бир оз бўлса-да, фарқ бор. Буюк бобомиз Алишер Навоий “ақл” тушунчасини “билимдонлик”дан кенгроқ таърифлаб, ақл сўзининг 27 даражаси ва 27 сифатини ажратади. Ушбу сифатлардан энг муҳим ва ижобийлари бевосита билимдонликка алоқадордир. Масалан, “ақл мухандислари” - донишмандлар, олимлар, билимдонларни; “ақл пири” - тафаккур устози, фаросатли кишиларни; “Ақл ўти” - зеҳн ўткирлиги, хушёрликни; “ақли кулл” - энг етук ақл каби қатор сифатларгина инсонни атроф-муҳитда рўй берадиган воқеа-ҳодисаларнинг моҳиятига етиш, уларни таҳлил қилиш ва умумлаштириш, янгилик очиш, ижодий изланиш хислатларини акс эттиради.

Ибн Сино эса инсон фаолиятидаги ҳақиқатни билишга олиб келувчи назарий ҳамда яхши ишларни бажаришга йўналтирувчи амалий билимларни фарқлайди.

Демак, шахснинг *билимдонлиги* унинг атроф-муҳит, табиат ва жамиятда рўй бераётган мураккаб ҳодисаларни, кишилар ўртасидаги муносабатларни англаш, баҳолаш, ўзи ҳақида тўғри тасаввурга эга бўлиш негизида ҳаётда, кундалик турмуш ва онгли фаолиятда намунали ишларни бажариш, инсоний фазилатларга амал қилишни тақозо этади. Бугунги кунда ёшлар *тарбияси* олдида турган энг муҳим вазифа ҳам - келажагимиз бунёдкорларида айнан шундай сифатлар мажмуини шакллантиришдир.

Фанлар тарихидан маълумки, фалсафа фани илмларнинг энг юқори поғонаси бўлиб, энг фозил ва донишманд инсонлар ушбу соҳа билан шугулланганлар. Лекин фалсафанинг назарий ҳамда амалий қисмлари бўлиб, биринчи қисми уч босқичдан: табиатшунослик, математика ва метафизикадан; амалий қисм ҳам уч қисмдан:

- шахс ҳақидаги илмлар;
- инсоннинг ўзаро муносабатлари ҳақидаги илмлар;
- мамлакатни бошқариш илми қисмларига бўлинади.

Бизнингча, билимдонликнинг юксак поғонаси барча илмлар соҳибининг диди, фаҳм-фаросати ва зукколигини тақозо этади. Яъни маърифатли, билимга чанқоқ шахс табиат ва жамият, инсон тафаккури ва маънавий дунёсига алоқадор барча билимларга бефарқ эмаслиги, уларни мукамал эгаллагани билан фарқланади. Шундай авлодгина мураккаб технология, халқаро муносабатлар ривожланган даврда халқ хўжалигининг устувор йўналишларини бошқарувчи юқори малакали мутахассис сифатида давлат ва жамиятга фойда келтириб ишлай олади. Бугунги кунда таълим тизимининг асосий вазифаси - кадрлар тайёрлаш миллий сиёсатининг устувор йўналишларидан келиб чиқаётганлиги мантиқан тўғридир.

Ижтимоий психология ҳам билимдонлик тушунчасининг моҳиятига ўзига хос тарзда ёндашади ва унинг серқирраллигини эътироф этади. Психологик нуқтаи назардан олиб қаралганда шундай муҳим жиҳат мавжудки, у ҳам бўлса, аниқ илмлар соҳасида билимлар ҳамда

шахсинг жамиятдаги инсоний, мафкуравий, ҳуқуқий, сиёсий, демократик муносабатлар тўғрисидаги билимларининг ўзаро уйғунлиги масаласидир.

Ўзбекистон шароитида ушбу масаланинг ижобий тарзда ҳал қилинишига Президентимиз И.А.Каримовнинг 1996 йил “Маънавият ва маърифат жамоатчилиқ Марказлари фаолиятини такомиллаштириш ва улар самарадорлигини ошириш тўғрисидаги” Фармони, Республика Олий ва ўрта махсус таълими вазирлигининг ушбу Фармони ўқув юртларида бевосита бажаришга қаратилган қатор буйруқ ва қарорлари, турли ўқув масканларида “Маънавият ва маърифат асослари” курслари ўқитилишининг ташкил этилиши сезиларли рол ўйнади. Маънавият соҳасидаги ислохотлар, амалга оширилган ва оширилаётган ишларнинг аҳамияти шундаки, улар ёшларда ўз халқи маданияти, Ватанининг ўтмиши ва бугуни, миллий қадриятларга тўғри муносабатларнинг шаклланишига сабаб бўлмоқда, бу эса зиёли, билимдон кишилар учун энг зарур фазилатдир. Акс ҳолда, олам сиру асрорларини чуқур билган, қизиқишлари доирасида жиддий изланишлар олиб боришга тайёр шахс, агар у бу билимларни аввал ўз халқи, миллати, яқинлари манфаатига йўналтира олмаса ва унинг жамият тараққиётига алоқасини тасаввур қила билмаса, маънавияти қашшоқ, иқтидори эса самарасиз, худбин сифатида баҳоланади. Шу боис ҳам мамлакатимиз олий ва ўрта ўқув юртларида, мактабларда “Маънавият сабоқлари”нинг киритилиши, улардан кутилаётган самара айнан ана шу эзгу ниятларнинг амалга ошишига сабаб бўлмоқда.

Бугун ташқари, Президентимизнинг қатор вилоятлар, халқ депутатлари Кенгашларининг навбатдан ташқари сессияларида сўзлаган нутқларида яна бир ёшлар билимдонлигига алоқадор жиҳат аниқландики, “1997-йил - Инсон манфаатлари йили” деб эълон қилинган даврда уларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини оширишга катта эътибор қаратилди. Дарҳақиқат, ёшлар тарбиясидаги кўплаб муаммолар айнан шу масалага келиб тақалишини ҳаёт исботлади. Республика Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳам ўзининг қатор хужжатлари билан бу масалага янада ойдинлик киритиб, олийгоҳларда талабалар

ҳуқуқий маданиятини ўрганиш ва уни шакллантиришга қаратилган аниқ вазифаларни топширди.

Фарғона Давлат университети олимлари ҳуқуқий онг, билимлар билан ҳуқуқий маданият ўртасидаги ўзаро алоқани ўрганиш мақсадида социологик тадқиқот ўтказганлар. Маълум бўлишича, талаба ёшларнинг билим доирасида Республиканинг асосий Қомуси, унинг моҳияти, қонунчилик шартлари ва мазмуни ҳақида тасаввурлар мавжуд, яъни ҳуқуқий онгнинг шаклланганлик даражаси 2-4 курс талабаларида тахминан 70-75%ни ташкил этган бўлса, ҳуқуқий маданият мезони ҳақидаги тасаввурлари 18-20%ни ташкил қилган, холос.

Ниҳоят, юқоридагиларга алоқадор яна бир жиҳат борки, бу ёшларнинг психологик саводхонлиги ва уни ошириш масаласидир.

Психологик саводхонлик тушунчасининг асл моҳияти - бу шахснинг ўзи, унинг ҳиссий кечинмалари, муносабатлари мажмуи билан жамият ва ундаги шахслараро муносабатлар тизими, қадриятлар, маънавият тўғрисидаги тўла тасаввурларидир. Психологик нуқтаи назардан билимдон одам тасаввурларида объективлик ва холислик сифатлари мавжудким, шу туфайли у ўз "Мени"ни мукамаллаштириш ва ўзгалар билан тўғри муносабатлар ўрнатиш қобилиятига эга. Тўғри, ҳаёт, ундаги вазиятлар, ҳодисалар, шахсий тажриба шахсни маълум йўналишда ривожланишига сабаб ҳисобланиб, унинг маълум ижтимоий тасаввурлари тизимини ҳосил қилади. Лекин стихияли, тажрибадаги "хатоликлар" ва "ютуқлар" эвазига орттирилган психологик саводхонлик аниқ мақсадга йўналтирилган, шахс ва жамият манфаатларига, аниқ таҳлил ва эзгу ниятларга таянган билимдонликдан фарқ қилади. Масалан, бошқарув тизимини оладиган бўлсак, раҳбар ва ходим ўртасидаги муносабатларнинг тўғри йўлга қўйилмаганлиги кўпинча шахслараро зиддиятлар ва низоларни келтириб чиқаради. Лекин агарда раҳбарнинг фаолияти мақсадларида ходимнинг индивидуал хусусиятлари ва ижтимоий кутиши ҳамда иқтидори ҳисобга олиниб мулоқотга киришилса, мулоқот самарадорлигини оширувчи усуллардан фойдаланилса, натижа ўзаро келишув ва томонларнинг ҳамфикрлиги билан яқунланади.

Янги давр кишиси, умуман ишлаб чиқаришнинг турли соҳаларида фаолият кўрсатаётган шахслар махсус дастур асосида муомала техникаси ва ўзини ўзи тарбиялаш технологиясини эгалласалар, унда ижтимоий фаолият самараси ортади.

Психологик саводхонлик яна шунинг учун ҳам зарурки, кўпинча инсон ўз иқтидори ва имконияти даражасида аниқ тасаввур қилмайди, билимгоҳ ёки касб танлашда ўзгалар таъсирига берилиб, муайян хатоликка йўл қўяди. Бунинг оқибатида нафақат ўша шахс азият чекади, балки жамиятга зарар келтиради. Ҳар бир шахс ўзини ўзи тарбиялашнинг малакаларига эга бўлиши, аутотренинг элементларидан бохабар бўлиши, ўзгалар билан мулоқотга тайёрлиги - тренингларда кўникмалар ҳосил қилиши, "ўзгача бўла олиш санъати", унинг руҳий баркамоллигига заминлиги туфайли жамиятда соғлом инсоний муносабатлар устун туради. Билимдон кишилар ўзининг билим тизимидан ҳам унумли, ҳам самарали фойдаланиш имкониятига эгадирлар. Зеро, баъзан билимлар доираси кенглиги сабабли димоғдорлик иллати юзага келиши, салоҳияти бўйича ўз ўрнини тополмаслик ўз-ўзини қуйи баҳолаш баркамол шахс тараққиёти учун салбий таъсир кўрсатади.

Демак, ижтимоий психологик билимдонликдан кўзланган асосий мақсад - ёшларни бўлғуси ижтимоий фаолиятга психологик жиҳатдан тайёрлаш, уларда инсоний фазилатлар шакллантириш, коммуникатив билимдонлик ва шахслараро мулоқотнинг мураккаб шакллариغا мувофиқлашув жараёнларини тезлаштиришдир. Бугунги талабалар эртанги куннинг бунёдкорлари, ватанпарварлари, меҳнатсевар инсонлар, жамоаларни бошқарувчи зиёлилар бўлиб етишиши кераклигини ҳисобга олсак, улардаги билимдонлик даражаси ва кўламининг кенг бўлишининг аҳамияти шак-шубҳасиздир. Зеро, юксак, теран ва атрофлича фикр юрита оладиган ва ижтимоий фаолиятидан эл-юртга наф етказадиган инсонларгина камолотга эришиши мумкин. Бу жараёнда ижтимоий психология ўзининг фаол методлари ва қонуниятлари билан ўз ҳиссасини қўшади.

### 2.3. Самарали муомаланинг техникаси ва технологияси

Маълумки, мулоқотнинг мақсади ва унинг қай даражада амалга оширилишига кўра самарадорлиги ҳақида фикр билдириш мумкин. Яъни мулоқот эҳтиёжларидан келиб чиқиб унинг қондирилиши, муаммо ечими билан боғлиқ вазифаларнинг бажаришига асосланиб, мулоқотнинг самарали ёки самарасизлиги тўғрисида хулоса чиқарса бўлади. Шахслараро муносабат мулоқотга киришувчиларнинг ўзаро бир-бирларини тушунишга олиб келса, бундай ўзаро муносабатлар самарали ва фойдали ҳисобланади.

Муомалага киришувчи томонларнинг ўзаро бир-бирларини тушунишга олиб келувчи йўл ёки маром ўз навбатида ўша шахсларнинг ўзаро бир-бирларини мавқе бўйича билишни таъминлайди. Мулоқотнинг психологик тизимидан шу нарса маълумки, унинг уч асосий қисми, яъни муомала субъектларининг ўзаро бир-бирлари билан ахборот, ҳиссий кечинмалар ва фикр алмашинувини таъминловчи **коммуникатив**, ўзаро бир-бирларининг хулқ атворларига таъсирларини белгиловчи **интерактив** ва бир-бирларини тўғрироқ, аниқроқ идрок қилиш ва баҳолашларини таъминловчи **перцептив** томони мавжуд. Ушбу тизимнинг ҳар бир томони муомаланинг зарурий ва муҳим таркиблари ҳисобланиб, унинг учинчи бўлаги шахслараро таъсир ўтказиш учун жуда муҳимдир. Чунки муомалага киришувчи шахслар бир-бирларини яхши тушунишлари учун, аввало, суҳбатдошнинг юзи, ҳиссий кечинмаларини идрок қилган ҳолда фикран унинг мавқеида тура билиши, ўзини унинг ўрнида ҳис қилиб, ўзида ҳукм сураётган ҳис-туйғулар доирасида унинг ҳолатига киришга интилиш (идентификация), қолаверса, бу жараёнда индивидуал ва ижтимоий онгда мавжуд бўлган мутлақ стереотип, онгда ўрнашиб қолган тасаввурлардан фойдаланиши (стереотипизация) ушбу жараён тўғри кечишини таъминлаб туради. Лекин бу жараёнлар шунчалик тез ва қисқа фурсатда кечадики, шахс баъзан ўзидаги ана шундай қиёслашларни онгсиз равишда, ҳаётий тажриба

орқали ўрнашиб қолган шаблонлар - қолиплар асосида амалга оширади. Шунинг учун айрим ҳолларда мулоқот самарасиз ёки хато кечиши мумкин. Ана шундай хатоликларга олиб келувчи жараён ижтимоий психологияда каузал атрибуция деб аталиб, унинг моҳиятини шахснинг кўпинча ўз хиссий кечинмалари ва тасаввурларида ўрнашиб қолган қолиплардан нотўғри фойдаланиш натижаси ташкил қилади. Масалан, ташқи қиёфаси кўримсиз талабанинг имтиҳон саволларига жавоб бераётганлигини идрок қилган профессор, негадир, унинг қониқарсиз жавоб бериши, билими етарли эмаслиги ҳақидаги нотўғри тасаввурга эга эканлиги каузал атрибуциянинг айнан ўзидир. Ана шундай жиҳатларнинг олдини олиш ва мулоқотнинг самарадорлигини ошириш мақсадида унинг ижтимоий психологик омилларини ҳисобга олиш ва шу асосда ҳар бир шахснинг ижтимоий билимдонлигини юксалтириш амалий аҳамиятга эга.

Муомала жараёнининг самарадорлигини таъминловчи ижтимоий психологик омиллар ичида шахснинг мулоқот маромини эгаллаш кўрсаткичи муҳим ўрин тутати. Бу сифат мулоқот саводсизлигига зид бўлиб, охириги ҳислат қуйидаги омилларга боғлиқ: 1) ўзгалар мавқеида тура олмаслик, уларнинг ҳиссий кечинмалари, туйғулари ва муносабатларига бепарқлик; 2) ўз ҳис туйғулари ва муносабатларини бошқара олмаслиги, ўз-ўзига масъулиятнинг йўқлиги, ўз-ўзини таҳлил қилиш имконининг заифлиги; 3) суҳбатда ҳар бир инсон учун бир қарашда табиий ҳисобланган нутқ қобилиятининг йўқлиги, яъни фикр-мулоҳазалардаги мантиқ ва узвийликнинг мавжуд эмаслиги; 4) эшитиш қобилиятининг кучсизлиги, яъни бировга мурожаат маъносида гапириш қанчалик буюк фазилат ва масъулиятли фаолият бўлса, ўзгаларни, суҳбатдошни тинглаш ҳам шахсдан қатор сифатларни талаб қиладики, тинглай олиш уқуви ҳам суҳбатни ўзига оғдиришнинг муҳим омилдир.

Юқоридаги омилларнинг кучига эътиборсизлик, ўзгалар мавқеида тура олмаслик муомалада субъектив ҳодисани келтириб чиқаради. Шунинг учун ҳам тўғри йўлга қўйилган самарали мулоқот ва уни таъминловчи йўл ва

воситалар иккита асосий камчиликни бартараф этишга хизмат қилади;

- ҳар бир шахс тафаккурининг муқобил бўлиши мумкинлигини англаши, яъни суҳбатдош аввал бошдан ўзгаларда ҳам ўзининг фикрига қарама-қарши фикр бўлиши мумкинлигини тушуниши ва бу нарса билан ҳисоблашиши зарурлиги;

- ўз фикрлари ва ҳаракатларининг мотивлари, уларнинг асл сабабларини англаш имконияти, яъни ҳар бир шахсда ўз шахсий тажрибаси, ҳаётга субъектив муносабатлари оқибатида “Эго” - эҳтиёжлар мажмуи шаклланиб борадики, у бошқалардаги айни шундай эҳтиёжларга тубдан қарама-қарши ёки қисман зиддиятли бўлиши мумкин.

Юқоридаги икки ҳолатнинг мавжудлигини англаш ижтимоий вазиятларда содир бўлиши эҳтимоли мавжуд хатоликлар ва атрибуцияларнинг олдини олади. Шуниси характерлики, айнан қарама-қарши мавқеларнинг бўлиши аслида ҳаётимизнинг мазмуни ва унинг серқирраллигини англатади. Ҳаётий, амалий муомала қарашларнинг айнан бир хиллигини эмас, балки уларнинг ўзаро солиштириш имконини беради. Ана шундай мулоқотнинг самараси туфайли одам турли ижтимоий психологик вазиятларда эгилувчан ва мослашувчан сифатлари билан онгли равишда шахслараро зиддиятлар ва низоларни бартараф этади.

Ҳап муомаланинг самарадорлиги ва унинг омиллари тўғрисида борар экан, шу ўринда унинг стратегияси ва тактикаси тушунчаларига бир оз изоҳ бериш жоиз. Муомала стратегияси деганда, унинг қандай шаклда ўтиши тушунилади. Шу нуқтаи назардан олиб қаралганда, унинг қуйидаги шакллари фарқланади: **диалог ёки монолог; очик ёки интим (сирли, яширин); ролли ёки шахсий норасмий** кабилар.

Муомала техникаси деганда, унинг самарасини таъминловчи психологик омиллар, воситалар, усуллар тушунилади. Бу шахс ёки гуруҳнинг коммуниктив малакалари ва кўникмалари йиғиндисидан иборат бўлиб, энг аввало нутқ қобилияти ёки эшитиш уқуви, уларнинг жозибали ва таъсирчан чиқишида қўлланиладиган барча ҳиссий-эмоци-



онал ва психологик-характерологик услублар киради. Шундай "техниканинг йўқлиги" шахснинг бевосита руҳий кечинмалари ва ҳолатида намоён бўлади ва унда ҳавотирлик, ҳадиксираш, одамовилик, мулоқотдаги омилик хислатларини келтириб чиқаради. Бундан ташқари, муомаланинг техникаси деганда, ушбу жараёнда бевосита иштирок этаётган ёки аниқроқ қилиб айтганда, қўлланиладиган нутқий-вербал ёки нутқсиз-новербал воситалар назарда тутилади. Маълумки, одамлар ўзаро мулоқотга киришганида, энг самарали ва табиий сўзлашиш воситаси бўлмиш нутқдан фойдаланадилар, унинг таъсирчанлиги ва кучи, табиий, ўша сўзловчиларнинг малакаларига, тажрибасига ва ҳаётини кўникмаларига, тил бойликларидан қай даражада омилкорона фойдалана олишларига боғлиқ. Ўзбек тили шу қадар жозибали, гўзал ва бойки, нотиклик маҳорати унинг барча имкониятларидан ўз ўрнида ва моҳирлик билан фойдаланишига боғлиқ. Лекин ана шу нутқий мулоқот ўз навбатида уни ҳиссий жиҳатдан тўлдирувчи нутқсиз-новербал воситалар билан ҳам бойитилдики, унга ўша суҳбатдошларнинг бир-бирларига нисбатан фазовий жойлашишларидан тортиб, то товушлар, интонациялар, тўхталишлар, оҳанглар ва эмоционал қўллаб-қувватлаш механизмлари киради. Нутқда ишлатиладиган пауза - тўхталишлар ёки юз ифодалари - мимикаларининг ўринли ишлатилиши суҳбатдошни руҳан мулоқотдош шеригига яқинлаштиради ёки ноўрин ишлатилган муқомлар, ортиқча ҳаракатлар ҳиссий кечинишлар уни қониқтирмаслиги, суҳбатдошини эса зериктириши табиий ҳолдир.

Шунинг учун ҳам муомалага мақсадли ўргатишда суҳбат стратегияси ва техникаси масалаларини олдиндан аниқлаш катта амалий аҳамиятга эга.

Кўп мутахассислар сўзлаш санъати (маҳорати) таъсирчанлигини ҳисобга оладилар-да, лекин эшитиш уқуви ва унинг техникасига юзаки қарайдилар. Зеро, эшитиш ёки тинглашнинг ҳам ўзига хос нозик томонлари мавжуд. Аввало, эшитиш ёки тинглаш гапириш учун мавжуд ёки тинглаш эса - тушуниш учун даркор. Бу икки ҳолатда тингловчининг юз ифодасидан тортиб, то ўзини ҳис қилишлари

барчаси фарқ қилади. Тингловчи суҳбатдошини фикр алмашиш учун тинглаганда, унинг диққати шу даражада таранг бўладики, натижада у то 'бирор луқма ёки аниқ бир фикр тўпламагунча, уни тинглайверади. Иккинчи ҳолат - ахборотни тушуниш учун тинглаганда эса эмоционал кечинмалар ёки луқмалар ҳар бир фикрга аниқлик киритиш, унинг моҳиятига тўлиқ етиб бориш учун ишлатилади, бунда тингловчининг суҳбатдошга нисбатан мавқеи олдингисидан анча суст кечади.

Бундан ташқари, тинглаш техникаси ҳақида гап кетганда, унинг икки босқичи фарқланади: қўллаб-қувватлаш босқичи ва шарҳлаш босқичи. Биринчи босқичнинг моҳияти асосан суҳбатдошга ташаббусни бериш ва унинг фикрларини охиригача баён этишга имконият бериш бўлиб, бунда қуйидаги воситалар қўлланилади:

- "акс садо" - ҳар бир жумла ёки фикр охирида унинг охириги сўзларини қайтариб туриш;

- маъқулловчи ёки зътироз билдирувчи луқмалар, қайтарилувчи сўзлар билан суҳбатдош фикрларини ҳиссий маъқуллаш. Масалан, "Қаранг-а!", "Қойил!", "Йўғ-э!" кабилар.

- "чорлаш ва қувватлаш" воситаси ҳам айрим луқмалардан иборат бўлади, масалан, "Кейин нима бўлди?!", "Яна-чи?", "Яшанг!" сингарилар.

- "аниқлик киритувчи саволлар" - масалан, "Нима демоқчисиз?" ёки "Аниқ мақсадингиз нима экан, ўзи?" ва ҳоказо.

- "қўшимча луқмалар" - бунда гапнинг мазмунидан келиб чиқиб, айрим аниқликлар киритилади. Масалан, "Мен ҳам эшитганим бор, бу ҳақда", "Қани, қолганини ҳам эшитайлик-чи?"...

Бу воситалардан фарқли ўлароқ, шарҳлаш босқичида тингловчи ўз мавқеи ва муносабатини тўлароқ баён этишга ҳаракат қилади. Бунда тингловчи танқидий мулоҳаза ҳам киритиши мумкин ("Йўғ-э, унчалик эмасдир?"), ёки аниқ фикрни маъқуллайди, зътироз билдиради ("Сизни тушундим, ... демоқчисиз-да?", ёки "Албатта, шундай..."). Бундан ташқари, у тинглаш жараёнида суҳбатдошининг фикрларини таҳлил қилиши ("Ҳа, энди Сизни тушундим,

чунки ...”), маслаҳатларни билдириши (“Сизни ўрнингизда мен ҳам ...”), суҳбатдош фикрларини ўз сўзлари билан қайтариши ёки айтилганларнинг йўналишини ўзгартириш мақсадида бошқа предметга кўчириши ёки ҳазилга айлантириши мумкин. Юқоридаги ҳолатлар, суҳбатнинг жонли, мазмунли ва самарали кечишини табиий равишда таъминлайди. Ижтимоий психологик тренинг орқали одамларни муомалага тайёрлаганда, албатта, юқоридаги омилларнинг барчаси инobatга олинаши зарур.

#### **2.4. Фаол ижтимоий психологик методларнинг турлари ва хусусиятлари**

Ижтимоий психологияда фаол ижтимоий психологик тайёрлов методлари деганда, аввало шахс ёки гуруҳни самарали мулоқот малакаларига ўргатиш ва улардаги коммуникатив билимдонликни ошириш усуллари тушунилади. Демак, инсон ўз ҳаётида шахсий тажриба, ижтимоий малака ва кўникмаларни орттириб бориши жараёнида ҳосил бўладиган стихияли, бевосита шаклланадиган ижтимоий билимдонлик ёки коммуникатив саводхонликдан фарқли ўлароқ, фанда ушбу жараёнларни мақсадли шакллантириш, шахс ва яхлит гуруҳ фаолиятига тааллуқли ижтимоий фазилатларни тезлаштириш учун қўлланадиган услублар мажмуи мавжуд. Баъзи адабиётларда уларни қисқача қилиб, *ижтимоий психологик тренинг* (ИПТ) деб аташади.

“Тренинг” тушунчаси инглизча “ўргатиш”, “машқ” деган маънони англатиб, ижтимоий психологик тренинг - бу турли ижтимоий фаолият соҳаларига шахсни тайёрлашдан иборат бўлиб, бунда асосий эътибор шахс ёки яхлит гуруҳнинг мулоқот ёки коммуникатив фаолияти соҳасидаги билимдонлик даражасини мақсадга мувофиқ тарзда ошириш жараёнини акс эттиришдир. Масалан, кўплаб олийгоҳларда ижтимоий фаолиятнинг у ёки бу соҳалари учун мутахассислар тайёрланади. Лекин уларнинг келгуси фаолиятларида одамлар билан мураккаб муносабатларга ўргатиш, ўзини ва ўзга шахслар ҳамда яхлит ижтимоий гуруҳлар фаолиятларини бошқаришга

машқлантириш ва зарур ижтимоий малакаларни орттиришга қаратилган тадбирлар ва тайёргарлик мажмуаси тренингдир. Яъни у шахсни ижтимоий мулоқотга олдиндан мақсадли тарзда тайёрлаш демақдир. Тўғри, инсон жамиятда яшар экан, унинг талабларига, яққол вазиятлар таъйиқини инкор этмаслик ва ижтимоий нормаларни бузмаслик истаги бўлганлиги учун у ўзида маълум ижтимоий кўникмаларни эгаллаб, шахсий тажрибасини орттириб, бу борадаги билимдонлигини мукамаллаштириб боради. Лекин стихияли, “хато”лар ва “синовлар” йўли билан орттирилган бошқарув тажрибасидан фарқли ўлароқ, ИПТ ва уни ташкил этувчи услублар мажмуи аниқ талаб ва эҳтиёжлардан келиб чиқиб, шахснинг коммуникатив билимдонлиги даражасининг қисқа фурсатларда мақсадга қаратилган тарзда шаклланишига имкон беради.

Шундай қилиб, тренингнинг табиий ҳамда махсус тарзда уюштирилган турлари ҳақида мулоҳаза юритиш мумкин. Биринчи ҳолатни биз ҳаттоки, кичик ёшли болаларда ҳам кузата оламиз. Масалан, ёш болаларнинг турли ижтимоий роллар доирасида ўзаро ҳар хил ролли ва сюжетли ўйинлари билан машғул бўлишлари, унда турли роллар (ўқитувчи, тарбиячи, ҳайдовчи, бошлиқ ва ҳоказо)ни импровизация қилишлари, табиийки, улардаги нафақат дунёқарашни, балки бўлғуси ижтимоий фаолиятларга тайёр бўлишларида катта аҳамият касб этади.

Махсус тарзда уюштирилган тренингда эса алоҳида вазиятлар ва ҳар бир ўйин иштирокчисининг шахсий эҳтиёжлари, уларда индивидуал шаклланиши зарур бўлган сифатлар катта роль ўйнайди ва шахс атайлаб у ёки бу ижтимоий психологик вазиятга ўзгалар томонидан қўйилади.

Тренинг методларининг асосий вазифалари қуйидагилар билан изоҳланади:

1) шахснинг ижтимоий психологик билимдонлигини ошириш;

2) мулоқот (муомала) фаолиятида намоён бўладиган яққол билимлар, малакалар ва кўникмаларни ҳосил қилиш;

3) самарали мулоқотда намоён бўладиган зарур сифатлар, ижтимоий установакаларни шакллантириш, ноадекватларини тузатиш (коррекция);

4) ўзини ўзи тўлароқ англаш, билиш ҳамда ўзгаларга нисбатан тўғри муносабатларни шакллантириш қобилиятини ўстириш;

5) умуман шахснинг ижтимоий муносабатлари тизимини яққол ижтимоий психологик вазиятларга мослигини таъминлаш ва мувофиқлаштириш.

Шундай қилиб, тренинг машғулотлари учун махсус вазият, аниқ мақсад, шахсий эҳтиёжлар ҳамда ана шундай машғулотларни ўтказувчи шахс ёки бошловчи зарур. Машғулотларнинг муваффақияти айрим тамойилларга аниқ бўйсунгани ва бошқариш малакаси мавжуд бўлишини тақозо этади.

Биринчидан, машғулотга ёзилган шахслардан, мунозара ёки ўйин иштирокчиларидан ижтимоий фаоллик талаб қилинади. Чунки аъзолар турли ролли вазиятларда ўзларидаги мавжуд билим ва малакалардан фойдаланиб, гуруҳ аъзоларининг ҳаракатлари ҳамда вазиятнинг талабига кўра аниқ хулқ - атвор шаклларини намоён қилишларига тўғри келади.

Иккинчидан, Т-гуруҳ аъзоларидан доимий изланувчанлик, муайян жойда вазият ҳамда ролларини таҳлил қилган ҳолда унинг моҳиятини тушуниш у ёки бу ролга киришга тўғри келади, зеро тренинг тафаккур ва қарашларнинг эгилувчан ҳамда вазиятларга мос бўлишини тақозо этади.

Учинчидан, ижтимоий психологик тренинг машғулотларида намоён бўладиган хулқ - атвор шаклларининг объективлашуви, яъни гуруҳ аъзоларининг муносабати ва ролининг талаблардан келиб чиққан ҳолда ҳар бир иштирокчи айнан шу ролга мос ҳаракатни реал хулқда мустаҳкамлаши ва бошқалар таъсирида уни онгли равишда қабул қилиши зарур.

Ва ниҳоят, ҳар бир машғулот ва мулоқот шерикларнинг максимал тарзда бир-бирларини ҳурмат қилишларига асосланмоғи керакки, натижада шахс бундай машғулотлардан кейин бегона фикрларни ҳам қадрлашга, улар

билан ҳисоблашишга, “Ўзга бўлиш” ва бировларни тинглашга, мос тарзда ўз фикр мулоҳазаларини баён этишга ўрганади.

Демак, ижтимоий психологик тренингнинг туб психологик маъноси - инсоний муносабатларга ўргатишдан иборатдир.

Одатда тренинг машғулотилари махсус хоналарда ёки махсус танланган жойларда (табиат қучоғида) ўтказилади. Лекин жойнинг тайёрланишидаги асосий талаб шуки, шу гуруҳ аъзолари бир-бирларига ҳиссий яқин бўлишлари, ўзаро бевосита таъсир кўрсатиш ёки кўзларига боқиш имкониятларига эришувлари керак. Кўпинча бундай ҳолларда “юмалоқ стол” атрофида кишиларнинг тўпланиши назарда тутилади. Тўғри, бундай ҳам бўлиши мумкин. Энг муҳими шундаки, гуруҳ аъзоларининг қандай шаклли стол атрофида ўтиришлари ёки бир-бирларига нисбатан фазовий жойлашишларига қараб, шахсларнинг ўзларини психологик ҳис қилишлари ҳам ҳар хил бўлади. Масалан, агар гуруҳ аъзолари тўртбурчак стол атрофида жойлашган бўлсалар, бунда ҳар бир аъзонинг фазовий тасаввурлари ва муносабатлари мунозарага мойил бўлади ва бундай ҳолат “Мен - мунозарадаман” дейилади. Тахминан 1,5 метрга 2 метр диаметрли юмалоқ стол атрофида ўтказилаётган ўйин ёки самимий суҳбатдаги шахс ҳолати “Мен - ўйиндаман” деб аталса, юмшоқ юза /кресло, гилла, ва диван/устида хоҳлаган, қулай ҳолат эса “Мен - ўзимда” дейилади. Демак, ҳар бир ижтимоий психологик вазият, унинг мақсади ва бошловчининг ниятларига қараб, ўйинчиларнинг фазовий қай йўсинда жойлашишлари кераклиги ҳам тренинг самарадорлигини белгилайди.

Тренинг мулоқотларида яна бир умумий жиҳат борки, бунда мулоқот ёки ўйин иштирокчилари ўртасида самимий, илиқ муносабатлар ўрнатилиши, улар бир-бирларига ишонишлари лозим. Бунинг учун одатда бошловчи ўйин бошида шундай шароит яратадики, натижада иштирокчилар бир-бирларини таниб, илиқ муносабатларга мойиллик сезишлари шарт. Баъзан суҳбатдошларда ана шундай илиқлик туғдириш учун бошловчи ёки тренер навбатма-навбат бир-бирларига хушомад қилишни таклиф этади.

Хушомад ёки такаллуф, албатта, ёнидаги шахснинг ташқи кўриниши, юз ифодаси, кийимининг ранги, диди кабиларга тааллуқли бўлиши керакки, унда асл хушомад элементлари минимал ифодаланиши зарур, яъни бўрттириб, йўқ нарсани айтиш ҳам мулоқотга халақит бериши мумкин. Бу жараён ёки услуб шериклар ўртасидаги асабий таранглашувни камайтириб, айрим шахсларда бўладиган психологик танглик, фрустрация ёки ўзидан ва ўз қобилиятларидан иккиланиш хавфининг олдини олади.

Ижтимоий психологик тренинглар ёки бошқача қилиб айтганда, фаол ижтимоий психологик тайёрлов услублари ҳақида батафсилроқ гапиришдан аввал, бу услублар тоифасининг пайдо бўлишига олиб келган ижтимоий сабаблар ва уларнинг пайдо бўлиши тарихига қисқача мурожаат қиламиз.

Фаол методларнинг пайдо бўлиши асосан психология фанида шахс ва унинг имкониятларини ўрганишга нисбатан қарашларнинг ўзгариши билан боғлиқ. Чунки психология тарихидан маълумки, (М. Ярошевский. История психологии 1985.) бу фан XIX асрнинг охиригача ҳам алоҳида шахс психологиясини ўрганувчи атомистик фан сифатида қаралган. Унинг шаклланиши, тараққиёти ва турли фазилатларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлган омиллар орасида ижтимоий психологик омилнинг ўрни ва роли шу давргача тан олинмаган ва махсус тарзда тадқиқ этилмаган эди.

Ижтимоий психологик фикрлар шаклланиши тарихидан шу нарса маълумки (Каримова В. Ижтимоий психология асослари 1994), XIX аср охири ва XX асрнинг бошларига келиб, психологик тадқиқотлар жараёнида ижтимоий психологик омил ҳам аста-секин ҳисобга олина бошланди (“халқлар психологияси”, “омма психологияси”, “хулқнинг ижтимоий мотивлари назарияси” ва б.қ.). Масалага ёндашувнинг ўзгаришига сабаб бўлган масала эса қуйидагича эди: шахс фаолияти жараёнида унинг ёнида бошқа шахсларнинг бўлиши ёки яқинлиги хулқ-атворида таъсир қиладими, агар бундай таъсир мавжуд бўлса, у ижобийми ёки салбийми? Америкалик психолог Ф. Олпорт биринчи марта ушбу таъсир ижобий бўлиши ва бу

ходисанинг номи "ижтимоий фацилитация" эканлигини адабиётда ёритди. Фацилитация сўзи инглизча "facilitate" - "енгиллаштирмак" феълидан олинган бўлиб, унинг туб маъноси - шахс онгида ўзга образнинг борлиги ёки гуруҳ ёхуд муайян шахснинг мавжудлиги туфайли одам фаолияти самарадорлигининг ортиши ва тезлашувидир. Агар дастлабки ўтказилган тадқиқотларда ушбу феномен тасаввурлардаги ёки идрокдаги образлар таъсирини ўрганишга қаратилган бўлса, кейинчалик турли амалиётчилар ушбу ҳодисанинг реал шароитлардаги самарасини ўргана бошладилар.

Америкалик олим **Н. Трипплет** велосипед пойгаси мусобақаларида конкрет спортчига томошабинлар гуруҳининг таъсирини ўрганди (1898 й.) Маълум бўлишича, спортчининг тезлиги томошабинлар зич ва кўп бўлган оралиқларда, улар сийрак бўлган жойлардагидан фарқли, яъни 20 фоизгача ортар экан.

1903 йилда немис олими **А. Майер** эса ушбу феноменни таълим жараёнида текширди. У уйда яқка ҳолда ўқитиш билан гуруҳий шароитда ўқитиш самарадорлигини қиёслаб, билимларнинг мустаҳкамланишида ўзлаштиришнинг тезлиги синф шаклида бўлганда ўзига хос афзалликларга эга эканлигини исбот қилди.

XX асрнинг бошларида кенг кўламда бошланган ижтимоий психологик тадқиқотлар қаторида шахслараро таъсирни ўрганишга бағишланган ишларда ҳам ушбу ҳодисанинг мавжудлиги аниқлана бошланди. Масалан, рус тадқиқотчиси **В. М. Бехтерев** ўзининг ижтимоий психологияга оид тадқиқотларида гуруҳларда ўтказиладиган мақсадли мунозараларнинг алоҳида олинган шахс дунёқарashi ва фикрлаш жараёнларига таъсирини, бунинг натижасида ўрганилган жараёнларнинг ўзгаришини ва жамоадаги фаолиятнинг самарадорлиги ошишини қайд этди.

1913 йилда бошқа бир немис тадқиқотчиси **В. Мёде** ўзаро ҳамкорликдаги гуруҳлар дастурини ишлаб чиқди. Унинг экспериментлари бир қарашда шахсдаги билиш жараёнларини ўрганишга қаратилгандай бўлса-да, лекин аслида уларда гуруҳнинг шахс психик фаолиятига таъси-



ри ўрганилди. 2-3 кишидан тортиб, то 16 кишигача бўлган гуруҳларда у махсус асбоб-усканаларни ишлатган ҳолда мушаклар иш фаолияти, оғриққа чидамлилиқ, сезгирлик, диққат, хотира, турли ассоциацияларнинг кечишига таъсирини дастлаб якка-якка ҳолда кейинчанлик эса гуруҳий шароитда ўрганди. Текширишлар шуни кўрсатдики, уни қизиқтирган психик жараён ва ҳолатларнинг кўрсаткичлари гуруҳий вариантда индивидуал вариантдан анча афзал бўлиши исботланди. Шундай ҳолатлар ҳам бўлганки, гуруҳда кучсиз, нимжон болаларнинг борлиги бошқа “ўртача” имкониятлилар фаоллигини оширган. Олинган натижалар унинг “Омманинг экспериментал психологияси” китобида умумлаштирилган ва барча турдаги экспериментларда, албатта, ижтимоий психологик факт инobatта олиниши зарур, деган хулосага келинган.

Ўша даврга келиб, тиббиёт соҳасида ҳам оммавий психотерапиянинг афзалликларини ёқлаб чиқа бошлаган шифокорлар кўпая борди. Фарангистонлик олимлар, улардан кейин рус олимлари (В. Манассеин, С. Корсаков ва б.қ.) инсон саломатлигини тиклашда касал билан шифокор ўзаро мулоқотидан ташқари, ўша касал атрофидаги ўзига ўхшашлар гуруҳининг ҳам борлигини ва унинг бевосита дард азоблари кечишига таъсири бўлиши тиббий амалиётда асосланди ҳамда бу ҳақда асарлар ёзилди.

Бундан ташқари, маориф, санъат, жумладан, актёрлик санъати борасида ҳам ижтимоий омилнинг роли масаласи кенг ўрганилди ва бу нарса мутахассислар тайёрлаш соҳаси - педагогика олдида ҳам “Қандай қилиб ўқитган афзалроқ?” деган масалани долзарб қилиб қўйди. Бу нарса бевосита одамларни одамлар билан ишлаш жараёнига мақсадли тайёрлашда фаол, тезкор усулларни ўйлаб топиш муаммосини юзага келтирди. Фаол ижтимоий психологик тайёрлов усулларининг қўлланилиши зарурати психологик тадқиқотларда аниқланган яна бир фактга, яъни инсон хотираси эшитган нарсаларнинг фақат 10 фоизини, эшитган, кўрган нарсаларининг деярли 50%ини ҳамда бевосита ўзи иштирок этиб, фаол равишда бажарган операциялар тафсилотининг 90%ини сақлаб қолиши-

га асосланади. Миллий маърифатчилигимиз анъаналарига эътибор берар эканмиз, ушбу қонуниятнинг аҳамияти ҳисобга олинганлигини кўришимиз мумкин. Масалан, ислом маърифатчилигида ҳам **риёзат** - унинг шундай тури сифатида қаралганки, унга кўра, инсон бирор нарсанинг туб моҳиятига етиш, англаш ва тушуниш учун ўз қўли билан амалда ишлаш қобилиятига эга бўлиши кераклиги уқтирилади. Фаридиддин Аттор ҳам ўз фалсафий қарашларида илм ва амалнинг уйғунлигини тарғиб қилиб, инсонларни бевосита амалий, хайрли ҳаракатларга, илм моҳиятини амалий фаолиятда синашга чорлаган эди.

Шундай қилиб, ижтимоий психологик тренинг услубларининг пайдо бўлиши ва амалда қўлланилиши ўзига хос анъанага эга бўлиб, улар, айниқса, бизнинг асримизда саноат ривожланган, миграция жараёнлари тезлашган ва инсон омили ролининг нақадар аҳамиятлилигига эътибор қаратилган пайтда янада долзарблашди.

Туб маънода ижтимоий психологик тренинг воситасида ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, ишлаб чиқаришнинг бошқарувчилари - менеджерлар тайёрлаш, ижтимоий таъминот, педагогика, тиббиёт соҳаларига мутахассислар тайёрлаш жараёнида ундан фойдаланиш АҚШ, Германия, собиқ иттифоқ таркибидаги давлатлар - Болтиқбўйи республикалари, Санкт-Петербург, Москва, Киев каби қатор саноати йирик шаҳарларда кенг тарқалган. Айниқса, саноат корхоналарида ишловчи амалиётчи психологларнинг асосий қуроли ва иш йўналиши ҳам тренинглар воситасида ишлаб чиқариш муаммоларини ҳал қилиш бўлиб, ҳозиргача тўпланган тажриба бу ишнинг таъсирчанлигини исботлади.

Шунинг учун бизнинг мустақил давлатимиз ўз йирик саноат индустриясини яратган экан, бу жараённинг асосий фигураси бўлмиш инсон омили масаласини жойларда ҳал қилиш ижтимоий психологик тайёргарлик усуллари-дан омилкорона фойдаланишга кўп жиҳатдан боғлиқдир.

Илмий адабиётда фаол ижтимоий психологик тайёрлов методлари шартли равишда уч гуруҳга бўлинади:

**1. Мунозара методлари.** Бу туркумга асосан гуруҳ доирасида ўтказиладиган мунозаралар, баҳслашувлар,

кундалик амалий фаолиятда учрайдиган турли ҳодисаларни таҳлил қилишлар, ахлоқий хулқ-атвор шаклларини муҳокама қилишлар киради. Баъзан бу тоифа усуллар хулқ-атвор тренинги ёки амалий мулоқот тренинги деб аталади.

**2. Ҳийн методлари.** Бунга дидактик ва ижодий Ҳийнлар; бошқарув фаолиятига тааллуқли амалий Ҳийнлар; ролли Ҳийнлар - хулқ-атвор шаклларига ўргатиш, Ҳийнли психотерапия, психодраматик коррекция; контрҲийнлар киради. Кўпинча, бу туркум методларни қисқача ролли тренинг деб аташади.

**3. Перцептив тренинглр.** Бу туркумга асосан махсус Т-гуруҳларда олиб бориладиган сезгирлик тренинглари, сензитив тренинглр киради. Бундан кўзланган асосий мақсад - шахслараро мулоқот жараёнида шахсий қийинчиликларни бошдан кечирадиганларда ўзига ишонч-сезгирлик ва инсоний муносабатлар сирларини ўргатиш ва шахснинг ўзи ҳақида яхлит психофизиологик тасавурларни янада ойдинлаштиришга ёрдам беришдир. Охириги пайтларда ушбу ва бошқа мақсадларда ҳам видеотренинг усули пайдо бўлдики, бу фан - техника тараққиётининг инсоний муносабатлар соҳасига ҳам кириб келганлигидан далолат беради. Видеотренинг кўпроқ шахсий хулқни коррекция қилиш - тузатиш мақсадларига хизмат қилади. Ижтимоий психологияда барча тренинг методларига хос бўлган қуйидаги умумий сифат ёки хусусиятлар фарқланади;

- Энг муҳим хусусият - бу фаолликдир, яъни тренинг гуруҳи аъзолари машғулотларнинг қайси тури бўлмасин, аввало фаол шахсий мавқеда бўлишлари ва уни машғулот охиригача сақлашлари шарт, бу ҳолат умуман ушбу услубнинг фаоллигини билдиради;

- Тренинг хусусида гап кетганда ҳар доим конкрет ижтимоий гуруҳ назарда тутилади, яъни албатта конкрет, компакт, реал гуруҳнинг бўлиши ҳам тренингнинг муҳим жиҳатларидандир;

- Гуруҳнинг ҳар бир алоҳида шахс психикаси ва ҳиссий ҳолатларига таъсирининг рўй бериши ҳам унинг ҳар бир турига хос бўлган хусусиятидир;

- Машгулотларнинг бир неча марта қайтарилиши, яъни тренинг самарадорлиги бир марталик машгулот билан чекланмай, одатда 4 - 8 мартагача давом этиши мумкин;

- Машгулот бошқарувчиси ёки тренер бўлиши, яъни, тренингда гуруҳнинг фаоллиги эътироф этилса-да, лекин бари бир унинг инструктори, ташаббускори ва бошловчисининг ўрни ва роли катта аҳамият касб этади;

- Т-гуруҳ ҳажмига қўйиладиган талаблар, яъни бевосита самарали мулоқотнинг бўлиши учун машгулотлар ўтказиладиган гуруҳдаги одамлар сони 9-12 киши бўлиши мақсадга мувофиқдир;

- Мақсаднинг аниқ ва равшан бўлиши, танланган мавзу ёки муҳокама, баҳс юритиладиган вазият, албатта, маҳаллий шарт-шароитларга мос бўлиши, кишиларнинг талаб-эҳтиёжлари ва маслаклари доирасидан чиқиб кетмаслиги керак.

Шундай қилиб, Ўзбекистон шароитида ўтказиладиган тренинг услубларини қўллашдан мақсад аввал ундан кўзланаётган охириги натижа бошловчи ёки мураббийга аниқ бўлиши ва гуруҳга одамларни танлашда албатта уларнинг мулоқоти стратегияси ва техникаси, гаплашиш "тилининг" мослигини инobatта олиш керак. Бундан ташқари, Т-гуруҳ аъзолари машгулотлар ўтказилиш даврида муайян маънода ўзгармас бўлиши, машгулот ўтказиш жойи ҳам имкони борича алмаштирилмаслиги мақсадга мувофиқ. Бизнинг шароитимизда ташкил қилинадиган машгулотларда унинг йўналиши, предмети ва мавзусини танлашда психолог миллий психология хусусиятларни, ҳаттоки, айрим ҳудудий ўзига хосликларни ҳам инobatта олиши ва шу асосида машгулот дастурини тузиши лозим. Айниқса, ролли ўйинларнинг сценарийларида маҳаллий ўзига хослик, шарқона муомала нормаларига алоҳида эътиборнинг берилиши, иштирокчиларни берилиб, табиий равишда ролларга киришга имкон беради.

### III БОБ. МУНОЗАРА МЕТОДЛАРИ ВА УЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

#### 3.1. Мунозара методларининг ижтимоий психологик аҳамияти

Умуман, баҳс ва мунозара йўли билан турли ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш масаласига қизиқиш асримизнинг 30-йилларидан бошланган, деб ҳисобланади. Чунки айти бу ҳодисага қизиқиш шу даврга келиб педагогика ва психология соҳаларига ҳам ёйилган ва бу ҳақда биринчи илмий психологик хулосалар қилган олим швейцариялик психолог Жан Пиажедир. [У бола ижтимоийлашуви жараёнини ўрганар экан, унинг ўз тенгқурлари билан турли мавзуларда қиладиган мунозара ёки баҳслари ундаги эгоистик шахсиятпараслик мавқеининг сусайиши ва шу тариқа ўз-ўзини англаш билан бир қаторда ўзгалар мавқеларини англаш ва "ўзга шахс бўла олиш" қобилиятини ўстиришни аниқлади.] Кейинчалик шунга ўхшаш тадқиқотлар соф ижтимоий психологик ҳодисалар доирасида ҳам ўрганила бошланди. Масалан, немис олими Курт Левин ҳам 40-йиллардаёқ гуруҳда кўпчиликнинг ягона бир қарорга келишининг психологик табиатини ўрганар экан, унда ана шу гуруҳларда ўтказиладиган табиий мунозараларнинг ҳар бир шахс ижтимоий установакалари, қарашлари ва гуруҳга муносабатига бевосита таъсири борлигини исботлади. Унинг фикрича, гуруҳдаги мунозара ҳар бир шахснинг гуруҳий фаолиятга нисбатан мотивациясини ошириб, шу билан бирга ҳар қайси аъзонинг гуруҳий жараёнларга қўшилиши, ўз мавқеини англаш, ўзгаларга ниманидир дейиш каби эҳтиёжини оширади. Эркин, демократик тарзда фикр алмашилиш имкониятининг яратилиши муҳокама қилинаётган муаммо бўйича гуруҳ аъзоларидаги фикрлаш жараёнини тезлаштиради, уларнинг ижтимоий мавқеларини янада фаоллаштиради.

К. Левин экспериментларининг реал ҳаётда қандай самара бериши бўйича кейинчалик, яъни иккинчи жаҳон уруши йилларида синовлар ўтказилган. Ўша йиллари бир

гуруҳ аёлларга айрим озиқ-овқат маҳсулотлари, жумладан, балиқ консерваси ва паштетининг ҳам фойдали эканлиги, ҳар доим ҳам янги сўйилган мол ёки бошқа ҳайвон гўштини истеъмол қилиш шарт эмаслиги ҳақида чиройли ва ишончли маърузалар ўқилган. Лекин эртаси куни ўша тингловчиларнинг 3 фоизигина дўконлардан юқорида тарғибот қилинган нарсаларни харид қилганлар. Бошқа бир аёллар гуруҳига эса айнан шу мавзуда мунозаралар ўтказиш шароити яратилган. Кейинги кузатишларнинг кўрсатишича, мунозара қатнашчиларидан 32 фоизи ўша озиқ-овқат маҳсулотларига нисбатан ўз фикрларини ўзгартирганлар ва таклиф этилган маҳсулотларни харид қила бошлаганлар.

Илмий нуқтаи назардан олиб қараганда, мунозараларнинг моҳияти ва аҳамияти қуйидагиларда изоҳланади: анъанавий маъруза тингловчилари таништирилаётган муаммога нисбатан тахминан бир хил нейтрал мавқени билдирадилар, яъни ўша мавзу юзасидан ўзида тўғри фикр мавжуд бўлган шароитда ҳам маърузачининг билдираётган фикрларини ишончлироқ ва асосланганроқ, деб ҳисоблаб, мавзу юзасидан шахсий фикрини паст баҳолайди. Агар баён этилаётган фикрлар мутлақо янги бўлса, унинг моҳиятига тўла тушуниб етиш ва тушуниш қийин, деган маънода яна фикрий пасайиш юзага келади. Фикрлар тўқнашувини тақозо қилувчи мунозарада эса қарама-қарши ёки монанд фикрларнинг борлигини англаш ҳам шахсда ушбу фикрларга нисбатан анча фаол мавқени шакллантиради.

Мунозаранинг қандай яқунланишидан қатъи назар, яъни унда фикрлар кесишмаслиги ҳам мумкин ёки уларда маълум уйғунлик бўлиши кузатилади, бунда нима бўлганда ҳам баҳснинг мазмуни шахснинг ижтимоий тасаввурлари ва қарашларида мустаҳкам ўрнашади ҳамда хотирада қолади.

Баҳсли мунозаранинг предмети ёки объекти сифатида махсус тарзда танлаб олинган муаммо ёки амалий фаолиятда учрайдиган турли ҳодисалар ва қарама-қарши ғоялар қабул қилиниши мумкин. Масалан, 50 - йилларда инглиз шифокорлари Майкл ва Энид Балинтлар психоте-

рапевтлар семинарини ташкил этиб, унда мунозара ва муҳокаманинг амалий аҳамиятини исботлашган. Улар ҳар куни клиникадаги врачларнинг тупланишлари ва кундалик амалиётларида рўй берган ҳодисалар, фактлар ҳақида маълумотлар бериб, кейин билдирилган фикрлар ўзаро муҳокама қилинган. Шу тўғрисида турли шифокорлар тажрибасида табиий ҳисобланган “ўзбилармончилик”нинг олди олинган ва ҳозиргача сақланиб қолган “5 дақиқалик” шифокорлар йиғини пайдо бўлган. Шифокорлар ўзаро фикр алмашинишлари тўғрисида маълум умумий фойдали қарорларга келишлари тиббиёт илми ва амалиётининг ривожига ижобий таъсир кўрсатган.

Ҳар қандай шароитда ҳам шахснинг ўз бошидан кечирганларини ўзгаларга айта олиши ва бошқа фикрларни қабул қила олиши катта ижтимоий аҳамиятга эга. Ўша Ғарб мамлакатларида кенг тарқалган “Т-гурӯх”лар методи ҳам айнан турли ҳаётий қазусларни таҳлил қилиш воситасида фикрлар уйғунлигига эришиш ва шахсни тарбиялаш имкониятини яратди.

Мунозара методларининг ижтимоий психологик аҳамияти шундаки, улар ҳар бир шахснинг ўз нуқтаи назарини таҳлил қилишга имкон яратиб, ундаги ташаббускорлик, мулоқотдаги билимдонлик ҳамда ўз ақлий потенциалидан тўлиқ фойдаланиш имкониятини беради. Яъни ушбу туркум методларнинг вазифалари ҳам унинг аҳамиятли мақсадларидан келиб чиқади: а) мунозара қатнашчиларини реал вазиятларни таҳлил қилишга, асосий, муҳим нарсани номуҳим нарсадан ажратишга ва муаммони англашга ўргатади; б) ўзгалар фикри, гапириш маҳоратини кузатиш ва шу асосида улар билан ҳамкорликда ишлашга ундайди; в) муаммога тааллуқли ранг-баранг қирраларни ажратиш, улар моҳиятини англаш имкониятини яратди; г) муаммонинг турли муқобил ечимлари бўлиши мумкинлигини намоён қилади.

Айниқса, ахлоқий-маънавий мавзулардаги муаммоларни ҳал қилишда мунозаранинг роли катта. Бундай шароитда баҳслашувчиларнинг етуқлик даражалари, ахлоқий қадриятларни англаш даражалари катта аҳамиятга эгадир. Ахлоқий-маънавий масалалар юзасидан

мунозарани ташкил этувчи шахсга алоҳида талаблар қўйилишини таъкидлаш керак. Чунки у баҳслашувчиларга ҳеч қандай тазйиқ кўрсатмаслиги, ҳар бир шахснинг эркин фикр баён этишига йўл қўйган ҳолда улар фикрларининг тамоман зидлашиб кетишига йўл қўймаслиги, мунозарадан келиб чиқадиган хулосани ва қарорни гуруҳнинг ўзига ҳавола қилиш лозимлигини унутмаслиги зарур. Бу усул мактабларда, турли билим масканларида, маҳалла қўмиталари иш фаолиятида, турли маслаҳат шоҳобчалари, ўспиринлар тарбияси борасида кенг қўлланиши мумкин.

### **3.2. Кичик ва катта гуруҳларда мунозараларни ташкил этиш қондалари**

“Мунозара” ёки “баҳс” сўзларининг моҳияти шундаки, улар доимо кишилар гуруҳини англатади, яъни ҳар қандай баҳс ёки мунозара гуруҳда мавжуд бўлади. Лекин ижтимоий психологияда (асосан) гуруҳларнинг икки тури бўлиб, улардаги шахслар сони ва гуруҳнинг ҳажмига кўра, катта ва кичик гуруҳ турларига ажратилади. Ижтимоий психологик тренинглар ўтказиладиган махсус гуруҳлар “Т-гуруҳлар”, деб юритилади. Лекин анъанавий “Т-гуруҳлар” кишилар сонининг озлиги ва бевосита мулоқот шароитларининг етарли эканлиги билан тавсифланади. Шундай бўлишига қарамай, кўпинча реал амалиётда психолог шундай гуруҳлар билан ишлашига тўғри келадики, ундаги одамлар сони белгилангандан кўпроқ бўлади. Масалан, ўрта мактаблардаги синфлар, ўқув юртларидаги академик гуруҳлар шулар жумласидандир. Шунинг учун ҳам биз бевосита компакт - 8-10 кишилик кичик гуруҳларда ҳамда одамларнинг сони 20-30 киши бўлган гуруҳларда мунозараларни уюштиришнинг моҳияти ҳақида алоҳида тўхтаб ўтаемиз.

Шундай қилиб, Т-гуруҳларда мунозаларни ташкил этишнинг айрим ўзига хос томонлари ва турлари мавжуддир.

*Кичик*, тор доиралардаги компакт гуруҳларда уюштирилган мунозараларнинг эркин мавзули, йўналтирилган ва аниқ сценарийли диспут турлари мавжуд бўлиб, бу



танланган мавзуга ва мунозара гуруҳларининг мулоқот тажрибасига боғлиқдир (“диспут” сўзининг луговий маъноси “фикрляпман”, “тортишяпман”, деган маънони билдиради). Кичик гуруҳлардаги мунозарадаги асосий нарса - гуруҳ аъзоларининг танланган мавзу хусусиятига қараб, ҳар бирининг ўз фикр-мулоҳазаларини охиригача баён этиш имкониятларининг борлигидир. Бундай гуруҳда бошловчи ҳам қаторда ўтириб, мавзунинг ечими батамом ҳал бўлмагунча фаол мулоқотларнинг иштирокчиси бўлиши мумкин. Лекин асосий рол гуруҳнинг аъзоларига юкланганлигини ва бевосита ажралиб чиққан норасмий лидер асосий баҳс юритувчи бўлиши мумкинлигини унутмаслиги зарур. Бундай гурунглار турли шароитда, кўпинча баҳс иштирокчилари учун табиий шароитларда ўтказилса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Агар Т-гуруҳ одатдагидан каттароқ ҳажмда (масалан, 30 кишигача) бўлса, унда мунозарани уюштиришнинг ўзига хос томони бор. Бу ҳолда баҳс гуруҳи шартли равишда аъзоларга аниқ мавқелари баён қилинган ҳолда 3 га бўлинади. Биринчи гуруҳ - “**фикрларни жамловчилар**” - генераторлар гуруҳи дейилади; иккинчиси - “**танқидчилар**” ва учинчи гуруҳ - “**фикрларни тезлатувчилар** - катализаторлар” деб аталади. Ҳар бир ажратилган гуруҳнинг ўзига хос функциялари бор: “генераторлар” ўртага ташлаган муаммо ёки баҳс мавзуси бўйича ўзларидаги барча фикрларни ўртага ҳолис ташлайдилар. Гуруҳ аъзоларидан бири - лидер - уларни жамлаб, фикрлар иккига бўлинган тақдирда ҳам, уларни умумлаштириб баён этади. Сўнгра ўйинга “танқидчилар” киришади. Уларнинг вазифаси - зшитган фикрларига танқидий муносабат билдириш, яъни танқидий нуқтаи назардан улар ичидаги “мағзни” ва “пучак” фикрларни саралаш. Шундан кейин вазиятга қараб, яна сўз “генераторлар”га ёки “катализаторлар”га берилиши мумкин. Билдирилган фикр ва таклифларда мабодо ҳисобга олинмай қолган жиҳатлар ёки ноўрин фикр бўлса ёки моҳиятан шу мавзуга алоқадор бўлган, лекин иккала томон ҳисобга олмаган бирор жиҳат аниқланса, томонлар диққатини қаратиш керак, бўлса, баҳсни давом эттиришга рухсат бериш ва уни яқун қилиш тақозо қилинса, иккала гуруҳнинг ўйинига

баҳо берган ҳолда мунозарани тўхтатиш - “катализаторлар”нинг вазифасидир. Улар кўпинча иккала гуруҳ учун холис арбитрлар - “ҳакамлар” ролини ҳам ўйнашлари мумкин.

Мактабда бир синф доирасида ёки талабалар гуруҳида ахлоқий-маънавий мавзуда баҳс уюштирганда, юқоридаги усулни қўллаш, имконияти бўлса, суҳбатдошларни учбурчак - берк стол атрофига тўплаш мумкин. Демак, баҳслашувчиларнинг фазовий жойлашишлари ҳам бу ўринда маълум аҳамият касб этади.

Катта гуруҳларда баҳс ёки мунозара уюштирилганда, бошловчининг роли айниқса каттадир. Чунки у ҳар бир гуруҳдаги тортишувлар ва фикр алмашинувларнинг бошида турмоғи, керак бўлса, улар фаолиятини мақсадга мувофиқ тарзда йўналтириб турмоғи лозим. Кичик гуруҳдагидан фарқли ўлароқ, катта гуруҳларда бошловчи у ёки бу ички гуруҳга ён босмаслиги ёки уларни ўзининг шахсий фикрига мажбуран эргаштирмаслиги керак. Акс ҳолда, у ўзининг фаолияти билан бошқалар ташаббусига салбий таъсир кўрсатиши ва баҳснинг йўналишини бузиб қўйиши мумкин. Шунинг учун катта гуруҳларда уюштириладиган мунозаранинг мавзуси олдиндан танланган ва унга бошловчи маълум маънода тайёр бўлиши шарт.

### **3.3. Брейнсторминг ва уни ўтказиш технологияси**

Мунозаралар юритишнинг яна бир шакли борки, унинг номини рус тилида “мозговая атака”, инглизчасига - “брейнсторминг” (brain storming) деб аталади. Бизнинг тилимизда бу тушунчанинг аниқ аналогик таржимаси йўқ, лекин уни “мияга хужум” ёки “фикрлар тўқнашуви”, “фикрлар жанги” деб аташ мумкин. Методнинг психологик моҳияти шундаки, оддий мунозарада баҳслашувчилар кўпроқ онгли, асосли фикрларни баён этишга ҳаракат қиладилар. Бунда эса баҳслашувчиларга мияга қандай фикр қуйилиб келса, уни танқидсиз ва асосламай эркин, “тилга нима келса” айтиш имконияти берилади. Бу нарса кўпроқ муаммо анча нотаниш, савол мураккаб ёки ноаниқ бўлган шароитларда қўл келади. Яъни, бунда “эркин асоциациялар”га йўл берилади ва охир оқибат гуруҳнинг ўзи маълум рационал “мағзани” ажратиб олади.

Бу усулни биринчи марта америкалик олим **А. Осборн** 30-йиллардаёқ таклиф этган ва йирик лойиҳаларни режалаштириш ва олдиндан унинг натижаларини башорат қилишда маълум ютуқларни қўлга киритган эди. Лекин кейинчалик мутахассислар уни фақат ностандарт, ўзига хос ечими бўлган вазифаларни муҳокама қилгандагина қўлаш мумкин, деган фикрни билдира бошладилар. Бироқ тўғри ташкил этилган брейнштормингнинг амалий афзалликлари кўп. Фақат бунда қуйидаги қоидаларга риоя қилиш керак:

1. Жумлалар жуда қисқа бўлиши керак, лекин уларнинг асосланиши шарт эмас.

2. Ҳар қандай жумла ёки фикр танқид қилиниши мумкин эмас, яъни фикрлар танқиддан ҳолидир.

3. Мантикий фикрдан кўра, фантастик ёки қўққисдан, тасодифан мияда пайдо бўлган фикр муҳимроқ.

4. Фикр ёки билдирилган қисқа мулоҳаза қайд этилади.

5. Билдирилган фикр ёки гоялар у ёки бу иштирокчиники, деб ажратилмайди, яъни улар - муаллифсиздир.

6. Фикр ёки яхши гояларни танлаш алоҳида “танқидчилар” ёки гуруҳнинг норасмий лидерлари томонидан амалга оширилади.

Юқоридаги гуруҳ катта бўлганда баҳс уюштиришда ҳам генераторларга ушбу усулда ишлашга имкон бериш тажрибада яхши натижалар беради.

Брейншторминг, айниқса, 50-йилларда Америка ва Франция давлатларида турли технологик муаммоларни ҳал қилишда кенг қўлланилган ва унинг натижалари кўплаб мақола ва китобларда умумлаштирилган. Лекин оммавий қўллашда айрим тортишувлар пайдо бўлдики, айниқса, ёшлар аудиториясида уни ишлатишдаги ноқулайлик борлиги аниқланди. Аммо барибир, юқорида таъкидлангандек, кишиларни фаол ижтимоий психологик мулоқотга тайёрлаш, ностандарт муаммоларни ечиш ва одамни умуман гуруҳга кўникириш мақсадида ундан фойдаланиш мумкин ва бу жиҳатдан унинг қатор афзалликлари ва татбиқий аҳамияти мавжуд.

## IV БОБ. ЎЙИН МЕТОДЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ ФАОЛЛИКНИ ОШИРИШДАГИ РОЛИ

### 4.1. Ўйин методларининг классификацияси ва уларнинг психологик моҳияти.

Илмий ва оммабоп адабиётда “ўйин” тушунчаси кенг маънода ишлатилади. Масалан, “актёрлар ўйини”, “болалар ўйини”, “бошқарув ўйинлари”, “шахмат ўйини”, “стратегик ўйинлар”, “хаёл ёки фантазия ўйинлари” ва ҳоказо. Кўпгина психологик тадқиқотлар айнан болалар ўйинларига бағишланган. Рус психологи Д.Б.Эльконин “Нима учун болалар ўйнайдилар?” деган саволга тўлақонли жавоб топиш мақсадида ўзининг кўп йиллик илмий изланишларини 1960 йили чоп этилган “Ўйин психологияси” (“Психология игры”) номли китобида умумлаштирган. Унда муаллиф ўйинлар генезиси - келиб чиқиши, унинг моҳияти, бола тараққиёти ва шахс шаклланишидаги ўрни ва аҳамиятини ёритишга ҳаракат қилган. “Болалар, - деб ёзилган китобда, - ўйинда катталарнинг ижтимоий хулқ-атвориغا тақлид қилиш йўли билан улар фаолиятини қайтардилар” (“Психология игры”, 1978).

Юқорида таъкидланганидек, ўйинлар категорияси нафақат болалар, балки катталар фаолиятига ҳам хос. Болалар ва катталар ўйинларида қатор умумийликлар мавжуд: яъни, а) иккаласида ҳам роллар импровизация қилинади, бошқача қилиб айтганда, ҳаётда бор бўлган у ёки бу ҳаракатлар, хулқ-атвор шакллари қайтарилади; б) ўйин фаолиятидаги вазиятлар иккала ҳолда ҳам шартлидир; в) ўйинда меҳнат ёки бошқа турдаги ижтимоий фаолиятнинг энг муҳим томонлари қайта тикланади; г) табиийлик, ҳиссийлик - эмоционал жиҳатларининг борлиги катталар ва болалар ўйинларига хос бўлган жиҳатлардир.

Ўйиннинг энг муҳим аҳамияти шундаки, унда табиийлик сифати бўлиб, бу нарса, айниқса, болалар ўйинида яққол сезилади, зеро, улар унда ўзидаги кўплаб табиий эҳтиёжларни қондиришга ҳаракат қилади. Шунинг учун

бўлса керак, маълум тараққиёт босқичида болалар тинимсиз ўйнайдилар, ундан чарчамайдилар ва бунда ҳеч қачон улар ўз шеригига маънавий зиён етказмайди. Бу нарсалар ўйиннинг шундай қирраси билан боғлиқки, унда ҳаёл, ҳиссиёт жараёнлари яққол тафаккурдан устун келади.

Ижтимоий психологик аҳамиятта эга бўлган катталар ўйини эса асосан иккита вазифани бажаради:

- маълум ижтимоий билимларни эгаллаш;
- зарур ижтимоий установакаларни шакллантириш.

Лекин бундай ўйинларнинг табиий болалар ўйинидан фарқли жиҳатлари ҳам бор:

а) болалар ўйинларида ижтимоий роль ўзлаштирилса, катталарникида бу роль янада мустақкамланади, такомиллашади; масалан, болаларнинг “меҳмон-меҳмон” ўйинларида меҳмон ва мезбон ҳаракатларига ҳос бўлган асосий қирралар ўзлаштирилиб, тақлид асосида кўникмалар ҳосил қилинса, катталар шунга ўхшаш “ўйинларда” муомаланинг энг мукамал ва чиройли жиҳатларини мустақкамлаб, давр маданиятига ҳос хулқ-атвор шакллариغا ўрганадилар;

б) болалар ўйинларидаги роллар ҳаётий вазиятларни умумлаштирган ҳолда, умумий тасаввурлар воситасида қайтарилса, катталарда бу нарса аниқ вазиятлар ва яққол роллар воситасида амалга оширилади;

в) болалар ўйинлари маълум маънода стихияли жараён бўлса, катталар ўйинида ҳаётий қондалар, нормалар, меъёрлар атайлаб ташкил қилинади ва унга маҳсус назоратчилар - мураббийлар раҳбарлик қиладилар;

г) болалар табиий равишда ўзлари кираётган ролни ҳиссий бошдан кечириб, ўйинга киришсалар, катталар кўпроқ у ёки бу ролга ўзини идентификация қилиб, сунъий равишда киради;

д) катталар ўйинининг сифати ва самарадорлиги ўйновчининг ҳаётий кузатишлари ва шахсий тажрибасига бевосита боғлиқ бўлади, бу ўринда онглик, ташаббускорлик ва эрудиция, яққол омилларни умумлаштириш каби сифатлар муҳим роль ўйнайди.

Ижтимоий психологик билимдонликни оширишга хизмат қилувчи ўйинлар асосан икки турга бўлинади. Бу - операционал ўйинлар ва ролли ўйинлар.

Операционал ўйинлар ўз моҳияти жиҳатидан, яъни ушбу фаолият мотиви, унда ақлий операцияларнинг иштироки ва ҳиссий кўриниши жиҳатдан муаммоли вазиятларни таҳлил қилишга ўхшайди. Лекин айти тизимга туширилмаган, спонтан мунозарадан фарқли, унда ўйиннинг умумий сценарийси бўлиб, оқибатда қабул қилинадиган қарорлар ижтимоий нормаларга мос келиши, “тўғри” ёки “нотўғри” лиги алгоритмик белгилаб қўйилади. Шунинг учун ҳам бундай ўйинларда ҳаёт синовларидан ўтказилган, ижтимоий тажрибага асосланган вазиятлар ишлатилади. Масалан, ҳозирда кенг тарқалган ишбилармонлик ўйинлар (деловые игры) ёки бошқарув ўйинлари шулар жумласига киради. Агарда, бошлиқнинг ходимни қабул қилиши вазияти ўйналаётган бўлса, унда бошқарув тажрибасида илгари юз берган бир нечта альтернатив хулқ шакллари олдиндан келишилган ҳолда ўйналади ва шулар асосида ўйинга баҳо берилади. Чунки амалий ўйинларда шахслараро бевосита муносабатлар нисбатан чекланган бўлиб, уларда расмиятчилик элементлари кўп бўлади.

Демак, амалий ўйинлар қуйидаги вазифаларни бажариши керак:

1. Қарор қабул қилиш билан боғлиқ бўлган типик ҳаётий вазиятларни моделлаштиради.

2. Профессионал фаолиятда учрайдиган хулқ-атвор шакллари ва мулоқотнинг турли қирраларини очиб беради.

3. Ижтимоий хулқда мавжуд бўлган янги қирралар бўйича башорат қилади ва профессионал фаолиятнинг янги хусусиятларини очади.

Кўпчилик, ўйин методларини ўйлаб топганларнинг ватани Америка деб ўйлайди. Лекин аслида уни биринчи марта амалий фаолиятда руслар - Россияда қўллашган. 1936 йилда ҳозирги Санкт-Петербург шаҳридаги Ишлаб чиқариш Академияси талабалари “Ишлаб чиқариш дастурининг кескин ўзгариши муносабати билан саноатни қайта қуриш” мавзусидаги ўйинни “Красный ткач” номли фабрикада дам олиш кунлари ўтказган эдилар. Унинг натижалари кейинчалик оммавий ахборот воситаларида

муҳокама қилинган, лекин ўша пайтда фан мутассаддилари бу усулнинг моҳиятини тўла тушуниб, уни қўллаб-қувватламаган эдилар. Шунинг учун ҳам илмий адабиётларда Америкада ташкил этилган “Т-гуруҳлар” тажрибаси кўпроқ ёритилган.

Ҳозирги кунга келиб, 200 дан ортиқ операционал ўйинларнинг стандарт дастурлари бўлиб, улар ўқув, илмий - тадқиқот, халқ ҳўжалиги мақсадларида ишлатилади.

Ҳар қандай операционал ўйинни ташкил этишда қуйидаги тамойилларга амал қилиш шарт:

1. Иш ўйинлари ижодий, профессионал тафаккурни ривожлантиришга хизмат қилади. Шунинг учун ташкилотчи муаммоли вазият ечимининг, унинг ижтимоий моҳиятини тренинг мақсадига мослигини аниқлаши ва хулосаларини ишлаб чиқаришга жорий этиши керак;

2. Ишлаб чиқариш жараёнлари ва профессионал фаолиятни моделлаштириш ва уни реал турмуш вазиятига яқинлаштириб, имитация қилишга эришиш зарур;

3. Тренингни тарбиявий жиҳатларини соф ўйиннинг ўзидан юқори қўйиш мақсадга мувофиқ эканлиги;

4. Ўйин қонун-қоидалари ва нормаларининг барча учун тенглигини доимо ёдда тутиш лозим;

5. Мақсадга эришишнинг қатор диалоглар ва мультилоглар (кўп қиррали) тизимига боғлиқлиги тамойили.

Юқорида қайд этилган тамойилларга бўйсунган ҳолда ўйинни ташкил этиш мутахассисларни ўқитиш ва улар профессионал сифатларининг такомиллашувига хизмат қилади. Гар бир ижтимоий психологик вазият бир неча марта қайтариб ўйналгани учун ҳам иштирокчиларда бир вақтнинг ўзида ҳам ўйинчи, ҳам кузатувчи бўлиш имкониятлари мавжуд.

## 4.2. Ролли ўйинларни ташкил этиш технологияси

Ролли ўйинлар кенг тарқалган ўйин методларидан бўлиб, улар моҳият жиҳатдан маълум образларга кириш, ўша образга хос бўлган ҳиссиётларни ўз бошидан кечиритишни тақозо этади. Шунинг учун ҳам немис олими ва мутахассиси **Маргарет Форверг** улардаги драматизация

элементининг борлигини, бу - "шахсга ўзида мавжуд бўлган ва ўзгалардаги бегона образларни тузатиш - коррекция қилиш самарасидир", (Введение в марксистскую социальную психологию. 1972) деб ёзган эди. Муаллиф ролли ўйинларнинг уч асосий жиҳатларга ажратган:

- ўйиннинг эмоционал жиҳатдан мукамаллиги;
- унда идентификация ва эмпатия ҳодисаларининг ривожланганлиги;
- бошловчининг алоҳида, ўзига хос мавқега эга эканлиги.

Ролли ўйинларнинг коррекцион ва амалий аҳамияти шундаки, уларда ҳар бир шахс ўз реал фаолиятига яқин бўлган вазиятларга туширилади ва шу орқали унинг установакалари ўзгартирилади. Бунда ўйин иштирокчисининг ўша вазиятни ҳиссий ўз бошидан кечира олиши катта аҳамиятга эга. Ролга киришнинг эса қуйидаги талаблари мавжуд: а) китоб тилида гапирмаслик; б) мулоқотнинг барча кодлари ва сирларидан фойдаланиш; в) овоз хусусиятларига мунтазам эътибор бериш, яъни интонациялар, товушларнинг паст-баландлиги, овознинг эмоционаллиги бу ўринда ролни аниқроқ идрок қилишга имкон беради; г) мимика ва пантомимика элементларини кенг қўллаш; д) ҳар бир ҳолат ва туришни жонлантира олиш; е) вақт ва фазони доимо тушуниб, ҳис қилиб туриш; ж) бошловчининг ролга кирганлар ҳолатларини аниқ тушуниши ва уларга мос баҳо бериб туриши.

Ролли ўйинларда энг аввало иштирокчи шахс сифатида ўзлигини намоён қила бошлайди. Ролли ўйинларнинг ўз-ўзини намоён қилиш ва шу орқали ўз хулқини тузатишга имкон бериши хусусиятига ўз вақтида америкалик олим **Жон Морено** ҳам эътибор берган ва ўзининг психодраматик техникасида унга катта аҳамият берган эди. Техниканинг моҳияти шундан иборат эдики, иштирокчи ички зиддиятларга бой вазиятни ўзига ўхшаш шахслар билан биргаликда ҳис қилиш ва ўйнаш орқали тўлароқ ҳамда аниқроқ англайди. Ролли ўйинларнинг ижтимоий психологик аҳамияти ҳам айнан шу нарсага боғлиқ. Шунинг учун ҳам санъаткорлар, драматик актёрлар ўз маҳоратларини такомиллаштиришда шундай психотаҳлил



усулидан кенг фойдаланадилар, зеро, ўзини англамагунча, ўзга бўлолмайдиган, ва аксинча “ўзга бўлиш санъати” - ўзликни англамоқдир.

Ушбу тамойилларни ҳисобга олган ҳолда Морено кейинчалик “гуруҳий психотерапия”ни ҳам ривожлантирди, унда ҳам индивиднинг гуруҳ ҳаётига кириб бориши, гуруҳ таъсирига берилувчанлик ўз ички ҳолатларини ва ўзгалар руҳий кечинмаларини бевосита ҳис қилиш орқали рўй берилишига алоҳида эътибор қаратган.

Ҳар бир ўйин бир неча дақиқадан тортиб, то 1-2 соатгача давом этиши мумкин ва унда 2 кишидан тортиб, то 10 кишигача иштирок этади. Ўйин жараёни қуйидагича кечади: аввал типик ижтимоий психологик вазият моделлаштирилади: масалан, агар бу мактаб ҳаёти бўлса, ўқитувчилар, ўқув ишларини бошқарувчи ва ҳоказолар персонаж сифатида ҳар бирининг мавқеи аниқланади ва иштирокчиларга муаммо моҳияти тушунтирилади. Барча тренинг аъзолари вазият билан танишиб чиқадилар ва муаммоли вазиятдан чиқишнинг мос, мақсадга мувофиқ йўллари кидирадилар. Бунда эътибор берилиши лозим бўлган асосий нарса - иштирокчиларни соғлом шахсларро муносабатларга ўргатиш. Ўйин бошида бошловчи ҳар бир иштирокчига унинг шахсий истаги ва хусусиятини ҳисобга олган ҳолда аниқ персонажларни бўлиб беради. Кейинчалик роллар алмашилиши мумкин, яъни ҳар бир ролни навбат билан бир неча киши ўйнаб чиқиши мумкин. Масалан, стипендияни одилонга тақсимлаш муаммосини ҳал қилаётган декан роли ёки қарздор, лекин моддий ёрдамга муҳтож талаба роллари бир неча марта ўйналиши мумкин ва охирида ҳамма бир бўлиб, ўтган ҳодисаларни таҳлил қиладилар. Бунда кўпроқ у ёки бу шахснинг ролни қанчалик актёронга ўйнаганлиги эмас, балки ролга муносабат, вазиятдан чиқишда эмоциянинг иштироки ва ролни ҳис қила олганлик санъати таҳлил қилинади.

Ролли ўйинлар орқали катта аудиторияларда тингловчилар олдида нутқ сўзлаш, турли ишлаб чиқариш вазиятлари ёки йиғилишларда низоли вазиятнинг олдини олиш малакаларини ҳам шакллантириш мумкин. Маълум ижтимоий малакани ҳосил қилиш учун тренинг қатнашчиси бир

неча ўйинларда иштирок этиши зарур. Моделлаштирилаётган вазият максимал тарзда реал ҳаётга яқинлаштирилиши, қатнашчиларнинг ёши, профессионал кўникмалари бунда ҳисобга олиниши керак.

Ўйинларни ташкил этишда бошловчининг роли катта бўлиб, у ҳар бир иштирокчининг муаммо “ташқарисида” ёки муаммога четдан туриб баҳо беришга эмас, балки вазиятга “ичкаридан” баҳо бериш, унга ҳиссий киришишга ёрдам бериши лозим. Бунинг учун унинг ўзи ушбу вазиятни тўла билиши, гуруҳда яхши маънавий муҳитнинг бўлиши, ишонч, самимийликка эришиши, ўзидаги барча қобилиятларни ишга солган ҳолда, иштирокчиларга ҳиссий ёрдам бериб туриши шарт. Унинг асосий вазифаси - ҳар бир иштирокчини болаларга хос ҳиссийётлар билан ўйинга берилиб кетишига имконият яратишдир. Бу ўринда ижтимоий психологияда фарқ қилинадиган уч асосий ролнинг ўрни ҳақида тўхтаб ўтишимиз керак.

Ижтимоий ҳаётдаги ижтимоий психологик роллар асосан қуйидагилардир:

“Катта” роли - у доимо йўл кўрсатувчи, ақл соҳиби, у адашмайди, чунки унинг ҳаётдаги мақсадлари аниқ ва равшан, унинг таклиф ва фикрлари одатда бошқалар томонидан эътирозсиз қабул қилинади. Бу роль хусусида шуни яна айтиш мумкинки, ҳаётдаги “катта” ёшга эмас, кўпроқ шахсий тажрибага, ҳаётга индивидуал муносабатга боғлиқ. Шунинг учун баъзан кичик ёшли бола ҳам ўзини “катта”дай ҳис қилиши мумкин, бундайларни ҳаётдаги лақаби - “ёш қари” ёки “кекса қари” бўлиб, уларда ўз-ўзига баҳо ҳамиша юқори ва турмуш икир-чикирларига бефарқ бўлмайди.

“Ота-она” роли - ҳам мавқе ва ижтимоий моҳият нуқтаи назаридан каттага ўхшайди, лекин унда кўпроқ насиҳатгўйлик сифатлари меҳрибонлик, доимий ғамхўрлик қилиш фазилатлари билан уйғунлашади. Бу ролни ижро этиш учун никоҳга кириш ёки никоҳ ёшида бўлиш шарт эмас, у одамнинг дунёқараши, шахс сифати ва фазилатларига кўпроқ боғлиқ.

Учинчиси - “кичик” роли. Бу роль ҳаётда кўпроқ учрайди ва унинг моҳияти шундаки, одам доимо ўзгалар

панд-насихати ва кўрсатмаларига муҳтож бўлади, уни доимо бошқариш ва етаклаш керак. Билим савияси ёки ёшидан қатъи назар, “кичик” - доимо ўзгалар ҳаракатларига тақлид қилиш, тез, асоссиз хулосалар чиқариш, мантиқсизликка ҳам йўл қўйиш иллатларига эга. Кўпчиликка кичик ролда бўлиш қулай, чунки у ўз ҳаракатлари ва гапирган гапи учун масъулият ҳис қилмайди, бошқалардан андоза олишга ўрганган.

Юқоридаги роллар моҳиятини назарий жиҳатдан бир-биридан фарқ қилиб, англаб олган тренинг қатнашчилари уларни турли вариантларда қўллашлари мумкин. Масалан, шундай ўйин вазиятини олайлик: эр ва хотин биров ишлаб топган жамғармаларини қай йўсинда оқилона сарфлаш устида бош қотирмоқда. Юқоридаги уч рол нуқтаи назаридан келиб чиқадиган бўлсак, бу ролларнинг олти ва ундан ортиқ вариантларини тренинг қилиш мумкин. Масалан, эр навбат билан ё “катта”, ё “ота-она” ёки “кичик” бўлиб, пулни ишлатиш хусусида турлича фикр-мулоҳаза юритади, хотин ҳам турли ижтимоий ролдан келиб чиқиб, муносабат билдириши мумкин. Бир вазият: хотин оила лидери, унинг роли “катта” : “Аслида, адаси, Сизнинг айтганингиз маъқул-ку, лекин мен бир нарса айтмай. Шу пулларнинг оилага умуман наф келтирадиган, яхши нарсага сарфласак-да, биздан кейин болаларга ҳам қолса. Мен яхшилаб ўйладим - бу пулларга ..... олган маъқул...”. Иккинчи вазият: хотин “кичик” ролида - “вой, мен қаердан билай, бу пулларни нимага сарфлашни, ўзингиз нима қилсангиз, қилаверинг, доим ўзингиз билиб иш қилардингиз-ку..!?”. Учинчи вазият: хотин “ота-она” ролида - “Мен сизга ишонаманки, тўпланган пулларни ўзингиз, фарзандлар учун ишлатарсиз, фақат беҳуда сарф-харажат бўлмаса бўлгани. Менга қолса, албатта, уй-рўзғордаги камчиликларга ишлатган бўлар эдим, сизга ҳам шуни маслаҳат бераман...”. Шунга ўхшаш эркак кишининг мавқеи ҳам юқоридаги роллар нуқтаи назаридан ҳар хил бўлиши мумкин. Бошловчи ҳар бир иштирокчининг ролни ҳис қилишига қараб, уни ана шундай тоифаларга бўлиши ва чиқмаган ролни яхшироқ ўйнашга чорлаши ҳам эҳтимол. Иловада ана шундай роллардан намуналар келтирилган.

Ролли ўйинларни ташкил этишда бир қатор қийинчиликлар мавжуд бўлиб, улардан энг муҳими - ўйин вазиятининг катталар томонидан нотўғри идрок қилиниши, унга расмий тус берилиши ва катталарнинг “болалар” образларига кира олмасликларидир. Ушбу барьерни (тўсиқларни) олиб ташлашда етакчининг ўрни муҳим бўлиб, бир томондан, ролли ўйиннинг предмети бўлмиш ижтимоий психологик вазиятни танлай олгани, иккинчи томондан, иштирокчилар олдига муаммонинг қўйилиши ва ҳар бирининг уни ҳис қилишга кўмак бериши катта аҳамиятга эга.

Ижтимоий психологик вазият ўз ичига қуйидагиларни олади: ўйиннинг сюжети, қўйилган ижтимоий психологик муаммо, берилган шахслараро муносабатларнинг характери. Демак, танланган вазият икки асосий талабга жавоб бериши керак: а) унинг мазмуни ва муаммонинг характери реал борлиққа, ҳаётдаги вазиятларга тўғри келиши; б) унинг иштирокчилар учун аҳамиятли бўлиши. Агар шу жиҳатларга бошидан эътибор берилмаса, иштирокчиларда тренинг ҳақида нотўғри тасаввур шаклланади, унинг мақсади тескари талқин этилади ва самара кутилгандай бўлмайди. Шунинг учун иштирокчиларни ўйин вазиятига тўғри йўналтириш, уларнинг ҳар бирида тўғри мотивация ва қизиқишни ҳосил қилиш бошловчидан ҳам тажриба, ҳам психологик малака талаб қилади. Ана шу жиҳатлар, ўйин мазмунининг қатнашувчиларнинг хотирасида узоқ муддатда сақланишига ва фаол установкаларга айланишига сабаб бўлади.

### **4.3. Ролли ўйинлар жараёни ва унинг шакллари**

*Ролли ўйинлар жараёни.* Бу жараён баъзан психологик амалиётда психодраматик сеанс деб ҳам аталиб, унинг асосчиларидан бири юқорида таъкидланганидек, Ж. Моренодир. Ўйин жараёнидаги асосий шахслардан бири - бошловчидан кейин ижтимоий психологик вазиятнинг марказида турган шахсдир, уни илмий адабиётларда **протогонист** деб аташади. Унинг ижтимоий психологик вазиятдаги муаммо ҳамда зиддиятларни ҳал қилишдаги роли каттадир, чунки у айнан воқеаларнинг марказида

туради. Унга ўз ролининг барча жиҳатларини ҳар томонлама намоён қилиш ҳуқуқи берилади, бошқа роллар эса унинг табиатидан ва хусусиятларидан келиб чиқади. Яъни протоголист асосий муаммони элтувчи ва бошқаларни ўзига эргаштирувчидир. Роллар ўйнаб бўлинганидан сўнг унинг муҳокамаси бошланади, унда барча гуруҳ аъзолари иштирок этадилар ва уларнинг ҳар бири ўзини протоголистнинг ўрнига қўйиб кўришга ҳаракат қилиши керак. Психодрамада одам ўзини турли ролларга кира олишини синаб кўради, яъни бунда интерперсонал тажрибанинг ошишига ҳамда ҳар бир шахснинг ўзидаги ва бошқалардаги установка ва муносабатларнинг ҳис қилинишига имконият туғилади, масалан, эркак киши аёлни идентификация қилиши, ёш одам қарини, бола - каттани, ва аксинча, роллар эгилувчанлиги ҳис этилади.

Классик психодрамада, айниқса, “режиссёр” ролидаги бошқарувчи шахсининг роли катта. У ҳам ўйинни “сахнага қўювчи”, ҳам терапевт, ҳам психоаналитик ролини ўйнайди. Бутун ўйин давомида у ўйиннинг катализатори, ҳар бир ҳаракатнинг мувофиқлаштирувчиси, ролларни аниқ персоналлар шаклида иштирокчиларга бўлиб берувчидир. У ўзининг бошқарувчилик ролини адо эта бориб, одамларни ижтимоий вазиятни ҳис қилиш ва ундан чиқиш чоралари юзасидан тералевтик кўрсатмалар бериб боради. Ҳар бир сеансда ролларни алмаштирувчи ва протоголистни тайинловчи ҳам у ҳисобланади.

Ролли ўйинлардан кутилган самаранинг ижобий бўлишини таъминловчи бир қанча усуллар мавжуд. Масалан, улардан бири “ролллар алмашинуви”, деб аталиб, сеанс мобайнида протоголистлар ва бошқа роль иштирокчиларининг ўринлари алмаштирилиб турилади. Масалан, биринчи кўринишда фаол протоголист бўлиб ўйнаган шахс, бошқа кўринишда қўшимча персонаж ролини ўйнаши, бир ҳолатда ўқитувчи ролидаги одам, кейин эса ўқувчи ёки ота-она бўлиши мумкин. Демак, ўша вазиятдаги ҳар бир персонаж ички дунёсига кириш - тўла маънода ўша вазиятни ҳис қилишига ва унга мослашишига ёрдам беради. Яна бир усул “ўхшаш чехралар”, деб аталиб, унинг моҳияти шундаки, ўйиннинг янада таъсирчан ва

самарали бўлиши учун икки кишига олдиндан айнан бир хил рол берилади, биринчи босқичларда уларнинг ҳар бири айнан бир хил ҳаракатлар билан ролга навбатманавбат кирадилар, фақат маълум босқичдагина уларга “ўз” ҳаракатлари йўналишини ишлаб чиқиш ва керак бўлса, уларга ўзгартиришлар киритиши мумкин. Яна бир усул шуки, у “монолог” деб аталиб, бир шахсга маъқул даражада ўз ҳиссий-кечинмаларини тўлиқ баён этишга имконият берилади. Яъни вазият, муаммо ва сценарий бошловчи томонидан берилади, фақат рол ўйновчи уни ўзича ҳиссий кечинмаларга бойитиши ва шу орқали ҳар бир индивид руҳий дунёсининг бойлигини ва ўзига хослигини намоён қилиши мумкин. Бундан ташқари, ҳар бир ролли ўйин вазиятига мос ҳолда уни ташкил этишининг ўзига хос шакллари ҳам бўлиши мумкинки, бу ҳам ўйин методларининг имкониятларини янада кенгайтиради. Масалан, “Сехрли магазин” ўйини шундайки, унга кўра, ўйин иштирокчилари турли характер хусусиятларини ифодаловчи ролларни имитация қиладилар, масалан, бири - “ақл”, иккинчиси - “ирода”, учинчиси - “иффат” ва ҳоказо. Протогонист “сехрли дўконга” кириб ўзида етишмайдиган қадрият, яъни сифатни ўзида бор бўлган, унга “қадрсизроқ” сифатга алмаштириб кетиши мумкин. Ўзини ўзи таҳлил қилиб тарбиялаш дастурини ишлаб чиқишда бу ўйиннинг аҳамияти катта.

Шунга ўхшаш “нотаниш одам билан танишиш”, “келажакни тасаввур қилиш”, “ойнадаги акс” каби ўйинлар ҳам шахснинг ўзини ўзи руҳий таҳлил қилиш ва ўз хулқатворини тузатишда катта аҳамиятга эгадир. Бу ўйинлар ўз олдига қўйган мақсад ва мазмунига кўра турлича бўлиши ва аниқ мақсадларга хизмат қилиши лозим.

Вазиятли тренингнинг ҳаётдаги таъсирчан мисоли сифатида АҚШ мактабларидан бирида ўтказилган экспериментни келтириш мумкин. Ўша мактабда болалар ўртасида кенг тарқалган этник зиддиятларнинг олдини олиш учун қуйидаги иш амалга оширилган. Ўқитувчи синф ўқувчиларини “кўк кўзлилар” ва “қора кўзлилар” тоифасига ажратган, “кўк кўзли” болаларни маълум вақт мобайнида тинимсиз қўллаб-қувватлаб, бошқаларни камситаверган.

Вақт ўтгач, унинг аксини қилган, яъни энди “қора кўзликлар” ҳар қандай қилмишлари учун фақат мақтов олишган. Шу эксперимент давомида ҳар бир гуруҳ вакили “эъозланган”лар, “камситилганлар”нинг аҳволи қандай бўлишини ўз бошидан кечиргани учун ҳам бир-бирларига нисбатан муносабатларда кўз ранги ёки қайси ижтимоий тоифага тааллуқлилики омили руҳий муносабатларга таъсир қилмаслиги ҳақида хулоса чиқаришга ўрганганлар. Бу эксперимент “классик социодрама” ҳам деб аталади. Шунга яқин “педагогик психодрама” ҳам борки, унинг ёрдамида тарбияси оғир ҳисобланган болаларни тарбиялашда фойдаланилади. Бу услубларнинг барчаси ўз моҳияти жиҳатидан ўйиндир, лекин улар кўпинча ҳаётий вазиятлар доирасида махсус шароитларда ўтказилса, ҳулқ-атворнинг тузатилишига эришилади.

Америкалик олим Э. Берннинг трансакт таҳлиллар методи ҳам шунга яқин, фақат унда одамларни ҳар бир ижтимоий вазиятлардаги самарасиз (ножўя, беҳуда) ҳаракатлари таҳлил қилинади ва ўйин воситасида иштирокчилар тўғри ҳаракатларга ўргатилади.

Шундай қилиб, ўйин методларини қўллаш соҳалари ниҳоятда кўп, улар доимо инсонни ҳаётида тўғри мавқега эга бўлишга, ўзи истаган, орзу қилган ҳаётий вазиятларни ўзи яратишга ўргатади ва ундайди. Ўйиннинг ҳар қандай шаклини ташкил қилишда ва уни самарали ўтказишда, табиийки, тренерга ижтимоий психологик билимдонлик, ҳаётий тажриба, мулоқот санъати ва сабр-тоқат керак. Шунинг учун ҳам ўйинни ўрганиш ва ўзи билган нарсаларни бировларга ўргатиш малакасига эга бўлган шахсларга уни тўғри ташкил қилиши ва психокоррекцион мақсадларга эришиши мумкин.

## **V БОБ. ПЕРЦЕПТИВ ТРЕНИНГ ВА УНИНГ ИЖТИМОЙ ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

### **5.1. Перцептив тренингнинг шахс учун аҳамияти**

Юқорида таъкидланганидек, перцептив тренинг ҳам ижтимоий психологик тренингнинг бир шакли бўлиб, у ҳам энг аввало шахсни ўз-ўзини тўғри англаш ва тушуниш орқали бошқаларни тўғрироқ баҳолашга ва улар билан мос муносабатлар ўрнатишга ўргатади. Ушбу тренинг турининг асл моҳияти шундан иборатки, унда иштирок этувчи шахс аввало ўзидаги айрим ҳиссиётларни уйғотиш орқали ўз қилмишларини ҳолисона баҳолаш ва шу орқали ўзгалар ички оламида рўй берадиган ҳиссий-кечинмаларни англаш имкониятига эга бўлади, натижада ўз-ўзини мукаммаллаштириш дастурини ишлаб чиқади. Перцептив тренинг жараёнида иштирок этувчилар ўзлари ўзгалар кўз ўнгида қандай баҳоланишларини, ўзгалар мавқеида туриб, ўзларига тўғри баҳо бериш (рефлексия) ва ўз хулқига ўзгалардан бериладиган муносабатни ҳис қилишга муваффақ бўладилар.

Илмий адабиётларда перцептив тренинг баъзан **сензитив тренинг** ҳам деб аталади. Зеро, “сензитив” сўзининг маъноси сезгирликдир. Яъни сензитив тренинг машғулотларида одамнинг шахслараро муносабатларда намоён бўладиган ҳиссиётларга сезгирлиги ошади, уларни одилон ва оқилон баҳолаш қобилиятлари ортади.

Бу усул асримизнинг 50-йилларида юзага келган бўлиб, у асосан педагоглар, режиссёрлар, психотерапевтлар, психологлар томонидан турли меҳнат жамоалари раҳбарларини ўқитиш ва улардаги коммуникатив қобилиятларни ўстиришда қўлланилган. Машғулотларда иштирокчилар “ўзгалар оёқ кийимида юриш” вазиятига солиниб, шу орқали уларда бировлар билан мулоқотга киришганда эҳтиёт бўлиш ҳисси ва эмпатия тарбияланган. Усулнинг муҳим хусусияти шундаки, Т-гуруҳни ташкил этишда ва шахсий фаолиятни йўналтиришда қатнашчиларга максимал даражада эркинлик берилади. Бунда



ишлатиладиган энг ўзига хослик шуки, ўйин иштирокчиларига олдиндан нима бўлиши ҳақида деярли ҳеч қандай маълумот берилмайди. Ўйин қатнашчилари гўёки коммуникатив вакуум ҳолатига туширилади ва бунда уларнинг ўзлари мулоқот фаолиятини ташкил этишларига тўғри келади. Шунинг учун ҳам бу жараённинг самарасига “синашлар” ва “хатоликлар” воситасида зришилади.

Шундай қилиб, перцептив тренингда иштирокчилар фаолиятида ақлий (интеллектуал) жараёнлардан кўра ҳиссиётлар, эмоциялар муҳим роль ўйнайди.

## **5.2. Перцептив ва сензитив тренингларни ташкил этиш шартлари**

Машғулотлар бошланишидан аввал иштирокчиларга лидерлик, мотивация, шахслараро мулоқот, гуруҳий жараёнлар, шахс типлари ҳақида маърузалар ўқилади, амалий машғулотлар олдиндан ҳар бир иштирокчига ёзма матнлар бериб чиқилади, уларда ҳам маърузаларда кўтарилган муаммоларга оид амалий хулосалар ва тавсиялар мавжуд бўлади. Буларнинг барчаси аслида умумий “фон” ролини ўйнайди ва қатнашчиларни ўйинга руҳий жиҳатдан тайёрлайди. Чунки ўйин даврида кўп нарсалар яна ўзгариб бориши мумкин.

Тренинг машғулотларида ўртача 6-15 киши қатнашади ва улар 2 суткадан тортиб то 4 ҳафтагача давом этиши мумкин. Гуруҳда турли ёш ва касб вакиллари бўлиши мумкин, имкони борича уларни шундай танлаш керакки, натижада улар бир-бирларини танимасликлари керак. Одатда перцептив тренинг машғулотлари биров ғайритабиий шароитларда, яъни кундалик иш шароитларида, масалан, махсус тренировка марказларида, меҳмонхоналарда, шаҳар ташқарисида, сайлгоҳларда ўтказилади. Лекин охириги йилларда кўп жойларда ташкил қилинаётган ана шундай тренингларда касби бир ёки бир-бирига яқин кишилар гуруҳида ҳам ўтказилмоқда ва у ижобий натижа берапти. Одатда машғулотлар “сессиялар”, деб аталади ва уларга ижтимоий психолог ёки амалиётчи психолог раҳбарлик қилади, лекин унинг роли ўзига хос хусусиятга эга бўлади. Яъни у маърузалар ўқишдан ташқар

ри, ўзаро мулоқотлар жараёнида “катализатор” сифатида гуруҳий жараёнларни фаоллаштиришга бевосита аралашishi ва мулоқотга табиий иштирокчи сифатида қўшилиб туриши мумкин. Тренингнинг асосий талабларидан бири шуки, унда кундалик ҳаётда одатланиб қолинган мулоқот тизимлари, шахснинг ҳаётдаги мавқеи ёки обрўсига эътибор беришлар мавжуд бўлмайди. Чунки иштирокчилар эркин мулоқот жараёнида ўзларини бошқалар томонидан қандай идрок қилинаётганликларини англашлари ва шу орқали ўзларини идрок қилишга муяссар бўлишлари керак ва бу нарса кўпинча ўйиндан кейинги мунозараларда кўриб чиқилади.

Перцептив тренингнинг уч асосий босқичи мавжуд:

1. Киришиш босқичи. Бунда гуруҳ аъзолари ўртасида ўзаро илиқ муносабатлар ўрнатилиши, уларда эски установакалар ва қарашлардан қутулиш имконияти мавжуд бўлиши лозим. Шунинг учун бўлса керак, бу босқич “музнинг эриши” ҳам деб аталади.

2. Ўзгариш босқичи. Бунда янгича сифатлар ва муносабатлар шаклланиши бошланади ва гуруҳ аъзолари бир-бирлари билан яхши муносабатлар ўрнатганлари сабабли бир-бирларидан тортинмайдиган бўладилар.

3. Мустаҳкамланиш босқичи, образли айтилса, бу босқич “музнинг яна қайтадан қотиши” ҳам дейилади. Бунда гуруҳ тан олган ва маъқуллаган, шахс учун манфатли сифатлар мустаҳкамланади ва янгича муносабатлар тизими шаклланади. Ҳосил бўлган тизим узоқ муддатли хотирада сақланади.

Перцептив тренингнинг иштирокчилари барча босқичлардан ўтишлари шарт ва уларда қайси босқичнинг қай даражада узоқ кечиши гуруҳ аъзоларининг шахсий хоҳишлари, ҳаётий тажрибалари ва истакларига боғлиқ. Масалан, кўпинча биринчи босқич қисқа муддатда рўй беради ва аъзолар мунозаралар ёки ўйинлар воситасида турли вазиятларга ўзларини қўйиш орқали янги қарашларни шакллантиришга кўп вақт сарф қиладилар. Перцептив тренинг ўйинларидан бири - “Кўр-кўрона ишонч” /“слепое доверие”/ деб аталиб, унга кўра, иштирокчилар икки гуруҳга бўлинадилар. Биринчи гуруҳ аъзо-

ларининг кўзлари боғланади ва уларни биттама-битта иккинчи гуруҳ аъзолари етаклаб, йўл кўрсатиб борадилар. Ҳар 10 минутгача давом этади ва бу даврда иштирокчилар гаплашмайдилар. 10 минутдан сўнг роллар алмашинади, энди бошловчи “кўзи ожиз” ролида бўлади. Одатда биринчи босқичда кўзи боғланган ўз бошидан оғир қисматни кечиргани учун ҳам шеригини етаклашда кўпроқ эҳтиёткор бўлиб, қийнамай етаклай бошлайди. Кечирилган ҳиссиётлар ўйин тугагач, кенг муҳокама қилинади. Бу ўйиннинг ижтимоий моҳияти шундаки, у орқали бошлиқ ва бўйсунувчи, ночор ва бахтли одамлар тоифаларининг руҳий кечинмалари таҳлил қилинади ҳамда ҳаётда тушкунлик ёки тажрибасизлик туфайли ночор инсонларга қандай муомалада бўлиш кераклиги ҳақида хулосалар чиқарилади.

Кўпинча шундай ўйинларда айрим шахслар сира гуруҳга қўшила олмайдилар, бу ҳам уларнинг жамиятдаги мавқелари ва одамларга муносабатларини яққол намоён қилади. Масалан, ана шундай ўйинларнинг бирида бир раҳбар ходим “Мен ҳеч кимга қўшила олмаяпман, мени гуруҳ қабул қилмаяпти-ку?” - деб эътироз этган. Шунда гуруҳ аъзолари: “Тўғри, Сиз ўзингизни гуёки орамиздаги айғоқчидай тутаяпсиз, ўзингизни катта олмай, ҳамма қатори тутинг” - деб унга танбеҳ беришган. Демак, ўша бошлиқ ишда ҳам янги ходимлар ёки янги шахслар билан тез “тил топишиб” кета олмайди, унда “субординация” касали бор. Ўйин мобайнида ўша шахсдаги ана шу иллат тuzатилган.

Демак, сензитив ёки перцептив тренинг жараёнида гуруҳ аъзолари ўртасида доимий “тескари алоқанинг” бўлиши катта аҳамиятга эга. Чунки иштирокчилар доимо турли вазиятларда ўзининг ва ўзгаларнинг хулқ-атворини кузатиши қонуниятига эга бўлади ва бунда шахснинг ўзига хос сифатлари тарбияланади.

Умуман, сензитив тренингнинг ижтимоий аҳамияти шундаки, у, биринчидан, ўз-ўзини ва ўзгаларни тушуниш жараёнини тезлаштиради ва бунда шахслараро идрок стереотиплари таҳлил қилинади; иккинчидан, гуруҳий жараёнларнинг ўзига хос қирраларини ҳис қилиш, одат-

даги кундалик мулоқотда воз кечиш мушкул бўлган “эго-ҳимоя” шаблонларидан қутулиш имкониятини беради; учинчидан, бировларнинг дард-ҳасратларини ҳис қилиш, ўзларини эшитиш қобилиятини ўстиради; тўртинчидан, турли вазиятларда тўғри ва аниқ саволлар бериш, зарур бўлса, уларга ўзи ҳам жавоб бериш малакалари ҳосил бўлади; бешинчидан, ўзгаларни ва ўзини танқид қилиш, мулоқотнинг вербал ва новербал усулларида самарали фойдаланиш ва уларни ўзлаштириш содир бўлади.

Бу усулни назарий ва амалий жиҳатдан ўрганиб чиққан АҚШ олими Г. Смит унинг қуйидаги турларини фарқлаган эди:

1. Кузатувчанликка асосланган сензитивлик. Бунда асосий нарса, шахснинг кузатувчанлик қобилиятига асосланган ҳолда нафақат ўзининг, балки бошқаларнинг ҳам ҳар бир ҳаракати, нутқи, тана ҳаракатлари, мимикалари ва бошқа жиҳатларини ташқи томондан бевосита идрок қилиш ва кузатув тажрибасига таянган ҳолда ўз ҳаракатларини тузатиш имкониятини берувчи фазилатларга эга бўлишдир. Яъни инсондаги бу сифатлар - кузатувчанлик қобилияти шундай фаол жараёнки, унда фақат кўриш органлари орқали қайд қилинган ташқи объектларгина инobatга олинмай, балки бунда шахс кўришни хоҳлаган жиҳатлар ҳам онгда қайд этилади. Масалан, ўзи ёқтирган одамда бевосита қайд этилмаган сифатлар ҳам эътироф этилиши мумкин. Айниқса, ўз-ўзини кузатишга асосланган интроспектив усул ҳам бунда катта рол ўйнайди.

2. Назарий сензитивлик. Бу - шахснинг ўзидаги ғоялар, назарий қарашларни ўзгаларнинг ҳиссиётлари, фикрлари ва ҳаракатларини шарҳлаш ва баҳолаш учун ишлатиш қобилиятидир. Масалан, шахс типлари ҳақидаги назарий билимлар бизга ўзгаларни осонроқ билишга ёрдам беради.

3. Номотетик сензитивлик. Атаманинг маъноси грекча “қонуний ўрнатилган” сўзидан келиб чиқади, яъни у ёки бу шахснинг ўзини ва ўзгаларни билиш ва уларнинг хулқига баҳо бериш учун ўша шахс мансуб бўлган ижтимоий гуруҳ вакилининг типик фазилатларидан фойдаланиш, унга хос бўлган образ ҳамда тушунчаларни ишлатиш

қобилияти - номотетик сензитивликдир. Демак, бунда шахс ўзини ва ўзгаларни аниқроқ баҳолаш учун ўша ижтимоий гуруҳ вакилининг “умумлаштирилган образидан” фойдаланади.

4. Идиографик сензитивлик - “ўзига хос” сўзидан олинган бўлиб, номотетикдан фарқли ўлароқ, у ҳар бир шахсни ўзига хос идрок қилиш ва шундай имкониятдан фойдаланиш қобилиятидир. Бу қобилият “қайтарилмас, ўзига хос шахс” тушунчаларидан келиб чиқади.

Сензитивликнинг барча юқорида келтирилган турлари, табиийки, алоҳида-алоҳида қўлланмайди, амалиётда эса ўйинларни ташкил этишда уларнинг барчасидан оқилона фойдаланишгина самара беради. Шунинг учун ҳам улар ҳақидаги билимларга эга бўлиш, биринчи навбатда, бошловчи психологлар учун зарурдир.

Шундай қилиб, агар маърузалар тинглаш жараёнида шахс бошқаларнинг умуман олганда ўзларини қандай тутишлари ҳақида тасаввурга эга бўлса, Т-гуруҳларда уюштирилаётган машғулотларда у ўзининг жамиятда туганган ўрнини англаш, бошқалар томонидан қандай идрок қилинаётганлигини ҳис қилиш, ўзгаларнинг унга таъсири қандай бўлаётганлигини сезиш имкониятига эга бўлади ва шу орқали бошқаларга нисбатан муносабат тизимини мукамаллаштиради. Синектика бу ўринда инсон тасаввурларини янада ривожлантириш усули сифатида турли мутахассислар тўпланган шароитда бирор ижодий муаммони ечишда шахс қарашларини қайта таҳлил қилиш усули сифатида қўшимча ёрдам беради. Масалан, бу ўринда “Робинзон” ўйининг ўзига хос вариантини таклиф қилиш мумкин. Айтайлик, гуруҳ инсонсиз оролга тушиб қолган, мақсад, катта қайиқ яшаш ва оролни тарк этиш. Гуруҳ аъзолари барча йўллар ҳақида фикрлашиб, ва ниҳоят, 12 ой ичида шу оролдан чиқиб кетиш дастурини ишлаб чиқадилар. Фикрлар, таклифлар бажарувчилар ҳақидаги фантастик образлар ва яхлит тизим гуруҳда кўплаб шахслараро муаммоларни йўл - йўлакай ҳал қилишни талаб қилади, натижада одамлар бир-бирларини янада яқиндан билиб оладилар.

## **VI БОБ. ИЖТИМОЙ ПСИХОЛОГИК ТРЕНИНГНИ ТАШКИЛ ЭТУВЧИ ШАХС БИЛИМДОНЛИГИНИ ОШИРИШ МУАММОСИ**

### **6.1. Ижтимоий психологик тренингни ташкил этувчиларни тайёрлаш муаммоси**

Ижтимоий психологик тренинг инсонлар ўртасидаги соғлом муносабатларнинг бўлишига зоришни мақсад қилиб қўяр экан, уни ўтказувчи, уюштирувчи шахс ва унинг ўз ишини мукамал билиши фаолият самарасини таъминловчи асосий омиллардан биридир. Тренинг ўтказувчига қўйиладиган асосий шартлардан ва талаблардан бири шуки, у мулоқот жараёнининг барча қирраларини профессионал даражада мукамал эгаллаган бўлиши керак. У ҳам бўлса - назарий билимларни бевожута амалиётда, тренинг жараёнида қўллай олишидир. Уларни одатда тренерлар, инструкторлар, бошловчилар, деб аташади. Демак, тренинглар уюштирувчи муассаса ёки ташкилотда энг аввало эътибор берилиши зарур бўлган нарса ҳам шуки, у ерда ижтимоий психологик тренингни олиб борувчиларни ўқитиш, тайёрлаш, улардан мутахассис етиштиришдир. Тренер шахсига қўйиладиган талаблар қуйидагилар: 1) у аввало ўзгалар шахсига хос бўлган психологик хусусиятларни жуда яхши билиши ва бунда инглизлар айтганидек, “Ўзгалар психологиясини билиш - улар устидан ҳукмронликнинг бир шаклидир”, деган нақлни эсдан чиқармасликдир; лекин бунда педагогик альтруизм, яъни ўзгалар манфаатини ўзиникидан устун қўйиш хислати мавжуд бўлиши керак; 2) ўзининг шахсий фазилатлари ва психологиясини мукамал билиши ва уни бошқара олиш қобилиятига эга бўлиши зарур; 3) ҳар қандай чигал ёки зиддиятли вазиятлардан чиқиб кетишгина эмас, балки унинг олдини ола билиш, вазият тўғри келганда эса уни бартараф этиб, иштирокчиларга тўғри маслаҳат бера олиш; 4) эмпатия, яъни ўзгалар ҳолатларини чуқур хис қила олиш қобилиятининг мавжудлиги; 5) ўзгарувчан, мосланувчан ақл соҳиби бўлиш, кутил-

маган ҳолатларга ўзини олдиндан тайёрлаш, ўзини йўқотмаслик; 6) ўз хатти-ҳаракатларини доимо маълум маромда ушлаш ва керак бўлса ўзидаги моторикани ривожлантира олиш; 7) ўзгалар нутқи, реакцияларини аниқ тушуниш ва тинглаш, мимика ва ҳаракатлар моҳиятини тўғри талқин этиш ва тушуниш; 8) тингловчилар ва ўйин иштирокчиларининг эҳтиёжлари ва қизиқишларига қарши бормаслик; 9) режалаштириш қобилиятининг бўлиши, бунда олдинда кутилаётган жараённинг барча муҳим ва номуҳим жиҳатларини олдиндан тахминан бўлса ҳам, тасаввур қилиб, аниқ режа туза олиш; 10) ўзига ишонч, эътиқоднинг мавжудлиги, реал тафаккур ва ироданинг бўлиши .

Бошловчи тренернинг асосий вазифалари ҳам унинг шахсига қўйиладиган талаблардан бевосита келиб чиқади. Яъни, у аввало таълим дастурига эга бўлиши керак. Дастурга мос сценарийлар танлай билиши, уларни керак бўлса, ҳар бир аниқ ҳолат ва вазиятга мослаштириши, машғулотларни ташкил қилишда ҳам ушбу ҳолатларга эътибор қаратиши шарт. Қатнашчиларнинг ёши, жинси, касбий малакалари, маданияти даражаси ва эҳтиёжларига мос равишда дастур ва сценарийларга ўз вақтида тузатишлар киритиш қобилиятига эга бўлиши, машғулотлар шакли, вақти, жойини ҳам юқоридаги омилларга мос равишда танлаши уларнинг самарадорлигига бевосита таъсир кўрсатади. Имконият борича, тингловчиларни машғулотлар бошланишидан аввал мавзу бўйича ёзма матнлар билан таъминлаши ва маърузаларни иложи борича, ўзи ўқиб, амалий машғулотларга ҳам бегоналарни жалб қилмагани маъқул. Чунки бу ерда “нимага ўргатиш” ва “қандай ўргатиш” деган саволларга жавобгар шахс бир киши бўлса, ҳаракатларда уйғунлик бўлиши мумкин.

Ижтимоий психологик тренингда бошловчи ролига дуч келган шахсларни жалб этиб бўлмайди. Чунки машғулотларни ўтказувчи махсус танловларда иштирок этган бўлиши ва унда унинг коммуникатив маҳорати, ўз-ўзини назорат қила олиш қобилияти, босиқлиги, ҳиссиётларнинг муқобиллиги, уларга маълум маънода турғунлик хос бўлиши шарт. Танловни умуман холис экспертлар ўтказиб, тренерларни тайёрлаш курслари ҳам нисбатан узоқ муд-

датга мўлжалланган машғулотлар тизимидан иборат бўлади.

ИПТда самарали мулоқотга зришиш учун қуйидаги омиллар ҳисобга олиниши мақсадга мувофиқ:

а) мақсаднинг аниқ бўлиши, унинг бошловчи ва иштирокчилар томонидан бир хил идрок қилиниши ва тушунилиши. Демак, бу ўринда гуруҳий ва индивидуал мақсадлар ўртасидаги мослик ва келишувнинг мавжуддлигига эътибор қаратилиши шарт;

б) икки томонлама мулоқотнинг мавжудлиги, яъни фикр ва ҳиссий кечинмаларнинг аниқлиги, очиқлиги ва ростгўйлик тамойилларига эътибор бериш;

в) фаол иштирок ва гуруҳдаги лидерликнинг аъзолар ўртасида тенг тақсимланишига зришиш, яъни гуруҳда яққол кўзга ташланган лидер ёки доимо ўз ҳиссий-кечинмаларини ва иродасини бошқаларга ўтказишга ҳаракат қилаётган шахснинг бўлмаслиги;

г) таъсир кўрсатиш ёки руҳий таъйиқнинг иштирокчилар билимлари, қобилиятлари ва малакаларига асосланиши, лекин бунда бошқаларнинг камситилишига йўл қўймаслик;

д) қарор қабул қилиш ва мунозараларни яқунлаш босқичларида вазиятга қараб, бошловчининг ташаббусни ўз қўлига олиш ҳуқуқидан фойдаланиш;

е) баҳс ва тортишувларга доимо тўғри, оқилона, одилона, конструктив тус бера олиш, бу омил иштирокчилар ташаббусларини қўллаб-қувватлайди ва уларда шаклландиган сифатларнинг мустаҳкамланишига замин ҳозирлайди;

ж) гуруҳ фаолиятининг самарадорлиги масаласи ҳам ўша гуруҳ аъзолари томонидан баҳоланиши ўйин ёки мунозарани яна давом эттириш ёки тўхтатиш масаласига ойдинлик киритади, акс ҳолда бошловчи бу масъулиятни ўз бўйнига олса, унда гуруҳ ўз фаолиятидан қониқмай қолиши мумкин.

з) Т-гуруҳ аъзоларининг максимал тарзда ўзини кўрсатиш, ҳаттоки, ўзидаги яшириш эмоцияларни ва янгликларни рўй-рост намоён этишга ундаш лозимки, токи у ҳар қандай шароитда ҳам ўз индивидуаллигини кўрсатиш қобилиятига эга бўлсин.



Шундай қилиб, ижтимоий психологик тренингнинг самарадорлиги бир томондан, иштирокчиларнинг фаол қатнашишлари ва ўзларини эркин ҳис қилишларига боғлиқ бўлса, иккинчи томондан, бу нарса, бошловчи - тренер шахсининг хусусиятларига бевосита боғлиқдир. Шунинг учун ҳам тренер ёш бўлса ва унда ижтимоий психологик тренинг ўтказиш тажрибаси етишмаса, у ўзига хос ва мос аудиторияни топиб ишлаши, бирданига катталар гуруҳида, номаълум кишилар билан ишлашдан ўзининг тийиши керак. Чунки агар у ўз амалий фаолияти бошидаёқ мағлубиятга учраса, кейинчалик у ҳеч қачон тренинг машғулотлари ўтказиш олмаслиги мумкин. Бу унда шахсий тушқунликни келтириб чиқариб, ўзи ёрдамга муҳтож бўлиб қолади. Бошловчи ҳам ўз фаолиятининг амалга оширишида юқорида таъкидланганидек, ИПТнинг турли шаклларида ўзига маъқулроқ туридан бошлаши мумкин. Масалан, ўзидан ёш бўлган болалар гуруҳида турлича осон ўйинлар ташкил қилиш, савол-жавоб гуруҳларини уюштириш, думалоқ стол атрофида турли ҳаётий қазусларни муҳокама қилишга ўргатиши мумкин. Чунки, психодраматик ўйинлар, айниқса, социодрамалар шахсдан юксак касбий сифатларни, инсонлар билан ишлаш тажрибасини талаб қилади. Бошловчидан талаб қилинадиган психологик профессионализмнинг асл моҳияти шундаки, у одамлар кўзига ва хатти-ҳаракатига қараб, уларнинг ният-истакларини, тренингда иштирок этиш қобилиятини тахминан олдиндан чамалай олиши ва ўйин давомида моҳирлик билан улар ҳаракатини зимдан бошқариш қобилиятига эга бўлиши шарт. Шунинг учун махсус ижтимоий психология курсларида таҳсил олмаган, профессионал тайёргарликка эга бўлмаган шахслар тренингни бошқара олмайдилар. Бундан ташқари, бошқарувчи шахслардан фидойилик, ўз манфаатини ўзгаларникидан пастроқ қўйиш, сабр-чидам, тезкорлик, фаҳм-фаросат сифатлари талаб қилинади. Бу сифатлар, маълумки, нафақат назарий тайёргарлик асосида, балки кўпроқ ҳаётий мулоқот ва ижтимоий фаолиятнинг мураккаб турларида фаол иштирок этиш натижасидагина қўлга киритилади.

## 6.2. Ижтимоий психологик фаол услубларни маҳаллий шарт-шароитларда қўллаш ва мутахассислар тайёрлашда улардан фойдаланиш

Маълумки, янгилик доимо айрим қийинчиликлар ва кишилар онгидаги тўсиқлардан ўтиб, ҳаётда ўз аксини топади. Ижтимоий психологик тренингнинг шахс тарбияси, унинг ижтимоий вазиятларга тўғри мослашиши, мулоқот маданияти ва техникасининг ҳосил бўлишидаги аҳамияти чексиз. Лекин бунга ўхшаш технологиялар инсоний муносабатлар соҳасида янги бўлиб, уларни кенг амалиётга жорий этишда халқнинг психологияси, унинг минг йиллар мобайнида шаклланиб, халқ онги ва хотирасида сақланиб, мустаҳкам ўрнашиб кетган анъаналар, расм-русумлар ва одатлар қаторида ўз ўрнини топишига алоқадор маҳаллий ҳамма миллий ўзига хосликни ҳисобга олиш зарур.

Бу ўринда китобхон диққатини икки нарсага қаратиш ўринлидир. Биринчидан, ўзбек халқи ва Ўзбекистонда яшаётган бошқа миллат вакилларида асрлар давомида шаклланиб, сайқал топган муомала маданияти, одоб-ахлоққа алоқадор фазилатлар ва қадриятлар борки, улар дунё цивилизацияси доирасида жуда юқори баҳоланиб келинмоқда. Лекин, ана шу олижаноб инсоний муносабатларда айрим жиҳатлар борки, улар айнан ижтимоий психологик тренингни ташкил қилиш ва ўтказишда ўзига хос хусусиятларни келтириб чиқаради. Масалан, ўзгалар фикрига эргашиш, шахс ёши ва ҳаётини тажрибасини, жамиятдаги обрў-эътиборни ҳар қандай шароитда ҳам ҳисобга олиш, танқид ёки ўзини танқид қилишда юзхотирлик фазилатлари, ўз ҳиссий кечинмаларини ўзгалар олдида очиқ-ойдин изҳор қилмаслик, Европа стандартлари бўйича ижтимоий психологик тренингни ташкил қилиш ва ўтказишга монелик қилиши мумкин. Иккинчидан, халқнинг, айниқса, ёшларнинг янгиликларга интилувчанлиги, янги инновацион технологиялар, хорижий тилларни ўрганишга интилувчанлиги ва бу борадаги ёшлар иқтидорини ҳисобга оладиган бўлсак, уларда жаҳон талаблари даражасида тренингларни фақат ёшлар аудиториясида

ташкил этиш мақсадга мувофиқмикин, деган табиий савол пайдо бўлади.

Бизнинг фикримизча, ҳар қандай вазият ёки омил доирасида ҳам этнопсихологик ва ҳудудий ўзига хосликлар ҳисобга олиниши зарур. Бу ўринда шу нарса ҳеч қандай эътирозсиз қабул қилиниши лозимки, ҳозирги даврда ўқитиш ва таълим-тарбия тизимининг барча жабҳаларида фаол ижтимоий психологик тайёргарлик усулларида фойдаланиш ва фойдаланилганда ҳам унинг энг самарали, миллат психологиясига мос услубларни кенг тарғиб этиш ва амалиётларда жорий этиш лозим. Ўзбекистон Республикасида кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастурни амалга оширишда ҳам узлуксиз таълимнинг барча босқичларида фаол методлардан кенг қўламда фойдаланиш ўзининг самарасини бериши шубҳасиз. Зеро, бугунги кунда билимдонликнинг энг муҳим жиҳатларидан бири ҳам ижтимоий психологик билимдонликдир. Бу нарса, айниқса, катталар фаолиятини тўғри ташкил этиш ва уни ўзгартириш борасида ўз ўрнига эга.

Ижтимоий психологик тренингни ташкил этишнинг ҳудудий ва миллий жиҳатларини ҳисобга олиш деганда нималарни тушунамиз?

Биринчидан, ҳар бир тренингнинг мақсадига ойдинлик киритилаётганда, унинг қайси тоифали кишиларга мўлжалланганлигига қараб таҳлил қилиш. Масалан, айрим психодраматик ўйинларда катталар ва кичиклар, эркаклар ва аёллар, ҳаттоки, турли касб эгалари ва насаб вакиллари аралаш иштирок этилаверган. Лекин бизнинг шароитимизда агар катта ёшлар билан ёшларни, мансабдорлар билан оддий фуқароларни, эркаклар билан аёлларни қўшиб тренинг ўтказиш режалаштирилса, у ўзининг яхши самарасини бермаслиги мумкин. Бизнинг тажрибалардан шу нарса аён бўлдики, тренингни бошлашдаги кириш қисмида иштирокчилар ўртасидаги психоземotional тангликнинг олдини олиш учун эркин мулоқот ёки хушомадлар қилиш машқлари ҳам аралаш жинсли аудиторияларда жуда қийинчилик билан кечди. Ёки бошлиқ билан ходим бирга бўлган ҳолларда, ташаббус негадир доимо бошлиқ қўлида қолаверади. Одатда

роллар алмашинуви мавжуд бўлиб, улар сунъий равишда ўзгартирилганда ҳам, улар хулқида тортинчоқлик, кўнглидаги бор гапларни айта олмасликларни учратиш мумкин. Шунинг учун қисқа вақт оралигида ўтказилган тренингларда гуруҳ аъзоларини ўзига мос тоифаларга қўшиш жонлироқ мулоқотларга сабаб бўлди.

Иккинчидан, тренингда иштирокчиларнинг яшаш шарт-шароитлари, яшаш ҳудуди ҳам ҳисобга олинishi зарур. Масалан, шаҳар ва қишлоқ, ишчилар шаҳарчаси вакили билан деҳқонлар ўртасидаги мулоқотлардан тез самара олиш ҳам осон эмас. Ҳаттоки, бундай тоифали инсонлар "тилига" ҳос жиҳатлар ҳам мавжудки, улар мулоқот пайтида қийинчиликлар ва руҳий англашилмовчиликларни келтириб чиқарди.

Учинчидан, ўйин усулларини Т-гуруҳларда қўллашда ҳам кутилган натижага эришиш учун миллий қадриятлар, миллий таъб ва дид ҳисобга олинishi керак. Катталар гуруҳида ўйинни ташкил этиш учун гуруҳ иштирокчиларини кўпроқ психозмоционал кўникишларига имкон яратиш, бир-бирларини янада яхши таниб олишларига шароитлар яратиш зарур. Чунки бизнинг халқимизда бегоналар олдида ўз ҳиссиётларини яшириш, тортинчоқлик, истиҳола қилиш сифатлари борки, шу сабабли одам сунъий ўйин шароитига кўникиш учун маълум вақт талаб қилинади. Бундан ташқари, ўтказилган кузатишлардан шу нарса маълум бўлдики, бир сеансда ўйнаган ролга тақлид қилиб, уни қайтариш ҳоллари ҳам миллий психологияда шахсан маъқул бўлган хулқ шаклига тақлид қилиш ва таъсирланишдан келиб чиқади. Шунинг учун бу ҳолатнинг олдини олиш учун ўйинчиларга олдиндан турли вариантли хулқ-атвор шакллари ҳақидаги сценарийлар билан таништирилгани маъқул, акс ҳолда, кутилганидек, кўп вариантли ҳаракатлар модели вужудга келмайди.

Тўртинчидан, азалдан ўзбек оиласи ва маҳаллалар фаолиятида устувор бўлган жиҳат шуки, аёллар ва эркаклар алоҳида эталонлар билан тарбияланган ва кўп ҳолларда улар фаолияти алоҳида-алоҳида ташкил этилган. Шунинг таъсирида бўлса керак, Т-гуруҳларда жинслараро аралашув рўй берганда, эркин фикрлаш ёки ҳа-

ракатлар ўз-ўзидан чеклана бошлайди. Шунинг учун мунозара, баҳс ёки ролли ўйинлар ташкил этишда ҳам жинсий ўзига хосликлар инobatга олиниши ёки ўйинчиларни максимал тарзда фаоллик кўрсатишлари мақсадида гуруҳлараро жинсий бўлинишларни ҳам ҳисобга олиш даркор. Экспериментал кузатишлар шуни кўрсатдики, масалан, қизлар гуруҳи алоҳида ўйин шароитига қўйилганда, бемалол, эмоционал жиҳатдан бой тренинглар кўрсатдилар, унда улар ҳам эркак, ҳам аёл, ҳам катта, ҳам кичик ролларига бемалол кира олдилар. Йигитларнинг соф гуруҳида ҳам иккала ролни уддалаш холлари кузатилди. Лекин аралаш гуруҳлар шароитида бундай самарага эришиш учун кўпроқ вақт, психологик маҳорат ва қайтаришлар талаб қилинди.

Бешинчидан, маҳаллий шароитда шахснинг эркин ўз фикрини охиригача баён этишга ўргатиш маълум қийинчиликлар билан рўй беради. Чунки халқ онгида ўзгалар фикри билан ҳисоблашиш, “обрўли бировнинг” ишига тақлид, ўқитувчи айтган фикрни танқидсиз қабул қилиш анъаналари мавжуд. Бу жиҳат ҳам самарали тренингни мақсадга мувофиқ тарзда ташкил этишга кўпинча тўсиқ бўлади.

Шунинг учун ҳам Ўзбекистон шароитида ижтимоий психологик тренингни ташкил этишга жуда пухта тайёргарлик кўриш, гуруҳларни шакллантиришда ёш, жинс ва мавқега боғлиқ жиҳатларни ҳисобга олиш, машқлантиришни (тренировкаларни) маълум маънода узоқроқ муддатли қилиб ташкил этишга эътибор бериш зарур. Айниқса, бу ўринда бошловчи-тренер шахсига бериладиган эътибор катта. Чунки, агар у кўпроқ ташаббускорлик қилиб, ўз “эрудициясини” намоён қилиб қўйса, мунозара қисқа бўлиши, ёки тажрибасизлиги аён бўлиб қолса ҳам мулоқот самарасиз яқунланиши мумкин. Шунинг учун ҳам у жиддий таёргарликдан ўтган, тренинг тажрибасига эга бўлган малакали мутахассис бўлиши мақсадга мувофиқ. У нафақат айрим шахслар ва гуруҳлар психологиясини, балки миллий психологияни махсус равишда ўрганган, ўта кузатувчан ва билимдон шахс бўлиши жоиз.

Ўзбекистонда мавжуд бўлган психологлар тайёрловчи олийгоҳлар ўз дастурлари доирасида ана шундай назарий ҳамда амалий малакаларга эга бўлган мутахассисларни тайёрлашга алоҳида эътиборни қаратмоқлари, педагогика олийгоҳлари ва бошқа йўналишдаги ўқув юртларида ҳам ижтимоий психологик тренернинг ўша ихтисосликка алоқадор машқларини ўқув дастурларига кириштириш лозим.

Фақат шундагина, биз синфга кириб ўқувчилардан чўчимайдиган, балки улар фаолиятини илмий жиҳатдан тўғри ташкил эта оладиган билимдон ўқитувчиларни, ўз жамоасидаги ҳар бир аъзо билан, бошлиқ ёки бўйсунувчи ходим (тобе одамлар) билан тўғри муносабатлар ўрната оладиган зиёли шахсларни ижтимоий фаолиятнинг турли соҳаларига олдиндан қисман тайёрлаган бўламиз. Шу нарсани яна ҳисобга олиш лозимки, ИПТлар меҳнат жамоаларидаги ижтимоий ходимлар - психолог, социолог ва бошқаларнинг ҳам одатий ишларидан бирига айланиши, жойлардаги мутахассисларни психологик коррекция қилишда тренинглардан унумли фойдаланиш керак. Ана шундагина, мамлакатимизда демократик жараёнларга одамларни ва яхлит гуруҳларни тайёрлаш иши янада жадаллашади ва шарқона демократик тамойиллар ҳар бир шахснинг онги (шуури)га айланади.

## Х У Л О С А

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И.А.Каримов Олий мажлисининг IX сессиясида янги ижтимоий-иқтисодий шароитларда ёшлар тарбиясининг энг долзарб муаммолари ҳақида гапирар эканлар, уларда мустақил фикр юритиш, маданий савиянинг аҳамияти ҳақида шундай дедилар: “Демократик жамиятда болалар, умуман, ҳар бир инсон эркин фикрлайдиган этиб тарбияланади. Агар болалар эркин фикрлашни ўрганмаса, берилган таълим самараси паст бўлиши муқаррар” (Каримов И.А. Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Тошкент, 1997, 15-бет). Бу вазифанинг нақадар долзарб эканлиги ҳеч кимда шубҳа уйғотмайди, зеро, эркин фикрлай оладиган кишигина жамиятда ўз мавқеини тўла идрок қилган ҳолда бошқалар билан ҳам нормал инсоний муносабатларда бўла олади ва унга бунда умумбашарий ҳамда миллий қадриятларимизнинг энг нодир намуналари, шунингдек, ўзининг шахсий тажрибаси асос бўлади. Бунинг учун ёшлар билимдон бўлишлари, ўз билимлари дунёсига тўғри мослаша олиши ва ундан ўз ўрнида оқилона фойдалана билиши зарур. Билимдонликнинг муҳим қисми бўлган ижтимоий психологик билимдонлик, яъни инсоний, демократик муносабатлар тизимидаги теранлик эса шахс тақдири ва салоҳиятини белгиловчи муҳим омилдир. X

Амалий ижтимоий психологияда ҳаётимизнинг барча жабҳаларига фаол кириб бораётган ижтимоий психологик тренинглар ҳар бир шахснинг инсонлар гуруҳида ўзини эркин сезиши ва фикрларини эркин баён этишга ўргатувчи усул сифатида истиқболли усуллардандир. Ушбу қўлланма доирасида баён этилган назарий ҳамда амалий таҳлиллар, балки бугунги жамиятимиздаги инсонлар ўртасидаги барча муносабатларни ўз ичига қамраб ололмасам-да, лекин бу шу йўналишдаги ишларнинг бошланиши - дебочаси сифатида янгидан янги лойиҳалар ва машғулотлар вариантлари учун йўл очиши шубҳасиз.

Муаллиф сифатида шуни хоҳлардимки, ушбу китобда кўтарилган масалалар китобхонда ҳеч бўлмаганда, иккита саволга жавоб топишига ёрдам берса: ижтимоий психология ва унинг амалий дастурлари бугунги кунда фанимиз ва жамиятимиз тараққиётига н и м а б е р а о л а д и; ва халқимиз, биринчи навбатда ёшлар маънавий ва маърифий тарбияси такомили учун бугун н и м а л а р н и б е р и ш г а т а й ё р?

Агар шунга ўхшаш илмий хулосалар ёшлар ўртасида психологик саводхонликни кўтариш ва уларни кўп миллатли жамиятимизда инсоний муносабатларни шарқона удумлар ва қадриятларга таянган ҳолда мазмунли ва аҳамиятли тарзда бошқаришга ёрдам берса, биз бундан жуда мамнун бўлар эдик. Иймонимиз комилки, келажаги буюк давлатимизда буюк аجدодларга муносиб ворислар етишиб чиқадилар ва улар ўз маданий савияси, маънавияти ва ахлоқи билан жаҳон маданияти тараққиётига ўз улушларини қўшадилар. ✓



## Тавсия қилинадиган адабиётлар рўйхати

**Каримов И.А.** Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавф-сизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. - Тошкент, Ўзбекистон, 1997 - 328 б.

**Каримов И.А.** Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори.- Тошкент, 1997.- 36 б.

**Агаронян А.С.** Культура повседневной жизни: Социально-практические аспекты. - Ташкент, Узбекистан, 1982. - 254 б.

**Андреева Г.М.** Актуальные проблемы социальной психологии. М.: Изд - во МГУ, 1998 - 112 б.

**Аникеева Н.П.** Жамоадаги руҳий муҳит. - Тошкент, "Ўқитувчи", 1992 йил.

**Ахлоқ-одобга оид Ҳадис намуналари.** - Тошкент, Фан. 1990. - 172 б.

**Бернс Р.** Развитие Я-концепции и воспитание./Пер. с англ. - М.: Прогресс. 1986. - 424 б.

**Бородкин Ф.М., Коряк Н.М.** Внимание: Конфликт! - Новосибирск, Наука. 1989.— 190 б.

**Гозман Л.Я.** Психология эмоциональных отношений. - М.: Изд - во МГУ, 1987. - 176 б.

**Добрович А.Б.** Воспитателю о психологии и психогигиене общения: Кн. Для учителя и родителей. М.: Просвещение. 1978. - 307 б.

**Жутикова Н.Б.** Психологические уроки обыденной жизни. Беседы психолога. М.: Просвещение, 1990.- 256 б.

**Емельянов Ю.Н.** Активное социально-психологическое обучение. Л., 1985. - 168 б.

**Карнеги Д.** Как завоевывать друзей и оказывать влияние на людей./Пер. с англ. - М.: Прогресс, 1990. - 172 б.

**Ковалев С.В.** Психология современной семьи: Кн. для учителя. - М.: Просвещение, 1988. - 208 б.

**Кон И.С.** Психология ранней юности: Кн. для учителя. - М.: Просвещение, 1989. - 255 б.

**Кронин А.А., Кронина Е.А.** В главных ролях: Вы, мы, он, ты, я. Психология значимых отношений. - М.: Мысль, 1989. - 204 б.

**Ночевник М.К.** Культура и этика общения. - Ташкент, Узбекистан. 1983. - 192 б. Общение и оптимизация совместной деятельности. Под ред. Г.М. Андреевой, Я. Янашека. - М., 1987.

От Я до Мы: Азбука семейной жизни. Сост. С.В. Ковалев. - М.: Педагогика, 1989. - 336 б.

**Петровская Л.А.** Теоретические и методологические основы социально-психологического тренинга. - М., 1982.

**Петровская Л.А.** Компетентность в общении. Социально-психологический тренинг. - М.: Изд. МГУ, 1989. - 216 б.

Регуляция социально-психологического климата трудового коллектива. Под ред. Б. Д. Парыгина. - М.: Наука, 1986.- 204 б.

**Синица И. Е.** Педагогический такт и мастерство учителя. - М.: Педагогика. 1983. - 248 б.

**Скроежкин И.М., Вербицкий А.А.** Методика разработки и использования деловых игр как форма активного обучения студентов.- М., 1981.- 48 б.

**Тўраева О.** Оилавий муносабатлар психологияси. - Тошкент, 1990.

**Эльконин Д. Б.** Психология игры - М., 1978. - 304 б.

**Argyle M. e.a.** Social situations. Cambridge e. a. 1981. IX. 453 p.

**Johnson D.W., Johnson F.P.** Joining together : Group theory and group skills. 2nd ed. Englewood Cliffs (N. J.), 1982. 510 p.

**Moede W.** Experimentell Massenpsychologie. Leipzig. 1920. 280 p.

**Ижтимоий психологик тренинглар учун сценарийлар ва мунозаралар учун айрим мавзулар**

1. Бошловчи ҳар бир иштирокчи қўлига алоҳида карточкаларда “ЛИДЕР” ва “Фаросат” сўзларини бериб чиқади. Сўзлардаги ҳарфлар вертикал кўринишда ёзилган бўлиб, иштирокчи ҳар бир ҳарфнинг рўпарасига ўша билан бошланадиган ўзидаги шахсий сифатларни кўп ўйланмай ёзиб чиқиши керак.

Мақсад: шахснинг ўзини ўзи англаш ва ўзига нисбатан сензитивликни аниқлаш.

2. “СУД ЙИФИЛИШИ”. Унда қуйидаги роллар бўлади: судья, адвокат, жамоатчилик вакили, эр, хотин, қайнона, қайнота. Вазият: эр хотинининг кўпроқ жамоат ишларидан бандлигидан норози. Унингча, хотин уй ишларини бажариши, конкрет вазиятда у ё ишни, ёки оилани танлаши керак.

Мақсад: ролли ўйин воситасида зиддиятли шароитларда шахслараро ўзаро муроса йўлларини қидириш.

3. “АҲВОЛЛАР ҚАЛАЙ?” ўйини. Бунда гуруҳ аъзолари жуфтликларга бўлиниб, доира шаклида жойлашадилар ва ичкари томонда турганлар ташқаридагиларга 30 секунд мобайнида ўз ҳаётлари ҳақида гапира бошлайдилар. Унда охириги пайтларда ҳаётда юз берган воқеа, фахрланиш объектлари, ширин таассуротлар ҳақида гапириш мумкин. 30 секунддан кейин роллар алмашинади. Ўйин гапириш ва тинглаш малакаларини, ўзи ҳақида гапира олиш санъатини, лўнда ва қисқа гапириш каби қатор сифатларни тарбиялайди.

4. “КОСМИК ТЕЗЛИК” ўйини. Асосий қурол - тўпча. Коптокни Т-гуруҳ аъзолари доира шаклида туриб, тез-тез бир-бирларига узатишлари керак, лекин уни ёнидагига бериб бўлмайди. Агар қисқа муддатда ҳар бир гуруҳ аъзоси камида бир марта бехато тўпни қўлга киритган бўлса, ўша гуруҳ ғолиб ҳисобланади. Бунда гуруҳдаги

ҳаракатлар мувофиқлиги, психологик мослик, ҳаракатларнинг бирлиги, тез ва тўғри қарор чиқара олиш кабилар синалади.

5. “БОТҚОҚЛИК” ўйини. Бунинг учун картон қоғоздан тайёрланган ўртача катталиқдаги “ликопчалар” керак бўлади, уларнинг сони 9 та бўлгани маъқул. Гуруҳ аъзолари қатор бўлиб, бирин-кетин тарелкаларни босиб, ботқоқликдан ўта бошлайдилар, атрофда эса қароқчи “тимсоҳлар” бор. Улар бўшаб қолган тарелкаларни олиб кўядилар. Мақсад - ҳар бир гуруҳ аъзоси тарелкалардан оёқни узмаслиги, ҳеч бўлмаганда, бир оёқни учи билан уларни босиши керак. Агар гуруҳ аъзолари иттифоқ бўлиб, улар ҳаракатларида мувофиқлик юзага келса, албатта ботқоқликдан мағлубиятсиз ўтадилар ва бирорта ликопчани тимсоҳларга бермайдилар.

6. “ТЕЛЕФОН” ўйини. Гуруҳ аъзолари навбат билан телефонда ўзи танлаган абонент билан 30 секунд мобайнида ўзи хоҳлаган мавзуда гаплашади. Кузатувчилар унинг ўзини тутиши, клиент билан муомаласи, нариги тарафдаги шахс билан гаплашувчи ўртасидаги яқинлик, ўзаро муносабатларни таҳлил қиладилар ва керакли маслаҳатлар берадилар.

7. “ИНТЕРВЬЮ” ўйини. Бошловчи ва протоголист интервьер сифатида турли тоифали шахслардан (вазир, артист, ректор, мактаб директори ва ҳоказо) интервью олиниши айтилади, у ўзи бир аъзони шу ролга тавсия этади. Таҳлилда нима учун айнан шу киши шу ролга тавсия этилгани ҳақида ҳам фикр билдирилади. “Ўзга бўлиш санъати” ва олий даражали мулоқот техникаси машқ қилинади.

8. “ХУШОМАД ҚИЛИШ” ўйини. Гуруҳ аъзолари бир-бирларига хушомад қила бошлайдилар. Мақсад: гуруҳдаги шахслараро тангликни бартараф этиш ва психоземционал енгиллик бериш.

9. “ОММА ОЛДИДА ЧИҚИШ ҚИЛИШ”. Бу ўйинга аъзолар олдиндан тайёргарлик кўришгани маъқул. Чунки бунда маълум вақт давомида нотиклик маҳорати ва гуруҳга мурожаат қилишнинг турли воситалари синалади ва гапириш ва эшитиш санъатлари машқ қилинади.

10. Брейнсторминг учун қуйидаги мавзуларни таклиф қилиш мумкин:

- Ёмон раҳбар - бу .....
- Яхши ("ёмон") маъруза - бу .....
- Мен лоқайдлик қилсам - .....
- XXI аср ёшлари қандай бўлади?
- Бошқа планеталардаги тирик мавжудотлар - .....

11. 2 минут вақт ичида турли мавзуларда оммавий маърузалар матнини тайёрлаш ёки қоралаш. Мавзулар - "Ёшлар муаммоси", "Ўзбек аёллари масаласи", "Раҳбарлик мансабми ёки таланти?", "Қишлоқ турмуш тарзи" ва ҳоказо.

12. "Учрашув" мавзусида ролли ўйинлар. Бир ҳолатда нотаниш одамлар, иккинчи ҳолатда таниш одамлар учрашиб қоладилар. Тренинг иштирокчилари "Учрашув" қатнашчиларининг ўзаро мулоқоти, ўзини тутишларини турли вариацияларда синаб, сўнгра муҳокама қиладилар.

13. "ТАНИШУВ" : Турли ёш, жинс, касб-кордаги шахсларнинг танишувчи саҳналари турли вариантларда ўйналади.

14. "ЎЗИНИ ТАНИШТИРИШ" ўйини . 2 минутда ҳар бир иштирокчи ўзи ҳақида хоҳлаган нарсаларни айтиб бериши ва сўнгра айтилганлар видео ёки аудиокассеталар воситасида қайтарилиб, шахснинг ўзи ва гуруҳ томонидан таҳлил қилинади.

15. "САЛОМЛАШИШ". Тренер гуруҳ аъзоларини доира қилиб ўтказиб, сўнг уларни ҳар бири 2 - 3 кишидан иборат гуруҳчаларга ажратади. Саломлашиш мана бу сўзлардан тузилган; андиқ, сандиқ, чандиқ, ҳорманг, толманг. Барча иштирокчилар саломлашишни бир вақтда айтади. Саломлашиш бақирмасдан, балки бир текис нафас олиб талаффуз қилинади. Ниҳоят қандайдир "апчхи"га ўхшаш сўз ҳосил бўлиши керак. У 2 - 3 марта такрорланади.

16. "Туғилган кунга совға ". Тренинг аъзоларидан бири гуруҳ олдига чиқиб ўтиради. Ўйиннинг ҳамма ишти-

рокчиларининг вазифаси, ўтирган кишининг туғилган кунига ҳар бир иштирокчи индивидуал тарзда совға қилиш. “Совға бериш” тугаганидан сўнг, нима учун айнан шу совға қилинганлиги асосланиб берилиши керак. Машқнинг маъноси: “Атрофингдагилар нечоғлиқ сени турли-туман, сени турлича ёқтирадилар ва идрок этадилар”.

Гуруҳнинг ҳар бир аъзоси, тренернинг ўзи ҳам “именинник” ролини бажариши мумкин. Бу ерда тренернинг вазифаси - ўз-ўзини бошқариш муаммосига кўпроқ эътибор бериш.

17. “ТАНИШИШ”. Тренернинг кўрсатмасига биноан унинг ўнг ёки чап томонида турган иштирокчилардан биттаси ўз исмини айтади. Иккинчи иштирокчи эса биринчисининг ва ўзининг исмини айтади. Тренингнинг учинчи иштирокчиси эса, биринчисининг, иккинчисининг ва ўзининг исмини айтади ва шу тариқа охиригача давом этади. Тренингнинг охириги иштирокчиси биринчисидан бошлаб, то гуруҳ аъзоларининг ҳаммасини ва ўзининг исмини айтади. Гуруҳ аъзоларининг бир-бири билан танишиши мана шу тарзда амалга ошади.

Агар гуруҳ аъзолари таниш бўлсалар, иккинчи турда ҳар бир иштирокчи ўзига “тахаллус” (гул, мева, бадий қаҳрамон, планеталар номи каби) ўйлаб топиб, кейин ўша тахаллус бўйича ўзини “таништиради”. Бу машқ ҳам шахслараро чиниқиш, хотирани мустаҳкамлаш, эмоционал тангликнинг олдини олиш каби мақсадларда хизмат қилиши мумкин.

18. “ИНКОР ЭТИЛГАНЛАР” ўйини. Мунозара ёки брейнштурминг усули ёрдамида жамиятда инкор этилганлар тоифасига кирувчилар ва уларнинг пайдо бўлиш омиллари ҳамда шундайларга ёрдам чоралари ҳақида фикр алмашилади. Маълум муддат ўтгач, гуруҳнинг ўзида айрим белгилар асосида аъзолар тоифаларга бўлиниб, тренер бошчилигида табиий эксперимент йўли билан “инкор этилганликни ҳис қилиш” ўйини ташкил этилиши мумкин.

## М У Н Д А Р И Ж А

<b>МУҚАДДИМА</b> .....	3
<b>I БОБ. Ижтимоий психология ва унинг долзарб муаммолари</b> .....	4
1.1. Ижтимоий психологиянинг предмети ва вази-фалари. ....	4
1.2. Ижтимоий психологиянинг методлари.....	8
1.3. Ижтимоий психологиянинг амалий-татбиқий соҳалари.....	15
<b>II БОБ. Ижтимоий психологик билимдонлик ва самарали мулоқотга ўргатиш техникаси</b> .....	26
2.1. Янгича ижтимоий психологик муносабатларга ўргатиш муаммоси .....	26
2.2. Ижтимоий психологик билимдонлик - самарали муомаланинг муҳим омили сифатида .....	32
2.3. Самарали муомаланинг техникаси ва техноло-гияси.....	38
2.4. Фаол ижтимоий психологик методларнинг турлари ва хусусиятлари.....	43
<b>III БОБ. Мунозара методлари ва уларни ташкил этиш технологияси</b> .....	53
3.1. Мунозара методларининг ижтимоий психологик аҳамияти .....	53
3.2. Кичик ва катта гуруҳларда мунозараларни ташкил этиш қоидалари.....	56
3.3. Брейнсторминг ва уни ўтказиш технологияси ..	58
<b>IV БОБ. Ўйин методлари ва уларнинг ижтимоий фаолликни оширишдаги роли</b> .....	60
4.1. Ўйин методларининг классификацияси ва уларнинг психологик моҳияти.....	60
4.2. Ролли ўйинларни ташкил этиш технологияси...	63
4.3. Ролли ўйинлар жараёни ва унинг шакллари.....	68
<b>V БОБ. Перцептив тренинг ва унинг ижтимоий психологик хусусиятлари</b> .....	72
5.1. Перцептив тренингнинг шахс учун аҳамияти.....	72
5.2. Перцептив ва сензитив тренингларни ташкил этиш шартлари .....	73

<b>VI БОБ. Ижтимоий психологик тренингни ташкил этувчи шахс билимдонлигини ошириш муаммоси .....</b>	<b>78</b>
6.1. Ижтимоий психологик тренингни ташкил этувчиларни тайёрлаш муаммоси .....	78
6.2. Ижтимоий психологик фаол услубларни маҳаллий шарт-шароитларда қўллаш ва мутахассислар тайёрлашда улардан фойдаланиш.....	82
<b>Хулоса .....</b>	<b>87</b>
<b>Тавсия қилинадиган адабиётлар рўйхати .....</b>	<b>89</b>
<i>Иловалар.</i> Ижтимоий психологик тренинглар учун сценарийлар ва мунозаралар учун айрим мавзулар .....	91

---

**Васила Маманасиrowна Каримова**

## **ИЖТИМОЙ ПСИХОЛОГИЯ ВА ИЖТИМОЙ АМАЛИЁТ**

**(Университетлар ва педагогика институтлари учун ўқув қўлланма)**

Муҳаррир *Э.Фозиев*

Мусаҳҳиҳ *О.Абдуллаева*

Босишга рухсат этилди 22.10.99 й. Бичими 84 x108<sup>1/32</sup>. Офсет босма усулида босилди. Нашриёт ҳисоб табоғи 4,7. Шартли босма табоғи 5,0. Адади 2000 нусха. Баҳоси келишилган нарҳда. Буюртма №48

“Университет” нашриёти. Тошкент - 700095, Талабалар шаҳарчаси, ТошДУ, маъмурий бино, 5-қават.

Янгийўл ижара китоб фабрикасида босилди. Янгийўл ш., Самарқанд кўчаси, 44. 1999 й.